

ХУДОЙБЕРГАНОВ РАВШАН ЮСУПОВИЧ

**ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИЯСИ ТИЗИМИНИНГ
ВАРИАНТДОРЛИГИ**

**Огаҳий нашриёти
ХОРАЗМ- 2023**

УЎК 811.512.133'373.23

КБК 81.2Ўзб-3

X 87

Равшан Худойберганов. Ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги. [Матн]/ Монография. Р.Худойберганов- Хоразм. Огаҳий нашриёти. 2023. 180 б.

Мазкур китоб ўзбек ономастикаси, жумладан, ўзбек антропонимияси юзасидан илмий-тадқиқот иши олиб бораётган докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар, бакалаврлар ва ушбу соҳага қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар:

З.Д.Дўсимов, ф.ф.д., профессор;

А.И.Примов, ф.ф.н., доцент.

Тақризчилар:

Н.Улуқов, ф.ф.д., профессор;

А.Д.Ўрозбоев ф.ф.д., профессор;

Д.Т.Юлдашев, ф.ф.д., доцент.

Ушбу китоб Урганч давлат университети Илмий кенгашининг 2023 йил 26 июндаги йиғилишида кўриб чиқилиб, мазкур йиғилишнинг 11-сонли баённомасига асосан нашр қилишга тавсия этилган.

ISBN 978-9910-9883-2-5

© Равшан Худойберганов. “Ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги”
© Огаҳий нашриёти, 2023 йил.

*Ушбу китоб падари-бузрукворим
Юсуфбой ота Худойбергановнинг
85 йиллиги ва унинг ёрқин
хотирасига бағишланади.
Охиратингиз обод бўлсин.*

СЎЗ БОШИ

Маълумки, ўзбек ономастикасида атоқли отларнинг бир қанча турлари бўйича тадқиқотлар амалга оширилган. Булар орасида топонимлар, антропонимлар бўйича қилинган ишлар кўпроқ ўрин эгаллайди. Қайси соҳа бўйича тадқиқотлар кўлами кенгроқ амалга оширилган бўлса, ўша соҳа бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам кўзга яққолроқ ташланади. Чунки муайян тадқиқотчи томонидан ишни амалга ошириш жараёнида келгусида бажарилиши лозим бўлган муаммолар кўрсатиб ўтилади. Тил учун атоқли отларнинг барча типлари зарур бўлиб, улар ичида янада муҳим ўрин тутадиганлари борки, булар антропонимлардир. Бу ономастик birlikлар халқимиз ва тилимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Давлатимиз раҳбари: “Биз халқимизнинг тақдири, эртанги куни ҳақида ўйлар эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларимиз, бетакрор санъатимиз ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур”, – деган эди. Ҳақиқатдан ҳам, ўзбек тили антропонимлари ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, халқимиз тафаккури, фазилатлари, оламнинг лисоний манзарасини ўзида акс эттирувчи бебаҳо лисоний хазинадир.

Ҳозирги давргача ўзбек антропонимларининг лексик-семантик хусусиятлари, этимологияси, антропонимиянинг номинатив ва мотиватив асослари, антропонимларни тадқиқ

қилишнинг антропоцентрик муаммолари юзасидан анчагина ишлар амалга оширилди.

Ўзбек антропонимикасининг ташкил топиши ва ривожланишида Эрнст Азимович Бегматовнинг хизматлари беқиёсдир. У билан бўлган суҳбатларимизнинг бирида ўз исми сабабли унга илмий раҳбари антропонимия йўналиши бўйича номзодлик диссертацияси мавзуси устида ишлашни таклиф қилган экан. Домланинг тўнғич шогирди бўлмиш Носиржон Улуқов билан суҳбатларимизнинг бирида Эрнст Бегматов томонидан: “Ер юзида битта инсон қолса ҳам, ономастик бирликларга, хусусан, антропонимларга эҳтиёж мавжуд бўлаверади”, –деб айтилган пурҳикмат гапи киши номларининг инсон ҳаётида нечоғлик аҳамиятга эга эканини кўрсатиб беради. Олимнинг номзодлик диссертацияси ва бир қатор мақолаларида антропонимика масалалари чуқур ўрганилган. Э.Бегматов тадқиқотларида антропонимларни тадқиқ қилишнинг амалий муаммоларига катта эътибор берилади ва олимнинг ушбу масалалар ечимига бағишланган бир қатор китоблари нашр қилинган. Умуман, Э.Бегматов ўзбек тилшунослигининг кўпгина йўналишларини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган олим бўлиши билан бирга, юқорида таъкидлаганимиздай, ўзбек антропонимикаси соҳаси бўйича салмоқли ишларни амалга оширган ва шу соҳа бўйича кўплаб шогирдлар етиштирган буюк олим эди. Антропонимика бўйича Н.Улуқов, Н.Хусанов, Р.Худойберганов, Н.Бекмуродов, Я.Явқачев, С.Кенжаева, Ғ.Сатторов, И.Худойназаров, Ш.Ёқубов, М.Рашидовалар бевосита ёки билвосита Э.Бегматов раҳбарлигида, унинг тавсияларидан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Эрнст Бегматов илмий мактабининг забардаст вакилларида бири ушбу монография муаллифи Равшан Юсупович Худойберганов бўлиб, узоқ йиллар давомида олимнинг ёнида юриб, домла илмий раҳбарлигида номзодлик

диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган, устознинг ономастик қарашларини ўзига сингдира олган ва уларни тилшуносликнинг замонавий йўналишларига татбиқ ҳамда шу парадигмаларда тадқиқ эта олган олим сифатида илмий жамоатчилик эътиборини қозонган. Р.Худойбергановнинг антропонимиканинг жиддий муаммолари бўйича тадқиқот олиб боргани Э.Бегматовнинг эътирофига сазовор бўлган, устоз бу ҳақида шундай ёзган эди: “Кейинги пайтларда ўзбек исмшунослари ўзбек антропонимлари ясалишининг конкретроқ муаммоларига қўл урмоқдалар. Ушбу сатрлар муаллифи раҳбарлигида Р.Худойбергановнинг ўзбек антропонимларининг вариантдорлигини ўргангани... бунинг исботидир. Ҳақиқатдан ҳам, жаҳон тилшунослигида, жумладан, туркологияда “*синоним*”, “*дублет*” ва “*вариантдорлик*” каби тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқ белгиланмаган ҳамда уларни фарқлаш масаласи ҳали тўлиқ ҳал этилмаган ҳолатда ушбу муаммонинг ечими Равшан Худойберганов томонидан амалга оширилиши фанда улкан янгилик бўлган эди. Олим ушбу тадқиқотида тил тизимида, жумладан, **антропонимияда, вариант, вариантдорликка** ёндош бўлган *синонимлар, луғавий параллеллар, қўшномлилик, кўпномлилик* ва бошқа шу каби ҳодисалар мавжуд экани, вариантлилик ҳодисасини қайд қилинган лисоний ҳодисалардан фарқланишини биринчи бўлиб, монографик планда тўплаган ва бир неча минг мисоллар таҳлили асосида далиллаб берди. Шунингдек, **вариант, вариантдорлик, инвариант**, яъни бир асосий (асос) антропонимдан номнинг қўлланиши, функционал ҳолатларида юзага келган турли фарқли шакллар эканини кўрсатиб берди.

Олим ўзбек антропонимияси материаллари бўйича олиб борган таҳлиллари натижасида киши номларининг вариантдорлиги номни икки хил талаффуз қилиш ҳамда икки хил ёзиш; номнинг ҳам адабий, ҳам лаҳжавий варианты

мавжуд бўлишлиги; шахс номининг эркалаш, суйиш омиллари туфайли турли шаклларга кириши; номнинг талаффуз жараёнида нутқий иқтисод талабига кўра қисқартириб айтишга интилиш; номнинг тарихий ҳамда замонавий шаклга эга бўлиши каби омиллар асосида юзага келишини аниқлади.

Тадқиқотчи антропонимларнинг лаҳжавий вариантларини юзага келтирувчи омил ва бунинг ҳосиласи бўлмиш вариантлар икки хил бўлишини асослаб берди. Бунда номнинг адабий имловий шакли ҳамда лаҳжавий шакли вариантлилиги, масалан: **Ёрқин//Жарқин, Холбуви//Қолбиби, Толлой// Тотлиой** ва бошқалар; номнинг лаҳжа (шева)лараро фарқли шаклларининг вариантдорлиги, масалан: **Аглам//Аълом, Агзам//А:зам, Нугмон//Нўмон//Ниғмон** ва бошқалар вариантдорликни юзага келтиришда фаол эканини кўрсатди. Олим томонидан яратилган илмий янгиликлар антропонимларнинг имлоси масаласини тартибга солиш учун жуда муҳим эди. Бой фактик материаллар таҳлили асосида аниқланган бу янгилик Э.Бегматовнинг эътиборини тортмасдан қолмади ва у кейинчалик бу ҳақида: “Исмларнинг келтирилган вариантлари бир қатор луғавий, фонетик, орфоэпик, орфографик, ҳудудий тил хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, Р.Худойберганов томонидан ўрганилган. Унинг тадқиқоти ўзбек антропонимияси антропонимик вариантларга жуда бойлигини кўрсатган. Бу антропонимия тизимининг, бир томондан, маҳаллий-лаҳжавий хусусиятлари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, антропонимлар имлосининг етарли равишда адабий тил меъёрларига солинмаганидан, деб изоҳлаш лозим бўлади (Атоқли отларни тўғри ёзиш масаласи ўзбек тилининг жорий имло қоидаларида доимо четлаб ўтилгани маълум). Биз томондан бу масалада тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, бу ҳали етарли эмаслиги ўз-ўзидан маълум”, – деб ёзган эди. Англашимизча, Э.Бегматов шогирди томонидан яратилган илмий янгиликлар,

хусусан, антропонимларнинг имлоси билан боғлиқ муаммолар вариантдорлик ҳодисаси бўйича тўпланган билим ва хулосаларга асосланган ҳолда ўз ечимини топишига амин бўлган, ушбу тадқиқотдан кейин, ўзининг исмлар имлоси бўйича ёзган ишларидан қониқмай қолгани сезилиб турибди. Ҳақиқатдан ҳам, тадқиқотнинг **“Антропонимларнинг имловий вариантлари”** деб номланган учинчи бобида киши номларининг имловий хусусиятлари ва уларни тартибга солиш масалалари ҳақида сўз юритилади, олим томонидан ўринли тавсиялар билдирилади.

Исмлар вариантдорлигини тадқиқ қилиш ўзбек исмлари ва фамилиялари имлосининг баъзи мураккаб муаммоларини илмий жиҳатдан ҳал қилишга имкон беради. Чунки, номлар фондидаги вариантларнинг аксарият қисмини турлича ёзилиш шакллари билан боғлиқ бўлган имловий вариантлар ташкил қилади (*Тухна//Тўна, Курвон//Курбон, Маҳкам//Маккам, Отабой//Атавой*). Шунинг учун ҳам антропонимлар тизимидаги вариантдорликнинг ўрганилиши, ўз навбатида, антропонимия тизимининг нормага солиш муносабатини белгилайди, исмлар, фамилиялар, отаисмларининг танланиши ва ёзилиши муайян нормаларга солиш имкониятларини ойдинлаштиради. Лекин, минг бора афсуски, антропонимлар имлоси бўйича олим томонидан ишлаб чиқилган қоида ва тавсияларга амал қилишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Равшан Худойберганов ушбу тадқиқоти орқали ўзбек тилшунослигида айрим терминларни илк марта муомалага киритган. **Вариантдорлик** термини аввал апеллятив лексика бирликларига нисбатан қўлланган бўлса, олим **ономастик вариантдорлик, антропонимик вариантдорлик** каби ономастик сатҳ бирликларига нисбатан қўллайди ва уларнинг таърифларини яратади. Тадқиқотчи **палиндроним** терминини ҳам ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб муомалага киритган. Ушбу бирлик ва унинг таърифи Э.Бегматовнинг ҳам диққатини

тортгани кўришиб турибди: “Қисмлари ўзаро алмашинуви (комбинацияси) туфайли ҳосил бўладиган қўшма исмлар ономастикада палиндромик номлар деб юритилади. Бу термин озарбайжон тилшуноси М.Н.Чобанов ва ўзбек исмшуноси Р.Худойберганов [Худойберганов Р. Ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги: Филол. фан. ном.... дис. автореф. – Тошкент, 2008, 9-бет.] ишларида учрайди”. Э.Бегматов китобнинг бошқа бир ўрнида ҳам Р.Худойбергановдан иқтибос келтиради: “...антропонимияда баъзи қўшма исмлар исм компонентларининг ўрин алмашишидан ҳосил бўлади: **Алишер-Шерали**. Бундай исмлар палиндромик номлар деб юритилади. Исмлардаги ушбу хусусиятни ҳам антропонимияни характерловчи ҳодисалардан бири деб баҳолаш мумкин [Худойберганов Р. Антропонимияда вариантдорликка хос полиндромлар хусусида//Филологик тадқиқотлар. Тошкент, 2007. 60-61-бетлар.]”.

Ушбу китобни ўқий туриб, антропонимлар вариантдорлиги ўзбек антропонимияси тизимидаги анъанавий-тарихий ҳамда янги номлар орасида юзага келишига амин бўламиз. Исмлар вариантдорлигини тадқиқ қилиш адабий исм ва диалектал исм каби тушунчалар моҳиятини англаб етишга имкон беради. Чунки, вариант исмларнинг маълум қисми адабий (муайян умумнормага тушган) минтақавий-лаҳжавий номлар асосида юзага келади (**Ёрқин//Жарқин, Нўъмон//Ниғмон, Мадамин//Муҳаммадамин**).

Ушбу монография нафақат антропонимиядаги вариантдорлик, балки атоқли отларнинг бошқа турларидаги вариантдорлик масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Айрим мутахассислар томонидан ономастик сатҳнинг бошқа бирликларига нисбатан **синонимлар, луғавий параллеллар, қўшномлилик, кўпномлилик** каби ҳодисалар, уларнинг вариантдорликдан фарқи каби тушунчалар ажратилмасдан тадқиқ қилиниб юрилган бир пайтда

диссертациянинг натижалари тўлдирилиб, кенгайтирилган, қайта ишланган шаклда илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиниши айни муддао бўлди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришишимиз кераклиги, бу ишлар учун эса молиявий ресурслар ва маблағларни асло аямаслигимиз кераклиги ҳақида гапирган эди. Ушбу китоб ўзбек халқининг маънавияти, қадриятлари, менталитети, ўзига хос лисоний хусусиятларини ўзида мужассам қилган антропонимлар тадқиқига бағишланганлиги билан давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган юқорида тилга олинган вазифалар ечими йўлидаги изланишлар самараси деб ҳисобласак, адашмаймиз.

Муаллиф ушбу китобни падари бузруквори Юсуфбой ота Худойберганов таваллудининг 85 йиллигига, отасининг ёрқин хотирасига бағишлабди. Умри давомида маориф тизимида фаолият юритган, узоқ йиллар мактаб директори лавозимида ишлаб, айни камолот ёшида бевақт вафот этган Юсуфбой отанинг жойлари жаннатда бўлсин, деймиз. Ҳайитжон она турмуш ўртоғини тупроққа топшириб, ўн нафар фарзанди билан ёлғиз қолган пайтида Равшан Юсупович саккиз ёшда бўлган. Отасининг элу юртда ҳурмат топгани, яхши, обрўли инсон бўлгани, унинг қонида ана шу генетик кодлар сақлангани, ҳар доим отасидай инсон бўлишни орзу қилгани учун бўлса керак, Равшан Юсупович меҳнаткаш ва фидойи инсон, яхши раҳбар бўлиб етишди. Филология фанлари номзоди илмий унвонига эришди. Республика миқёсида, иқтидорли олим, куюнчак ва фидойий педагог сифатида танилди. Бугунги кунда Хоразм вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун

хужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимида самарали хизмат қилиб, тилимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва унинг тараққиёти йўлида улкан ишларни амалга ошириш билан бир қаторда, илмий иш билан шуғулланиб, докторлик диссертациясини яқунлаш арафасида турибди. Олимга муваффақиятли ҳимоя тилаймиз! Илоҳим, отасининг яшолмай қолган умрини Равшан Юсуповичга берган бўлсин, юзга кирсин, зеро, ушбу китобга ўхшаш кўплаб фундаментал илмий асарлар яратсин! Бир сўз билан айтганда, китобини отасининг хотирасига бағишлаган фарзанднинг “Отасига раҳмат!” дейиш керак бўлади.

Азамат Примов,
Урганч давлат университети ўзбек
тилшунослиги кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди, доцент.

КИРИШ

Ўзбек тилидаги атоқли отларнинг луғавий тизими ниҳоятда бой ва серқирра бўлиб, унинг баъзи типлари қониқарли ўрганилди.

Ўзбек антропонимияси тизимини тадқиқ қилишда Э.А.Бегматов ва унинг шогирдлари томонидан муҳим ишлар қилинди. Айниқса, Ғ.Саттаров, Н.Хусанов, М.Норқулова, шунингдек, С.Раҳимовларнинг монографик тадқиқотларини таъкидлаш ўринлидир. Шунингдек, ўзбек тарихий антропонимиясини¹ тадқиқ қилиш Н.Хусановнинг ишлари яқинда яқунланди². Қайд қилинган муаллифлар ва бошқа бир қатор тилшуносларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўзбек антропонимиясининг айрим муаммолари ўз ечимини топди. Булар ўзбек исmlарининг лисоний таркиби, ўз ва ўзлашган қатламлари, исmlарнинг тузилиши ва ҳосил бўлиши, исmlарнинг маъноси, исmlар имлоси, минтақавий антропонимияга хос баъзи хусусиятлар ва бошқалар.

Юқорида қайд қилинганларга қарамасдан, ўзбек антропонимиясининг бир қатор лисоний ва нолисоний хусусиятлари ҳали тўлалигича ўрганилгани йўқ. Чунончи, исmlар семантикаси, исmlарнинг имлоси ва транслитерацияси, исmlар стилистикаси, исmlарнинг умуммиллий ва минтақавий фонди, адабий ва диалектал номлар, улар орасидаги ўзаро муносабат каби муаммолар ҳали атрофлича таҳлилга муҳтождир.

Ҳозирги ўзбек исmlарининг луғавий тизимини умумий тарзда тавсифлаш босқичи босиб ўтилди дейиш мумкин. Шу муносабат билан эндиликда исmlар тизимидаги баъзи ички

¹ Бегматов Э., Хусанов Н., Ёқубов Ш., Боқиев Б. Ўзбек тарихий номшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1992. 5-сон. – Б. 26.

² Хусанов Н. XV аср ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. – Тошкент. 1996. 2-китоб. 1997.

қонуниятлар, системавий муносабатлар теранроқ ўрганиш эҳтиёжи туғилмоқда. Мана шундай муаммолардан бири - *ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги* масаласидир.

Исмлар вариантдорлиги, **аввало**, ўзбек антропонимияси тизимидаги анъанавий-тарихий ҳамда янги номлар орасида юзага келади.

Иккинчидан, исмлар вариантдорлигини тадқиқ қилиш адабий исм ва диалектал исм каби тушунчалар моҳиятини англаб етишга имкон беради. Чунки, вариант исмларнинг маълум қисми адабий (муайян умумнормага тушган) минтақавий-лаҳжавий номлар асосида юзага келади (*Ёрқин – Жарқин, Нўъмон – Ниғмон, Мадамин – Муҳаммадамин*).

Учинчидан, исмлар вариантдорлигини тадқиқ қилиш ўзбек исмлари ва фамилиялари имлосининг баъзи мураккаб муаммоларини илмий жиҳатдан ҳал қилишга имкон беради. Чунки, номлар фондидаги вариантларнинг аксарият қисмини исмларнинг турлича ёзилиш шакллари билан боғлиқ бўлган имловий вариантлар ташкил қилади (*Тухна – Тўна, Қурвон – Қурбон, Маҳкам – Маккам, Отабой – Атавой*).

Тўртинчидан, исмлардаги вариантдорлик ҳодисасини тадқиқ қилиш тил тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган инвариант ва вариант ҳодисасининг³ ўзбек антропонимияси тизимидаги хусусиятларни очишга имкон беради ва б.

Тилга олинган муаммоларнинг ўрганилиши, ўз навбатида, антропонимия тизимининг нормага солиш муносабатини белгилайди, исмлар, фамилиялар, отаисмларининг танланиши ва ёзилиши муайян нормаларга солиш имкониятларини ойдинлаштиради.

³ Набиева Д. Ўзбек тили сатҳларида диалектик категорияларнинг намоён бўлиши: филол. фанлари док-ри дисс... автореф. – Тошкент, 2006. – Б. 6-8.

Маълумки, ўзбек антропонимияси тизимидаги кўпсонли исмлар халқимизнинг улкан маданий ҳамда маънавий бойлигининг беназир дурдоналаридан биридир. Ҳар бир халқнинг кўҳна тарихи бўлганидек, ўзбек тилидаги исмларнинг ҳам турли даврларда, турли хил шароитлар туфайли юзага келган ва ривожланиб борган қизиқарли тарихи бордир. Ўзбек антропонимиясини тадқиқ қилишда Х.Дониёров, А.Ишаев, Н.Хусанов, С.Раҳимов, Ғ.Саттаров ва бошқаларнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Айниқса, Э.А.Бегматовнинг антропонимика соҳасида олиб борган тадқиқотлари мазкур мавзунинг тадқиқ қилишда муҳим назарий манба ролини ўйнай олди.

«Ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги» мавзуидаги тадқиқот нафақат ўзбек тилшунослигида, балки умумтуркологиядаги ушбу масалага оид илк кузатув саналади.

Тадқиқотнинг мақсадини амалга ошириш учун диссертацияда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

-тилшуносликда инвариант ва вариантдорлик тушунчасининг талқинини ўрганиш ва унинг антропонимия тизими вариантдорлигига муносабатини белгилаш;

-атоқли отлар, жумладан, антропонимик тизимдаги вариантдорлик ҳодисасининг лисоний моҳиятини очиш;

-антропонимик вариантларни юзага келтирувчи лисоний асослар ва сабабларни ўрганиш;

-антропонимик вариантларнинг юзага келиш усул ва йўллари белгилаш;

-антропонимик вариантларнинг лексик-семантик, дериватив ҳамда имловий жиҳатдан тавсифлаш, бундаги фаол ва нофаол моделларни аниқлаш;

-антропонимик вариантларнинг адабий тил тизими ва адабий тил меъёрларига муносабатини тадқиқ қилиш;

-антропонимик вариантларни адабий тилнинг имловий норма талаблари нуқтаи назаридан маълум меъёрларга солиш имкониятларини ўрганиш ва бошқалар.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

-антропонимия тизимидаги вариантдорлик ушбу ишда нафақат ўзбек тилшунослиги, балки умумтуркологияда биринчи марта тадқиқ қилинди;

-ишда ҳозирги ўзбек тилидаги вариантдор номлар атрофлича тўпланилди ва улар маълум лисоний ҳамда нолисоний белгиларга кўра тасниф этилди;

-исмлар вариантдорлигини юзага келтирувчи лисоний ва ижтимоий асослар, сабаблар белгиланди;

-исмларнинг вариант шакллари юзага келтирувчи луғавий, аффиксиал, морфологик, синтактик, шунингдек, имловий ва орфографик омиллар ўрганилди;

-вариант номларнинг луғавий-маъновий, функционал хусусиятлари таҳлил қилинди;

-антропонимик тизимни адабий норма нуқтаи назаридан баҳолаш имкониятлари тадқиқ этилди.

Маълумки, ўзбек тили ономастикаси ҳозирда анча ривож топган соҳалардан биридир. Ўзбек ономастикаси тизими, унинг лисоний ва айрим нолисоний хусусиятлари эндиликда бир қатор монографиялар, тадқиқотлар, рисоалар, изоҳли луғатлар, кўп сонли илмий мақолаларда тавсифланган, тадқиқ қилинган. Ушбу адабиётларнинг барчасини таҳлил қилиш биз тадқиқ қилаётган мавзунинг доираси ва вазифасига кирмайди. Бунинг устига тилга олинган ишларнинг аксарият қисми бизгача турли ономастик мавзуларда ёзилган тадқиқотларда таҳлил қилинган. Шу сабабли биз қуйида ўзимиз ўрганаётган мавзу, яъни ономастик вариантларга алоқадор бўлган ишларнигина танқидий таҳлил қилишни лозим топамиз.

Антропонимик тизимдаги вариантдорлик ҳақида гап кетганда, Ф.Абдуллаевнинг ўзбек исмларининг Хоразм лаҳжасидаги лисоний хусусиятлари юзасидан мулоҳазаларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Муаллиф Хоразм шеваларидаги фонетик хусусиятларни таҳлил қилар экан, киши номларининг материалига мурожаат қилади. Чунончи: *Мэ:ммэт (Муҳаммад), Ҳуссўйн (Хусаин), Рэмат (Раҳмат), Раман (Раҳмон), Патма (Фотима), Хатча//Хачча (Хадича)*⁴ каби.

Хоразм шеваларида киши исмларининг қисқаришига доир Ф.Абдуллаев тўплаган материаллар исмларнинг адабий ҳамда лаҳжавий вариантларини намойиш этувчи муҳим материаллардир. У ўзининг «Хоразм шевалари» номли монографиясида «Баъзи бир киши отлари ва уларнинг қисқарган формалари»ни келтиради. Берилган рўйхатда 163 та исм бўлиб, ҳар бир ном қуйидаги тартибда талқин қилинган.

Исмнинг шевадаги варианты	Қисқарган шакли	Адабий тилдаги шакли
Абдънйаз	Абдъйаз	Абдулниёз
Абдълла	Абъл	Абдулла
Айпашша	Айнаш//Айъш	Ойпошша
Кэри:мэ	Кэрмэш	Карима
Мэтяқып	Матақ	Муҳаммадюқуб
Жумэш	Жумми	Жумамурод
Егэмбай	Еггъ	Егамбой
Гулжан	Гуллъ//Гульш	Гулжон ⁵ ва б.

Ф.Абдуллаев ушбу ишда киши исмларининг қисқаришидаги қонуниятлар ҳақида фикр билдирган эмас, аммо бу масала унинг «Киши отларининг қисқариш усуллари» номли мақоласида

⁴ Абдуллаев Ф. Фонетика Хорезмских говоров. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 37, 115, 134.

⁵ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. I. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 106-109.

талқин қилинган. Мақолада киши исмларининг Хоразм шеваларидаги қисқариш усуллари, бундаги фонетик жараёнлар, исмларнинг қисқарган шакллари, қисқарган типлари хусусида асосли мулоҳазалар айтилган⁶. Муаллифнинг фикрича, исмларнинг қисқариши шевалардаги фонетик ўзгаришлар билан боғлиқдир. Аммо у бундай ўзгаришлар учун сабаб бўлувчи омилни аниқ кўрсатиб бермаган.

Тилшунос А.Ишаев исмларнинг қисқариши ўрнида «**торайиш формалари**» терминини қўллайди ва ушбу ҳодисани талқин қилар экан, исмларнинг қисқариш (торайиш) шаклларини таҳлил қилган. Бу формалар киши номларининг лаҳжавий вариантларидан иборатдир⁷.

Ўзбек диалектологларидан Х.Дониёров ўзининг қипчоқ диалектини тадқиқ қилишга бағишлаган ишларида киши номларининг хусусиятларига ҳам эътибор қилган⁸. Муаллиф Бахмал шевасидаги характерли исмларнинг рўйхатини келтириб, унда баъзи антропонимик вариантлар ҳам акс этган: *Турдиқул//Турдибай, Эшбай//Эшқул, Эгамберди//Тангриберди, Жа:ныш//Янглиш, Улбол (Уғилбўлсин), Ултув (Ўғилтуғ), Энақыз (Онақиз), Кунтув (Кунтуғди), Улкар (Хулкар)*⁹ ва б. Мана шу каби материаллар унинг бошқа бир ишида яна кенгроқ равишда талқин қилинган. Унда адабий тил шаклига солиштирганда исмнинг лаҳжавий шакли (варианти)ни белгиловчи қуйидаги номлар учрайди:

⁶ Абдуллаев Ф. Киши отларининг қисқариш усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1960. 3-сон. – Б. 34-39.

⁷ Ишаев А. Манғит шевасида сўзларнинг торайиш формалари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1962. 3-сон. – Б. 24-28.

⁸ Дониёров Х. Желашган диалектнинг характерли морфологик хусусиятлари // СамДУ асарлари. Янги серия. 112-сон. – Самарқанд, 1960. – Б. 34-35.

⁹ Даниёров Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 212-213.

Қипчоқ шеваларида	Адабий тилда
Қолбуви	Холбуви
Энақыз	Онақиз
Пардақыл	Пардақул
Жонизоқ	Жонузоқ
Улбўлсин	Ўғилбўлсин
Иргаш	Эргаш
Қўшман	Қўшмуҳаммад
Элман	Элмуҳаммад
Бақмал	Бахмал
Дагарбай	Дигарбой
Оғжигит	Оқйигит
Жилдиз	Юлдуз
Жақшибой	Яхшибой
Жангниш	Янглиш
Жўлдашбай	Йўлдошбой
Патма	Фотима
Завра	Зухра
Усан	Хусан
Тойир	Тоҳир
Қўши, Қўшман	Қўшмуҳаммад ва б.

Х.Дониёров қайд қилинган исмларнинг шакллари шева антропонимиясига хос номлар деб талқин қилади, уларнинг исм сифатида берилиш сабабларини изоҳлайди, аммо бу исмларни шевавий вариант сифатида баҳолайди. Бунинг устига исмларнинг кўпи шева талаффузида эмас, адабий тилга мослаштирилган ҳолда қайд қилинган¹⁰. Бу ҳол исмларнинг ўрганилаётган шеваларга хос фонетик-орфоэпик шакллари тўла англашга имкон беради.

Исмларнинг минтақавий, лаҳжавий шакллари адабий шаклга нисбатан қиёс қилиб қайд этиш шевашуносларнинг ишларида эпизодик характерда учраб туради. Чунончи,

¹⁰ Дониёров Х. Қипчоқ диалектлари шеваси. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 158.

Э.Ю.Ўразов Жанубий Хоразмдаги ўзбек шеваларида исмларнинг қуйидаги қисқарган вариантлари мавжудлигини қайд қилади: *Худэ-Худди (Худойберган), Иват (Ибодулла), Рўзим, Рўзимат (Рўзимухаммад), Атоқ (Отамурод), Ибби (Иброҳим), Матақ, Матяқуб (Муҳаммадяқуб), Жумми, Жумйаз (Жуманиёз), Нурри (Нурпошша), Қумми (Қурбонбой), Дўкки (Дурдихоним), Матти, Матёз, Матниёз (Муҳаммадниёз), Аллам (Оллоберган), Саппы (Сафарбой), Мэшиши (Машариф), Матти, Матқурбон (Муҳаммадқурбон)*¹¹ ва б.

Э.Бегматов «Ўзбек антропонимикаси» тадқиқотида шахсларнинг исмлари, уларнинг расмий ҳужжатлари (туғилганлик гувоҳномаси, паспорт ва б.) диалектал шаклларда ҳам учраб туришини қайд қилади ва бир қатор характерли далилларни келтиради. Чунончи: *Кубай – Кўпай, Айтмат – Ойтмат, Қўшбоқ – Хушбоқ, Хушвақт, Шайзоқ – Шоҳиузоқ – Шоузоқ, Улаш – Ўлаш, Жалгас – Ёлғош, Жанглиш – Янглиш, Жарқул – Ёрқул, Мелибой – Манглибой* ёки Хоразм элементларидан *Аниёз – Одинаниёз, Атан – Отаназар, Айтжон – Ҳайитжон*¹² ва б.

Э.Бегматов киши исмларининг қисқарган вариантларини антропонимиянинг ўзига хос хусусиятларидан бири деб билади ва ҳодисанинг юзага келиши, бунда иштирок этувчи қўшимчаларни махсус таҳлил қилган. Шу муносабат билан унинг ишларида исмлар шаклий вариантларининг баъзи муҳим типлари қайд этилади: **-Сарви** (*Сарвинисо*) типи; **-Мат, Мамад, Мад** (*Муҳаммад*) типи; **-Сарбиш** (*Сарвинисо*) типи; **-Тожи** (*Тожинисо*) типи; **-Мамаш** (*Мамашукур*) типи; **-Адол** (*Адолат*) типи; **-Улли, Ултув** (*Ўғилбиби, Ўғилтуғ*) типи; **-Дилиш, Дилаш** (*Дилбар*) типи; **-Атом, Отам** (*Отаназар*) типи; **Бобом** (*Бобоназар*) типи ва б.

¹¹ Ўразов Э.Ю. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент, 1978. – Б. 29.

¹² Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси: филол. фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 1985. – Б. 247.

Ушбу муаллифнинг 1970-1990 йилларда ёзган бир қатор ишлари ўзбек исмлари имлоси муаммоларига бағишланади. Шу сабабли унинг «Киши исмлари имлоси» ишида ўзбек исмлари имлосидаги хилма-хил имловий вариантлар ўрганилган китобда исмларнинг унли товушлар, ундош товушлар билан боғлиқ имловий нуқсонлар, антропонимларнинг лаҳжавий ва қисқариш хусусиятлари таҳлил қилинган¹³.

Э.Бегматов ушбу ишда «**вариант**» терминидан фойдаланади. Чунончи, у ёзади: «Исмнинг маҳаллий шевада шу хил ўзгаришга учраши битта номнинг бирдан ортиқ вариантга эга бўлиб қолишига ва бу вариантларнинг ёзувда акс этишига сабабчи бўлади. Ўзбек тилидаги *Зухра – Зўра, Завра, Машкура – Машхура, Шарбон – Шарвон, Шаҳрибону* шакллардаги номлар ҳам ана шундай атоқли отлардир»¹⁴.

Э.Бегматовнинг «Ўзбек исмлари имлоси» китоби ўзбек исмларининг русча ёзилиши масаласига бағишланади. Ушбу иш муаллифининг таъкидлашича, ўзбек исмларининг русча имлоси етарли нормаланган эмас, «Битта номнинг аксарият ҳолларда икки ёки ундан ортиқ вариантларда ёзилавериши, бу соҳада вариантлик ҳодисасининг ниҳоятда кучлилиги» бу фикрнинг исботи бўла олади»¹⁵. Ушбу муаллифнинг қайд этишича, «Кўпгина исмларни уларнинг шаклига қараб, ҳозирда адабийми ёки диалектал вариантми, қисқарганми ёки тўлиқ вариантми белгилаш мушкул»¹⁶.

Э.Бегматовнинг ушбу ишида таъкидланишича, ўзбек исмларининг русча ёзилишида юз бераётган хилма-хиллик, кўплаган нуқсонлар, бу соҳада имловий вариантдорликнинг

¹³ Бегматов Э. Киши номлари имлоси. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 19-39.

¹⁴ Бегматов Э. Киши номлари имлоси. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 18.

¹⁵ Бегматов Э. Ўзбек исмлари имлоси (Русча ёзилиши масалалари). – Тошкент, 1972. – Б. 13.

¹⁶ Бегматов Э. Ўзбек исмлари имлоси (Русча ёзилиши масалалари). – Тошкент, 1972. – Б. 10.

кучайишига олиб келмоқда. Иш муаллифи исмларнинг русча имлосидаги вариантларни бир неча гуруҳларга таснифлаган ҳолда таҳлил қилган¹⁷. Бу хусусида биз мазкур тадқиқотимизнинг учинчи бобида ўрни билан кенгроқ тўхталишни лозим деб топдик.

Ўзбек исмларининг луғавий-лаҳжавий ва имловий вариантларига оид фикрлар Э.Бегматовнинг «Ўзбек исмлари» китобида янада ихчам ва аниқ ҳолда ўз ифодасини топган. Китоб муаллифининг фикрича, исмлар имлоси доирасида вариантлар, асосан, номларнинг тўғри-нотўғри шаклларида ёзилиши билан алоқадордир. Имловий нуқсон деб баҳоланиши мумкин бўлган антропонимик шаклларни юзага келтирувчи омиллар ҳақида Э.Бегматов қуйидаги фикрларни ёзади: «Исмлар имлосидаги хато шаклларни қуйидаги сабабларга боғлаб изоҳлаш мумкин:

1. Исмлар таркибидаги товушларнинг тушиши билан;
2. Киши номларининг шаклан қисқариши, торайиши билан;
3. Маҳаллий, шевавий исмларни ёзиш билан;
4. Исмларга қўшилувчи баъзи унсурларнинг имлоси билан;
5. Фамилия, ота исмини ясовчи қўшимчаларнинг номга қўшилиши хусусиятлари билан»¹⁸.

Таҳлил қилинаётган ишда исмларнинг қайд қилинган омиллар туфайли юзага келувчи имловий вариантлари ишонарли материаллар асосида ўрганилган дейиш мумкин. Бироқ, ўзбек исмларининг шаклий вариантлари Э.Бегматовнинг ишларида имловий норма нуқтаи назаридан ўрганилган бўлса-да, **вариантдорлик назарияси талаблари асосида** атрофлича таҳлил қилинган эмас.

¹⁷ Бегматов Э. Ўзбек исмлари имлоси (Русча ёзилиши масалалари). – Тошкент, 1972. – Б. 10.

¹⁸ Бегматов Э. Ўзбек исмлари имлоси (Русча ёзилиши масалалари). – Тошкент, 1972. – Б. 21-22.

1998 йили Э.Бегматовнинг «Ўзбек исмлари маъноси» номли тадқиқоти босмадан чиқди. Мазкур луғатда ўзбек антропонимияси тизимига хос вариантдорликнинг муҳим кўринишлари ҳам ўз мужассамини топган. Булар исмларнинг фонетик, имловий, луғавий, лаҳжавий, расмий ва норасмий вариантлардир. Чунончи,

- Убай** – *Убайдулло* типи;
- Уззо** – *Узоё, Узма – Узмо* типи;
- Узоқбу** – *Узоқбуви* типи;
- Уйтун** – *Уйтўлди* типи; -**Улан** – *Улансин* типи;
- Улбўл** – *Улбўлсин – Ўғилбўлсин* типи;
- Улли** – *Уллинисо* типи;
- Ултой** – *Ўғилтой* типи;
- Умри** – *Умриддин, Умринисо* типи ва б.

Ўзбек тили тарихий лексикасига бағишланган ишларнинг баъзиларида отлардаги вариантлик ҳоллари қайд этилганини кўриш мумкин. Бу вариантлар, асосан, номларнинг араб графикасидаги имлоси билан алоқадор бўлган ҳодисалардир. Чунончи, Б.Бафоев Алишер Навоий асарларида учрайдиган киши исмларида имловий вариантлар мавжудлигини тилга олади ҳамда уларни турли фонетик ўзгаришлар ва вариантлар билан қўлланган исмлар, яъни антропонимлар деб баҳолайди. Масалан: **Асфандиёр//Исфандиёр, Баҳман//Баҳмон, Жабраил//Жабрил, Исматулло//Исматуллоҳ, Қорон//Қорун, Ҳумо/ /Ҳумой, Ҳурмуз//Хурмус**¹⁹ ва б. Мазкур муаллиф исмларнинг қайд қилинган имловий ва талаффуз вариантларининг юзага келиш сабабларини изоҳлаган эмас.

Шунингдек, ўзбек антропонимиясини тадқиқ қилишга бағишланган айрим монографик тадқиқотларда исмларнинг турли вариант шакллари у ёки бу ҳодисани исботлаш учун

¹⁹ Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. –Б. 39.

материал, далил сифатида келтирилади, аммо улар вариантдорлик ҳодисаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинмайди. Ғ.Саттаров ўзбек исмларининг ўз қатламини таҳлил қилар экан, *Қорёғ, Қоржов; Ёмғир, Ёмғирбой, Ёмғирчи; Бўри, Бўрибой, Бўрихон, Бўринисо, Бўришо; Избос, Избосар, Избосди* каби исм шаклларини кўплаб келтиради, аммо у ушбу номлар орасида вариант муносабатларини ўрганган эмас²⁰.

Исмларни тадқиқ қилишга бағишланган баъзи адабиётларда *адабий антропонимия, минтақавий (регионал) антропонимия, диалектал антропонимия, расмий антропонимия, норасмий антропонимия, маҳаллий номлар, маҳаллий (лаҳжавий) исмлар* каби тушунча ва терминларни учратиш мумкин. Ўзбек номшунослигида минтақавий антропонимияга бағишланган монографик тадқиқотлар ҳам юзага келди²¹.

Юқорида қайд қилинган тушунчалар моҳиятан исмларнинг вариантдорлиги билан боғлиқдир. Айниқса, ушбу ҳолат исмларнинг расмий ва норасмий шаклларида, адабий ва диалектал минтақавий шаклларида ёрқин кўринади²². Кейинчалик минтақавий антропонимия тушунчаси ва муаммо доирасига кирадиган лисоний материал конкретлаштирилган ва *минтақавий антропонимия* қуйидагилар билан характерланиши таъкидланади:

1. Ушбу ҳудудга хос диалектал номларга эга бўлади.
2. Исмлар лаҳжавий талаффуз қилинади.
3. Исмлар лаҳжавий шаклларда ясалади.
4. Баъзи антропонимик формантлар серқўлланувчан бўлади.

²⁰ Саттаров Ғ. Ҳ. Ўзбек антропонимиясининг туркий қатлами: филол. фанлари номзоди дисс. автореф. –Тошкент, 1990. – Б. 12-13.

²¹ Раҳимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси: филол. фанлари номзоди дисс. автореф. –Тошкент, 1999. – Б. 143.

²² Қаранг: Программа I Всесоюзный конференции по тюркской ономастике. М.,1986. – С. 13

Бегматов Э.А. Узбекская антропонимика (Состояние и проблемы) // Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1987. – С. 61.

5. Баъзи туркум исмлар шакли минтақада кўп учрайди.

6. Кўшма исмларга хос бўлган баъзи жузъий ясалмалар мавжуд.

7. Исмлар ўзига хос қисқариш (торайиш) шакллариغا эга бўлади²³.

Минтақавий антропонимияга хос қайд қилинган хусусиятлар моҳиятан исмларнинг вариантдорлиги ҳодисаси билан боғлиқдир. Қайд этилган ҳодисаларнинг ажратилиши ҳам аслида минтақавий номларни исмларнинг адабий шакли билан қиёс қилиш натижасидир.

Хоразм минтақавий антропонимиясида ушбу ҳудудга мансуб ва хос номлар бўлган юқорида келтирилган тип исмлар учрайди. С.Раҳимов исмларнинг бундай шакллари вариантдорлик ҳодисаси сифатида талқин қилмаган²⁴.

Ўзбек тилида киши исмларининг қисқариш сабаблари, уларнинг ҳосилалари вокатив категорияга боғланган ҳолда профессор Б.Ўринбоевнинг «Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория» номли ишида таҳлил қилинган. Б.Ўринбоев ўзбек тилидаги баъзи номларнинг *Муҳаммад-Мамат, Абдушукур-Абиш, Гулнора-Гул, Холпошша-Холпош* шаклида қисқаришини сўзлашув нутқидаги вокативликнинг натижаси деб билади²⁵. Б.Ўринбоевнинг фикрича, киши номларининг қисқариши «... сўзловчининг тингловчига яқинлигини, интим алоқасини, кичрайтириш, эркалаш маъносини ифодалайди»²⁶.

Мазкур муаллиф киши исмларининг қисқариши учун омил бўлувчи сабабларни очишга интилган. Унинг таъкидлашича, «...

²³ Бегматов Э.А., Саттаров Г. Диалектные элементы узбекской региональной антропонимии // Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1989. – С. 113-114.

²⁴ Раҳимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси: филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – Б. 143.

²⁵ Бегматов Э. Ўзбек исмлари имлоси (Русча ёзилиши масалалари). – Тошкент, 1972. – Б. 27.

²⁶ Юқоридаги асар, - Б. 52.

киши номларининг қисқариши мурожаатда қулайлик туғдириши орқасидан келиб чиққан бўлиши керак»²⁷. Бундан ташқари, киши номларининг қисқаришига олиб келувчи сабаблардан бири диалогик нутқдир²⁸ ёки «камситиш маъносидаги мурожаатдир». Бу эса синфий тенгсизлик белгисидир, масалан: **Эшмат-Эшмамат, Абиш-Абдушукур, Сабо-Сабоҳат**²⁹. Муаллифнинг кейинги фикри, албатта, мунозарали. Чунки тилга олинган исм шакллари оддий халқ тилида ҳам кенг қамровда қўлланиладиган ҳодисадир.

Мазкур муаллиф исмларнинг қисқартма вариантлари қандай юзага чиқишига ҳам тўхталган. Бунинг асосий кўринишлари қуйидагича:

1. Атоқли отларнинг бир қисми қолдирилиб, қолган қисми қисқаради: **Жони (Жонибек), Шамси (Шамсиддин)**. Б.Ўринбоев сақланган қисми «бош бўғини» деб атаган. Бу эса нотўғри, чунки у ерда бирдан ортиқ бўғин бор.

2. Агар исм қўшма бўлса, исмнинг иккинчи қисми туширилади, масалан: **Шамси (Шамсиддин), Фаҳри//Паққи (Фаҳриддин), Жамол (Жамолиддин)** каби.

3. Исмнинг охирги бўғини туширилади, масалан: **Адол (Адолат), Мубор (Муборак//Мубарро), Саман (Самандар), Саъди (Саъдулло// Саъдулла)** каби.

4. Исм содда ёки қўшма бўлишидан қатъий назар унинг таркибида фонетик ўзгаришлар содир бўлади, масалан: **Салай (Салоҳиддин), Муйдин (Муҳиддин)**³⁰ каби. Муаллиф томонидан келтирилган вариантлар умуман тўғри бўлса-да, муаллиф уларни

²⁷ Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 48.

²⁸ Ўша асар, – Б. 49.

²⁹ Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972.

³⁰ Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 48.

юзага келтирувчи сабаблар: нуқтий иқтисод, исмларнинг лаҳжавий вариантлари юзасидан батафсил таҳлил қилмаган.

Бошқа бир ўринда эса Б.Ўринбоев қисқартма шаклларни юзага келтирувчи икки нутқий вазиятни таъкидлайди. Исмлар:

1) ўртоқлик, дўстлик муражаатларида қисқаради;

2) қариндошлик муурожаатида қисқаради³¹. Таҳлил қилинаётган иш муаллифининг таъкидлашича, исмларнинг қисқарган шаклларига маълум қўшимчалар орттирилади. Масалан: **-(а), й:** *Ибрай (Иброҳим), Убай (Убайдулла), Зубай (Зубайдулло), Камай (Камолiddин), Салай (Салоҳиддин)*³² каби. Бизнингча, бу ўринда *Убай, Зубай* исмларининг қўшимча олаётгани шубҳали, улар **Убайдулло, Зубайдулло** исмларининг бош қисмидир. Б.Ўринбоев исмларнинг қисқариш ҳодисасини таҳлил қилар экан, қуйидаги умумий хулосага келади: «Демак, киши отларининг қисқариши натижасида ҳосил бўлган вокатив формалар қуйидаги талаб ва фонетик ҳодисалар асосида келиб чиққан:

1. Интонация, жумладан, чақириш интонацияси таъсирида унлиларда бўладиган эмфатик чўзиқлик, товуш тушиши орқасида ҳосил бўлгандир.

2. Муурожаатда қулайлик ва осонлик туғдириш натижасида пайдо бўлган.

3. Диалогик нутқдаги экспрессив вазият асосида келиб чиққан.

4. Сўзловчининг тингловчига турли хил муносабатлари, жумладан, ўртоқлик ва қариндошлик муносабатлари асосида юзага келган»³³.

³¹ Бегматов Э. Ўзбек исмлари имлоси (Русча ёзилиши масалалари). – Тошкент, 1972. 52-бет.

³² Юқоридаги асар, - Б. 53.

³³ Бегматов Э. Ўзбек исмлари имлоси (Русча ёзилиши масалалари). – Тошкент, 1970. - Б. 54-55.

Ўзбек тилшунослигида лисоний вариантдорликка хос хусусиятларни талқин қилиш биринчи бор 1966 йили нашрдан чиққан «Ҳозирги ўзбек тили» китобида ифодаланади. Ушбу ишда «**Дублетлар**» дейилган махсус сарлавҳа бўлиб, ишда шундай фикрлар бор: «айтилиши ва ёзилиши ҳар хил, маъноси бир хил сўзлар дублетлар деб юритилади. Дублет сўзлар маънода бир-биридан фарқ қилмайди, шунинг учун ҳам ҳар қандай шароитда бири ўрнида бошқаси қўллана беради, бироқ бунда адабий тилда қабул қилинган дублетга кўпроқ ўрин берилади»³⁴. Келтирилган фикрлар **Фахри Камол** қаламига мансубдир. Муаллифнинг ёзишича, дублетлар синонимлардан фарқланади: «Синоним сўзлар бир-биридан маъно оттенкаларига кўра фарқланиб туради. Лекин дублетларда бундай хусусият йўқ»³⁵.

Фахри Камол ўзбек тилида дублетларни юзага келтирувчи омилларга тўхталган ва дублетни ҳосил қилувчи усул ҳамда воситаларни қайд этган. У дублетларни тилдан аста-секин чиқиб кетадиган истиқболсиз ҳодиса деб баҳолайди: «...дублетлар маъно томондан ўзаро фарқ қилмагандан кейин, уларда ҳатто кичик маъно оттенкалари ҳам бўлмаганидан, адабий тил лексикасида бу – нормал ҳол эмас, анормал ҳолдир. Шундай экан, дублетлар истиқболи йўқ, адабий тил нормасига мос келмайдиган ва бир шаклга келтирилиши лозим бўлган ҳодисалардандир»³⁶

Вариантдорлик муаммоси кейинчалик ўзбек тилшунослигида адабий норманинг табиати билан боғланган ҳолда талқин қилинди ва ушбу ҳодиса норманинг хусусиятларидан бири деб кўрсатилади. Чунончи, Э.Бегматов нормадаги вариантдорликни туғдирувчи сабаблар, вариантларнинг юзага келиш йўллари ҳақида тўхталиб, «демак,

³⁴ Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Фан, 1966. –Б. 111.

³⁵ Ўша асар, ўша бет.

³⁶ Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 16.

вариантдорлик адабий нормадаги объектив ҳолдир»³⁷, -дейилган хулосага келади: «Вариантдорлик, яъни нутқда эркин ва мақсадга мувофиқ танлаш имконияти бўлмаса, адабий тил ўзининг муҳим бадий-эстетик функциясини, таъсирчанлик, ифодалилиқ томонларини таъминлай олмас эди. Инсон нутқи ҳиссиз, ўлик қолиплар, қайтариқлардан иборат бўлиб қоларди»³⁸.

Ўзбек илмий терминологик тизимидаги вариантлар 1986 йили босмадан чиққан «Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар» номли илмий тўпламда кенг таҳлил қилинган. Тўпланин сўз бошида айтилган ушбу фикрлар диққатга моликдир: «Умуман, нафақат терминологияда, ҳатто тилшуносликда ҳам «синоним», «дублет» ва «вариантдорлик» каби тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқ белгиланмаган ҳамда уларни фарқлаш масаласи ҳали тўлиқ ҳал этилмаган»³⁹.

Тўпланин номи «**Вариантлар**» ҳақида бўлса-да, ушбу ишда терминологиядаги синонимия, дублетлилиқ ҳақида гап боради. Фақат бир ўринда ботаника терминологиясида дублетлилиқ ҳақида гапирилганда «фонетик вариантлар» терминидан фойдаланилади ҳамда бунда ҳам айрим товушларнинг ўзгартириб ёки алмаштириб талаффуз қилиниши натижасида дублетларнинг хилма-хил шакллари юзага келади⁴⁰, -деб уқтирилади. Демак, тўплам муаллифлари ҳам *вариантлар* ва *вариантдорликни кенг маънода тушунишда* ҳамда бу тушунча тагида терминологик тизимдаги синонимлар, дублетлар ва бошқа тип вариант воситаларини кўзда тутишади. Тўпламда ўзбек илмий терминологиясидаги синонимия ва дублетлилиқ ҳодисалари, уларнинг моҳияти ҳамда табиати батафсил

³⁷ Бегматов Э., Бобоева А. Асамиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 65.

³⁸ Юқоридаги тўплам, – Б. 65.

³⁹ Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 6.

⁴⁰ Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 6.

ўрганилган бўлиб, бу талқинлар вариантдорлик тушунчаси билан бевосита боғлиқдир. Мана шу маънода А.Мадвалиевнинг «Ўзбек химия терминологиясида дублетлилик ва уни минимумга келтириш масаласи»⁴¹, «Ўзбек зоология терминологиясида дублетлилик ва уни бартараф этиш йўллари»⁴², З.Мираҳмедованинг «Ўзбек ботаника терминологиясида дублетлилик ва уни бартараф этиш йўллари»⁴³, О.Усмановнинг «Этимологик дублетларнинг пайдо бўлиш йўллари»⁴⁴ мавзуидаги мақолалари диққатга моликдир.

Ўзбек тилшунослигида Р.Шукуровнинг «Сўзнинг морфологик вариантлари» номли тадқиқоти юзага келди. Р.Шукуров вариантдорликни тор маънода ва жуда жўн тушунади. У. А.Бобоеванинг вариантга берилган таърифини танқид қилар экан, вариантдорликни қисқа ва лўнда қилиб, «бирор тил бирлигининг, масалан, битта сўзнинг икки ёки ундан ортиқ шаклда ифодаланишидир», дейилса кифоя, - дейди⁴⁵.

Бошқа бир ўринда Р.Шукуров ўз фикрини янада конкретлаштиради. «Маълумки, тилда семантик жиҳатдан (яъни маъноси) бир хил, аммо фонетик ва морфологик жиҳатдан икки ёки ундан ортиқ кўринишга эга бўлган сўзлар учрайди. Бундай сўзлар тилшуносликда сўз вариантлари деб аталади»⁴⁶. Демак, ушбу муаллиф фикрича, вариант – бу бир маъноли сўзнинг икки лисоний шаклда мавжуд бўлишидир. Р.Шукуров дублет ва синонимларнинг фарқини очишга ҳаракат қилган. Аммо унинг фикрларида вариант билан дублет орасидаги муносабат ва фарқлар аниқ очилмай қолган. Хуллас, ушбу муаллиф вариантни «бир хил сўзнинг шу тилда учрайдиган бирдан ортиқ

⁴¹ Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 120.

⁴² Ўша иш, – Б. 103-114.

⁴³ Ўзбек терминологиясида лексик ваариантлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 115-121.

⁴⁴ Ўша иш, – Б. 144-148.

⁴⁵ Шукуров Рашид. Сўзнинг морфологик вариантлари. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 6.

⁴⁶ Шукуров Рашид. Сўзнинг морфологик вариантлари. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 4.

шаклларигина сўз варианты бўла олади»⁴⁷. «Ана шу хусусиятлари билан сўз вариантлари бир хил ёки яқин маънодаги турли сўзлардан ташкил топадиган синонимлардан ҳам, дублетлардан ҳам фарқ қилади»⁴⁸, каби таърифлайди.

Р.Шукуровнинг ишида лисоний вариантларнинг турли кўринишлари тилга олинади: фонетик вариантлар, фонетикопросодик вариантлар, орфографик вариантлар, сўзнинг ўзак вариантлари, сўзнинг акцентуал вариантлари, сўзнинг урғу вариантлари, сўзнинг морфологик вариантлари, сўзнинг аффиксиал вариантлари ҳамда диалектал вариантлар.

Мазкур таҳлилларда ўзбек тилшунослигида вариант воситалар ҳамда вариантдорлик ҳодисаси қуйидагича тушунилишини қайд қилиш мумкин:

1. Вариант тушунчаси тор маънода битта лисоний бирликнинг бирдан ортиқ шаклда учрашидир.

2. Вариант тор маънода бу дублетлардир.

3. Кенг маънода вариантдорлик умуман тил воситаларини танлаб ишлата олиш имкониятларидир. Бу маънода у ўз ичига синонимлар, дублетлар, лисоний воситанинг турли хил – имловий, лаҳжавий, адабий, услубий шаклларини қамрайди.

Муаллиф томонидан келтирилган назарий хулосалар айрим жиҳатдан тўғри бўлгани билан, иккинчи томондан, у турдош лексика мисолида ўрганилгани, ономастик тизимда эса вариантдорлик ўз ичига фақатгина синонимлар, дублетларни олиб қолмасдан, кўпномлилик, қўшномлилик, палиндромик тушунчаларни ҳам ўз ичига қамраб олиши тўғрисида фикр юритилмайди. Хуллас, тилдаги вариантдорлик ҳодисаси янада конкретлаштиришни талаб қилувчи муаммолардан бири эканлиги янада ўз исботини топди.

⁴⁷ Шукуров Рашид. Сўзнинг морфологик вариантлари. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 7.

⁴⁸ Ўша иш, – Б. 7.

Ўзбек тилидаги жой номларини ўрганиш бўйича баракали ишлар қилинган бўлишига қарамасдан, топонимик тизимдаги вариантдорлик ҳодисаси деярли ўрганилган эмас. Фикримизнинг исботи учун 1989 йилда нашр қилинган «Ономастика Узбекистана» библиографик кўрсаткичга мурожаат қилиш мумкин. Унда ўзбек топонимиясига бағишланган 525 ишнинг номи кўрсатилган бўлиб, улар орасида бирорта ҳам топонимик вариантларга бағишланган иш йўқ⁴⁹. Аммо ушбу кўрсаткичга киритилган баъзи муаммолардаги материаллар топонимия тизимида вариантдорлик ҳодисаси мавжудлигидан дарак беради. Масалан, баъзи мақолаларда икки шакли номлардан қайси бириси тўғрилиги⁵⁰, битта жой (объект)нинг бирдан ортиқ ном билан аталиши⁵¹ ёки қардош тилларда топонимик параллелларнинг мавжудлиги⁵² ҳақида фикр юритилгани бунга далил бўла олади.

Ушбу кўрсаткичга ўзбек антропонимиясига оид 218 та ишнинг номи киритилган бўлиб, улар орасида антропотопонимиядаги вариантдорликка дахлдор бирорта ҳам махсус мақола йўқ. Аммо кўрсаткичда берилган мақолалар орасида баъзи номларнинг қайси шаклда ёзилиши тўғрилиги⁵³

⁴⁹ Ономастика Узбекистана (библиографическая указатель). – Ташкент, 1989. – С. 5-38.

⁵⁰ Абдурахмонов А. Саифаржиғон ёки Занжибоғ // Фан ва турмуш. 1974. – Б. 32; Зуфаров С. Сарём ёки Сайрам ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1963. 6-сон. – Б. 24-25. Кляшторный С.Г. Яккасарой – Сыр – Дарья // Советская этнография. 1953. – С. 189-190; Сафаров М. Хонқами ёки Хонақоҳ // Фан ва турмуш. 1974. 3-сон. – Б. 10 ва б.

⁵¹ Қораев С. Ному кўп-у асли бир // Фан ва турмуш. 1983. 9-сон. – Б. 10-11.

⁵² Нафасов Т. Узбекско-азербайджанские параллели гидрографических терминов и их реалии в региональной гидронимии // Материалы конференции по проблемам азербайджанской ономастике. – Баку. 1987. – С. 214-217.

⁵³ Акабировва Х., Мирзаев Ш. Отойи эмас, Атойи // Ўзбекистон маданияти. 1959. 14 янв.; Ғафур Ғулом. Атойи эмас, Отойи // Ўзбекистон маданияти. 1959. 21 янв.; Сулайманов Х. Алишер Навоий номининг ёзилиш шакллари ва имлоси ҳақида // Адабий мерос. 8-жилд. 1977. –Б.43-47; РасуловМ.Я., Аҳмедова М.Я. О разное написании имён Абу Али ибн Сина // Здравоохранение Таджикистана. 1958. 5-сон. – С. 49-51.

ёки киши номлари имлосидаги имловий хилма-хиллик ҳамда ҳамда нуқсонларга оид бир қатор ишлар⁵⁴ учрайди.

Эндиликда адабий тил тизимидаги вариант воситаларни нутқ маданияти, адабий норма нуқтаи назаридан баҳолашга тўғри келади. Шунга қарамасдан, ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти ҳақида кўп гапирилгани, анчагина ишлар эълон қилингани ҳолда вариантдорликка ушбу муаммо нуқтаи назаридан баҳолашга бағишланган ишлар юзага келганича йўқ. Чунончи, Р.Қўнғуров, С.Каримовларнинг «Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти» номли библиографик кўрсаткичи босилиб чиқди. Кўрсаткичга 1106 та ишнинг рўйхати киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти бадиий адабиёт тилига бағишланган⁵⁵. Борди-ю, Н.Маҳкамовнинг «Плеонастик қўлланиш ва баъзи вариантларнинг ҳосил бўлиши» мақоласи истисно қилинса, бирорта ишда вариант тушунчаси ва термини тилга олинмайди. Ҳолбуки, ўзбек тилшунослигида баъзи мақолалар мавжуд бўлиб⁵⁶, уларда исмларнинг турли (тўғри ва нотўғри) имловий шакллари туфайли юзага келган орфографик вариантларнинг характерли фактлари келтирилган ва номларни имловий жиҳатдан тўғри деб қабул қилиниши лозим шакллари белгилашга ҳаракат қилинган⁵⁷.

Араб ва форс-тожик тилидан, қисман мўғул тили ва бошқа тиллардан кирган исмларнинг ўзбек тилида яшаши ва қўлланиш қонуниятлари умуман махсус таҳлилларни талаб қилади. Мана

⁵⁴ Нуриддинов Ф. Исмбузарлар // Тошкент оқшоми. 1967. 28 июнь; Маъруфов З. Шарипбоев эмас, Шарифбоев // Тошкент оқшоми. 1970. 18 авг.

⁵⁵ Қўнғуров Р.Қ., Каримов С.А. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти (библиографик кўрсаткич). - Самарқанд: СамДУ, 1974. - Б. 100.

⁵⁶ Ўша иш, - Б. 91-94.

⁵⁷ Масалан: Шоабдурахмонов Ш. Лексик дублетлар ва уларнинг нормасини белгилаш // Ўзбек тили ва адабиёти. 1966. 6-сон. - Б. 20-23; Усманова Ў. Дублетлар ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. 1-сон. - Б. 45-47; Бобоева А. Ҳозирги ўзбек тилида вариантдорлик. 1979. 6-сон; Шукуров Р. Сўз вариантлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1982. 6-сон. - Б. 38-42.

шундай таҳлиллардан эътибор қилиниши лозим бўлган муаммолардан бири, бизнингча, ўз қатлам ва ўзлашма қатлам номлари иштирокида ёки уларнинг ўзаро таъсири туфайли юзага келган айрим антропонимик параллеллар, дублетлар, вариантлар ҳамда калькаларни тадқиқ қилишдир⁵⁸.

Антропонимик вариантлар, уларга илмий ёндошиш билан боғлиқ муаммолар, айниқса, исмларнинг изоҳли луғатини тузишга киришганда ўзини ёрқин намоён қилади. Шу сабабли антропонимия тизимидаги вариантдорлик ҳақида гап кетганда лексикографик манбаларни чеклаб ўтиш мумкин эмас.

Татар номшуноси Г.Ф.Саттаров «Татар исемнэри сузлеге» номли китобнинг⁵⁹ муаллифидир. У луғатга ёзган сўз бошида исмларнинг вариантлари, уларнинг луғатда берилиши ҳақида ҳеч нарса демайди. Аммо луғатнинг ичида Г.Ф.Саттаров татар исмларида учрайдиган вариант ҳодисаларни четлаб ўта олмагани аниқ намоён бўлади. Булар қуйидагиларда кўринади:

1. Исмларнинг асосий маъноси изоҳлангач, ўша номнинг синонимлари қайд этилади. Чунончи: **Айбикэ** – синонимлари: *Айбону, Маһбону - Маһибикэ, Камэрбикэ, Камэрбону*; **Батыржан** – синоними: *Мердижан* каби.

2. Исмларнинг лаҳжавий вариантлари қайд қилинади. Чунончи: **Абалак** – диалектал вариантлари: *Аблақ, Абалач, Абалай, Аблай* (25-бет); **Айзек** – диалектал вариантлари: *Айзэк, Эйзук* (28-бет); **Аймэхэмэт** – диалектал вариантлари: *Аймэмэе, Аймэт, Эймат* (28-бет).

3. Исмларнинг фонетик талаффуз вариантлари бир-бирига ҳавола қилинади: **Адил** – *Адилэ, Гадил* – *Гадилэ* (26-бет).

4. Баъзи исмларнинг вариантлари бош сўз ҳолида ҳам келтирилади: **Айбек** – *Айбик, Айбэк* (27-бет).

⁵⁸ Саодат, Соадат, Саадат, Содат // Фан ва турмуш. 1968. 3-сон. – Б. 24-25; Хушвақтов Э. Исмбузар // Муштум. 1965. – Б. 27.

⁵⁹ Сатаров Г.Ф. Татар исемнэри сузлеге. –Казань: Каз. АН ССР. 1981. – Б. 271.

5. Баъзан исмларнинг яқин маъноси шакллари «чағиш-тирма» дейилган белги билан келтирилади. Чунончи: **Актолым** – чағ. *Акчеч* (31-бет); **Арсланбэк** – чағ. *Бикарслан* (35-бет).

6. Баъзи исмларнинг фонетик шакллари тодэшэ (турдоши) изоҳи билан келтирилади. Чунончи: **Айгол** – тодэшэ (турдоши) *Айкол* (27-бет); **Аксары** – тодэшэ (турдоши) *Аксар* (30-бет) каби.

7. Баъзи ҳолларда бир исмдан ҳосил қилинган ясама шакллар ҳам келтирилади. Чунончи: **Абаз (Габбаз)**. Ясамалари: *Аббас, Аваз, Абас, Анпас, Анас* (25-бет) ва б.

Антропонимик вариантларнинг киши исмларининг луғатларида берилиши хусусиятларига оид мулоҳазалар қирғиз тилшуноси Ш.Жапаров ва қозоқ тилшуноси Т.Жонузоқовларнинг ишларида учрайди. Ш.Жапаров «Қирғиз одам отларининг сўзлиги» номли китобининг «Луғатнинг тузилиши» бўлимида исмларнинг фонетик вариантларидан энг оптимал исм, асосий ном сифатида танлаб олингани ва у бош сўз сифатида берилган, исмнинг бошқа вариантлари эса қавс ичида кўрсатилганлигини ёзади. Масалан: **Жамыйла** (*Жамийла, Жамыла, Жамила*); **Уркун** (*Уркыя, Ыркыя*); **Мейман** (*Мыйман, Мийман, Бийман*)⁶⁰ каби. Шунингдек, кўшма исм компонентларидан бирининг шаклий вариантыдан биттаси асосий деб танланган. Чунончи, **Бубужамол** (*Буужамал, Бубжамал, Бужамал*)⁶¹ каби. Ш.Жапаров вариантлардан бири қандай асосларга кўра асосий исм деб танлангани, вариантлардан қандайлари луғатга киритилмаги ҳақида гапирган эмас.

Умуман, қардош туркий халқлар антропонимияси бўйича бир қатор монографик тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, уларда асосан, исмларнинг пайдо бўлиши, берилиши сабаблари, лисоний хусусиятлари ҳақида гап бориб, таҳлиллар қилинган. Аммо антропонимиядаги вариантдорлик ҳақида назарий таҳлиллар

⁶⁰ Жапаров Ш. Қырғыз одам оттарынын созлугу. – Фрунзе: Мектеп, 1979. –Б. 20.

⁶¹ Юқоридаги асар, – Б. 21.

деярли учрамайди. Чунончи, Т.Жонузоқов⁶², Ш.Жапаров⁶³, Г.Ф.Сатторовнинг⁶⁴ ишлари бунга мисол бўла олади. Ҳатто Т.Жонузоқов қозоқ исмларининг имлоси ва ўзга тилларга транскрипцияси ҳақида гапирганда ҳам вариантдорлик масаласини четлаб ўтади⁶⁵. Аммо у «Қозоқ исмлари» номли⁶⁶ китобининг охирида берилган иловада исмларнинг вариантларига алоҳида тўхталади. Т.Жонузоқовнинг фикрича, антропонимик вариантдорлик кўпроқ ўзлашма исмларда учрайди. Асли туркий сўзлардан ҳосил бўлган исмларнинг аниқ бўлгани учун аксарият ҳолда турғун шаклда айтилади ва тушунилади. Араб ва форс тилидан ўзлашган исмларнинг маъноси кўпчиликка тушунарсиз бўлгани туфайли уларни кишилар турли шаклларда ўзгартириб талаффуз қилади, бу ҳол бир номнинг турли шаклий вариантларини туғдиради⁶⁷. Муаллифларнинг таъкидлашича, исмларнинг вариантдорлиги бор ҳодиса. Аммо исм вариантлари киши номларининг расмий ҳужжатларида қайд қилишда мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Унинг ёзишича, масалан, рус тилида исмларнинг эркалаш-қисқартиш вариантлари расмий ном сифатида тан олинмайди. Аммо қозоқ тилида бундай қилинмаган. Шу сабабли бу тилда **Муҳаммад** исми *Маҳамет, Муҳамет, Мэммет, Мэмет; Али* исми *Қали, Эли, Элі, Алы; Абдулло* исми *Аболла, Абулла, Абдол, Эбділда, Эбілда, Қабдулла, Ғабдол, Қабдол, Ғабдолла* шаклларида учрайди. Уларни бир шаклга келтириш қийин⁶⁸. Т.Жонузоқовнинг таъкидлашича, исмлар вариантдорлиги қозоқ

⁶² Жонузоқов Т. Қозоқ есімдерінін тарихы. – Алматы, 1971.

⁶³ Жапаров Ш. Қырғыз одам оттары. – Фрунзе: Илим, 1979. –Б. 20.

⁶⁴ Саттаров Г.Ф. Татар антропонимикаси. – Казань, 1990.

⁶⁵ Жонузоқов Т. Келтирилган иш. – Б. 196-210.

⁶⁶ Жонузоқов Т., Ясбаева К. Қозоқ есімдері. – Алматы: Ғылым, 1988. -Б. 456.

⁶⁷ Юқоридаги асар, -Б. 456.

⁶⁸ Жонузоқов Т., Ясбаева К. Қозоқ есімдері. – Алматы: Ғылым, 1988. – Б. 457.

тилида бир неча сабабларга кўра юзага келади. Булар қуйидагилар:

1. Болага қўйилган арабча, диний мазмунли исм оила ва қариндошлар орасида бошқачароқ айтилиб кетади: *Муҳамбетраҳим – Муқамбай, Шахбатдун – Шақабай* каби.

2. Чақалоққа қўйилган диний мазмунли ном қисқартириб айтилади: *Иброҳим – Абай, Сэдуакас – Сэкен, Гулбахрам – Кулпаш, Бэдігуджамал – Бэдеш* каби.

3. Баъзан кундалик турмушда шахсни паспортдаги исми билан эмас, бошқа бир шакл билан аташади. Масалан паспортда **Разия**, турмушда – *Роза, Алғазы – Алик, Еркин – Эрик* каби.

4. Исмларнинг оғзаки, лаҳжавий тилдаги вариантлари ҳам мавжуд. Чунончи, Қозоғистоннинг турли вилоятлари, регионларида битта ном турлича айтилади, бу ҳол исмларнинг шаклий вариантларини туғдиради: **Юсуф** исми: *Тусип, Дусип, Жусып, Нусип*; **Ойша** исми: *Айша, Ғайша, Қайша*⁶⁹ каби.

Таҳлиллардан кўринадики, бу ўринда гап, асосан, исмларнинг эркалаш – қисқартиш ва лаҳжавий вариантлари ҳақида бормоқда.

Исмларнинг қисқарган вариантлари қарақалпоқ тилига ҳам хослиги айтилиб, О. Сайымбетов қуйидаги қисқартмаларни қайд этган.

Исмнинг қисқарган шакли	Исмнинг тўлиқ шакли
Шазада	Шахзада
Турсымурат	Турсынмурат
Султамурат	Султанмурат
Улбосын	Улболсын
Қалқароз	Қаллықораз
Мэммет	Муҳаммед
Айымбет	Аймуҳаммед

⁶⁹ Жонузоқов Т., Ясбаева К. Қозоқ есімдері. – Алматы: Ғылым, 1988. – Б. 458.

Мамыт	Маҳмуд
Гулбий	Гулбийби
Бағда	Бағдагул
Гулай	Гулайша, Гулайым ⁷⁰ ва б.

О.Сайымбетов қайд қилинган номларни адабий норма ва вариантдорлик нуқтаи назаридан баҳолаган эмас.

Р.Икромова отларнинг ўзбек тилидаги синтетик, аналитик ҳамда функционал формаларини тадқиқ қилар экан, ушбу шаклларнинг исмлардаги кўринишларини ҳам далил сифатида қайд қилади. Чунончи: *Акмалжон, Ҳафизжон (41-бет), Каримбой, Нозбой, Рустамбой, Эрбой, Норбой, Холбой (48-бет), Салтанатхон, Санобархон, Раисахон (51-бет), Орзиқулой, Адолатой, Бахшаной (53-бет), Кўканбой Дадавой, Яхшибой, Нақшибой (54-55-бетлар), Ғофурбек, Тўрабек (56-бет), Холнис-Холнисо, Бунис-Бувинисо, Ойнис-Ойнисо (57-бет)*⁷¹ каби.

Мана шу каби формалар *-биби//буви, -бону, -пошша // пошшо, -шо* формантлари бўйича ҳам келтирилади. Аммо иш муаллифи ушбу исм шаклларининг асос исм шаклига муносабатини таҳлил қилмаган. Демак, бу ўринда Р.Икрамованинг бу исм формаларининг юзага келиш усуллари қизиқтиргани ҳолда у бу жараён туфайли юзага келган ҳосиланинг асос номга нисбатан тутган ўрни масаласини четлаб ўтган.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, туркий номшуносликда антропонимик тизимнинг вариантдорлиги муаммоси назарий жиҳатдан махсус тадқиқ қилинмаган бўлса-да, мазкур лингвистик ҳодиса ономастик лексикография учун доимо

⁷⁰ Сайымбетова О.Т. Состав и структура каракалпакских личных имён. Автореф. дисс. – канд. филол. наук. – Нукус. 1998. – Б. 11.

⁷¹ Икромова Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функционал формалари. – Тошкент: Фан, 1985.

мураккаб масала бўлиб келган. Айниқса, исмларнинг изоҳли, имловий ҳамда транскрипция луғатларини яратишда вариант номларни тўғри баҳолаш ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Рус тилшунослигида, шунингдек, бошқа бир қатор тилларга бағишланган ишларда атоқли отларда вариантдорлик муаммосига диққат қилингани ҳамда бир қатор тадқиқотлар юзага келганини кўрамиз. Бу ишларнинг аксариятида вариантлар, вариант ва синонимия, вариантларнинг типлари, вариант воситаларнинг адабий нормага муносабати, атоқли отлар тизимидаги лисоний параллеллар ҳақида фикр юритилган.

Таҳлил қилинаётган ишларнинг аксариятини исмлар ва топонимлардаги вариантлар ва уларнинг синонимияга муносабатини ташкил қилади⁷².

Бу ишларнинг баъзиларида вариантнинг конкрет кўринишлари таҳлил қилинган. Чунончи, исмларнинг қисқарган шакллари⁷³, тўлиқ ва тўлиқсиз номларнинг вариантлари⁷⁴, фонетик вариантлар⁷⁵, сўз ясалиш вариантлари⁷⁶ ва бошқалар.

⁷² Скрозникова В.А. Варианты топонимов и этнонимов в США // Этнография имён. – М.: Наука, 1971. – С. 218-223.; Палагина В.В. Варьирование антропонимических структур в Томских деловых документах. XVII в. // Вопросы ономастики. Вып. 14. Собственные имена в системе языка. – Свердловск. 1980. – С. 57-60.; Шевцова В.А. Варианты власных имён // Питания східно – словян. Лексикограф. XI-XVII в. Ст. – Київ, 1979. – С. 118-120.; Воробьева В.И. К проблеме вариантов и синонимов в топонимике // Межвуз. Научная конференция. Вып. 5. – Томск, 1972. – С. 54-63.

⁷³ Бейтуллаева М. Уменьшительные формы личных имён в Турецких диалектах Болгарии // Советская тюркология. 1973. №2. – С. 93.; Тугунова В.И. Категория уменьшительности в диалектной антропонимии // Ономастика Поволжья. – Горький, 1971. – С. 81-85.; Полякова Е.И. Источники изучения русских неполных и оценочных имён прошлого // Русская ономастика. Сборник. – Рязань, 1977. – С. 140-144.

⁷⁴ Добряк А.А. Варианты полных личных имён в составе фамилии // Вопросы ономастики. 1974. № 8-9. – С. 57-76.; Силаева Г.А. Из наблюдений над стилистическими функциями полных и неполных имён в романе Л.Н.Толстого «Война и мир» // Период русс. яз. В высшей и ср. школе. – Рязань, 1973. – С. 140-144.

⁷⁵ Мартынова М.Н. О вариантности фонетических структур заимствованных топонимов в английском языке // Синхронно-сопоставительный анализ разных систем. – М., 1971. – С. 7-15.; Она же. Фонетические варианты заимствованных топонимов в английском языке. Автореф. дисс. – канд. филол. наук. –М., 1971. – С. 21.;

Ишларнинг баъзиларида топонимик параллеллар ҳақида сўз юритилган. Бундай параллеллар турли тиллар ёки худудлараро бўлиши мумкин⁷⁷.

Баъзи ишларда вариант тушунчаси илк қабул қилинган тилдаги ўзлашган номнинг шакллари маъносида ҳам қўлланилишини кўрамиз. Чунончи, тилшунос С.В.Бромлейнинг мақолаларидан бири мана шу масалага бағишланган⁷⁸.

Баъзи тилшунослар киши номларининг вариантларига материални тўплаш, ушбу вариантларнинг луғатини тузишга хизмат қилмоғи лозим, деб ҳисоблайди. Албатта, бундай луғатнинг яратилиши атоқли отлар вариантларининг моҳиятини англашга, уларни муайян меъёрларга келтириш учун хизмат қилган бўлар эди⁷⁹.

Атоқли отларнинг вариантларини ўрганиш фақатгина лингвистик назарияга хизмат қилмайди, балки топоним ва антропонимларнинг адабий тил талаблари нуқтаи назаридан маълум нормаларга солишни ҳам кўзда тутди. Вариантлар мавжуд жойда норма муаммоси юзага келганидек, норма ҳақида ҳам гап кетганда, албатта, вариантларни баҳолаш масаласи кўндаланг бўлиб туради. Бу топонимиянинг нормалаш

Садыков З.А. Азербайжан антропонимикасында фонетик вариантлар // Учен. записки Азерб.ун-та.языка и литературы. – Баку, 1976. № 3. – С. 49-55.

⁷⁶ Уразбаева З.Г. Словообразовательная вариантность башкирских местных географических терминов // Диалекты и топонимия Поволжья. Вып.3. –Чебоксары, 1975. – С. 102-107.; Крыжановская С.Г. Словообразовательные варианты антропонимов в русских народных исторических песнях XVII-XIX вв. // Научн. труды Куйбишевского ПИ. 1976. Т.180. – С. 30-37.

⁷⁷ Мурзаев Э.М. Топонимические параллели // Изд. ВГО. 1946. Т-78. Вып. 5-6. – С. 525-530.; Гордеев Ф.И. Балтийские параллели некоторых топонимов Марийской АССР // Тезисы докладов конф. аспирантов и молодых сотрудников инс-та. Востоковедения. – М. 1975. – С. 102-103.; Он же. Несколько Марийско-Балтийских топонимических параллелей // Тезисы докладов конф. аспирантов и молодых сотрудников инс-та. Востоковедения. – М. 1976. – С. 81-82.

⁷⁸ Бромлей С.В. Ещё раз в русских вариантах греческой имени GEORGIOS // Общеславянской лингвистический атлас. – М. 1975. – С. 142-151.

⁷⁹ Поротников П.Т. Материалы для словаря вариантов русских личных имён // Вопросы ономастики. Вып. 13. 1979. – С. 5-28.

масалаларига бағишланган ишлардаги таҳлилларда ёрқин кўринади⁸⁰.

Юқоридаги таҳлиллар рус ҳамда бошқа халқлар тилшунослигида ономастикавий вариантлар муаммоси маълум даражада таҳлил қилинган. Шунга қарамасдан, мазкур мураккаб муаммо бўйича ўзбек тилшунослигида ҳам, умумтуркологияда ҳам кенг қамровли, чуқур илмий таҳлиллар, монографик тадқиқотлар юзага келганича йўқ. Вариантдорлик муаммоси оддий сўзлар соҳасида яхши ўрганилган бўлса-да, ўзбек адабий тили шеваларидаги вариантдорлик муаммолари ўрганилмаган.

⁸⁰ Нормализация географических названий и их отражение в топонимии. – М. 1977. – С. 144.;

Комков А.М. Проблемы нормализация географических названий // Труды центральной НИИ геодезии, аэрофотосъемки и картографии. – М. 1977. Вып. 219. – С. 6-16.; Он же. Проблемы стандартизации (нормализации) географических названий в национальном ном-и. международным аспектах // Ономастик и норма. – М.: Наука, 1976. – С. 5-11.; Суперанская А.В. Ономастическая стандартизация. Допустимость. Возможность. Ограничения // Восточнославянская ономастика. Исследование и материалы. – М.: Наука, 1979. – С. 84-112.

Ї БОБ

АНТРОПОНИМИК ВАРИАНТЛАР ТУШУНЧАСИ

1. Вариантдорликнинг синонимияга муносабати

Ишнинг «Кириш» қисмида кўриб ўтганимиздек, тил тизимидаги вариантдорлик муаммоси ҳамда умумий вариантлар ҳақида хилма-хил фикрлар мавжуд бўлиб, мазкур масалаларни, яъни вариантдорлик ҳодисасини ҳар муаллиф ўзи тушунган даражасида талқин қилиб келаётгани барчамизга маълум.

Вариантдорлик ҳодисаси умуман ономастик тизимга, жумладан, антропонимия учун ҳам хосдир. Аммо кузатишлар, тадқиқотлар бу тушунча юзасидан бир хил нуқтаи назаридан эмаслигини кўрсатади. Бунинг устига вариантдорлик ҳодисасига яқин, ёндош турувчи бир қатор лисоний воситалар, жумладан, синонимлар, дублетлар (мутлоқ синонимлар), луғавий параллеллар, «ўртоқ» исмлар, полионимлар каби ҳодисалар ҳам мавжудки, уларнинг моҳиятини очмасдан туриб, вариантдорлик тушунчасининг моҳиятини тўла белгилаш мумкин бўлмайди. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда қуйида ана шу ҳодисаларга талқинига қисқача тўхталиб ўтамыз.

Мавжуд ономастик тадқиқотларда атоқли отларнинг, жумладан, исмлар ва топонимларнинг синонимик муносабатда бўлиши ҳақида айтилган фикрлар бор.

В.Д.Бондалетов рус исмларидаги эмоционал-экспрессив маънонинг ифодаланиши ҳақида ёзар экан, *Николай-Коля-Никола-Николушка-Колян-Коляй-Колько* исмларини синоним номлар деб ҳисоблайди ҳамда оддий сўзлардан антропонимик синонимлар фарқини қуйидагича белгилайди: «Шундай қилиб, антропонимларнинг синонимик қаторда таянч сўзлар (доминанта) ҳаракатчан, динамик бўлади. Антропонимлар

синонимик қаторининг турдош отлар синонимик қаторидан фарқ қилувчи хусусиятларидан бири мана шунда»⁸¹.

Озарбайжонлик номшунос М.М.Гулиеванинг антропонимлар синонимиясига оид махсус мақоласи мавжуд бўлиб, унинг фикрича, ономастик тизимда, жумладан, антропонимияда *вариант отлар* бор ва унга ёндош бўлган *синоним исмлар* ҳам мавжуд. Ушбу муаллиф вариантлар деб *Солтан // Султан, Ҳадикар // Ҳадужар // Ҳедижар, Чэлал//Чалал* каби исмларни тушунади. Унинг фикрича, бу каби вариантларнинг ҳар иккаласи адабий тилда қўлланилади, баъзи ҳолларда улар адабий тил доирасидан ташқарида бўлади⁸².

М.М.Гулиева ономастик синонимларни вариантларга ёндош ҳодиса деб баҳолайди. Унинг фикрича, антропонимик синонимлар ўз исм ёки ўзлашган атоқли от бўлиши мумкин. Муаллиф антропонимик синонимларнинг ҳосил бўлишининг 6 гуруҳини келтиради⁸³.

М.Гулиеванинг ёзишича, антропонимик синонимлар адабий синонимлар каби ўзаро яқин ёки ўхшаш маъноларни ифода қилади⁸⁴.

М.Гулиеванинг келтириб ўтган мисоллари умуман тўғри бўлса-да, «**исм**», «**антропоним**» ўрнига «*озарбайжонча, арабча, форсча сўз*» деб ишлатилиши ўринсиздир. Гап атоқли отларга оид ҳодисалар ҳақида борганда атоқли отга доир тушунчани ифода қилувчи терминлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мақолада келтирилган исмларнинг синоним деб олиниши қуйидаги саволларга жавоб беришни талаб қилади:

⁸¹ Бондалетов В.Д., Данилина Е.Ф. Средство выражения эмоционально-экспрессивных оттенков в русских личных именах // Антропонимика – М.: Наука, 1970. – С. 196.

⁸² Гулијева М.М. Синоним антропонимлар // Азербайжан ономастикаси проблемлари. III. – Бакы, 1990. – Б. 29.

⁸³ Гулијева М.М. Ўша мақолада. – Б. 29-30.

⁸⁴ Юқоридаги мақола. – Б. 29-30.

1. Келтирилган исмлар антропонимик тизимда захира сифатида синонимларми ёки функционал, нутқий ҳолатларда синонимларми?

2. Келтирилган исмларнинг ўрнини алмаштириш мумкин эмас (масалан, **Чаваһир** номли шахс исмини **Ковһар** номли шахс исми билан алмаштириб бўладими?).

3. Келтирилган исмлар ўзаро синоним сўзлардан ясалгани учун синонимми ёки атоқли от ҳолатида синонимми? Мана шу масалаларга мақолада жавоб йўқ.

Маълумки, тилшуносликда синоним, антоним, омоним ҳақида гап борганда, одатда, атоқли от материалларига эътибор қилинмайди. Бу, бизнингча, икки нуқтаи назардан шундай қилинади:

1) атоқли отлар луғавий маънога эга эмас деб ҳисобланади ва шу сабабли улардаги ўхшаш ҳамда қарама-қарши маъноларни аниқлаш қийин деб ҳисобланади;

2) атоқли отлар тизимида синонимик, антропонимик ва омонимлик муносабатлар мавжуд эмас деб ҳисобланади.

Шунга қарамасдан, бизнинг фикримизча, атоқли отлар, жумладан, антропонимларнинг тилга олинган луғавий маъно категориялари муносабатини лексикологик ва семасиологик ишларда тамоман четлаб ўтиш ўринсиздир. Мана шу маънода Э.А.Бегматовнинг 1965 йили ёзилган «Ўзбек антропонимикаси» мавзуидаги диссертациясида бу масалани махсус таҳлил қилгани диққатга моликдир. Унинг фикрича, исмлар синонимияси масаласи икки ҳодисани ҳисобга олишни талаб қилади:

а) исм асос бўлган сўз билан ундан ясалган исм орасидаги муносабат (*жўра-Жўра* ва б.);

б) синонимик исмлар орасидаги муносабат (*Жўра-Йўлдош; Ҳамдам-Дўст; Дўст-Рафиқ; Жўра-Ҳамдам; Ёр-Дўст*). Муаллифнинг фикрича, исм учун асос сўз билан ундан ясалган исм ўзаро синоним бўла олмайди. Чунки уларни бирининг ўрнига

иккинчисини алмаштириб қўллаш мумкин эмас. Чунки исмга асос бўлган сўз умумлашма маъно ифодаласа, исм индивидуал, якка тушунча маъносини англатади⁸⁵.


Э.Бегматов *Кўркам, Гўзал, Барно, Чирой* исмларини таҳлил қилар экан, бу тип исмларнинг синонимлигини белгилашда икки ҳолатни ҳисобга олишни лозим деб билади:

1) исмларнинг ўзбек ономастикаси тизимида антропонимик фонд (захира) сифатидаги ҳолати;

2) исмларнинг аниқ (конкрет) шахсларнинг атоқли отига айланган ҳолати, яъни функционал-контекстуал ҳолати.

Кўркам, Гўзал, Барно, Чирой исмлари ономастик лексикада тенг қимматга эга ва кишиларнинг улардан хоҳлаганини исм сифатида танлаш имкони бор. Мана шу маънода ушбу исмлар синоним (синонимик захира) хусусиятига эга. Чунки болага исм берилганда бирининг ўрнига иккинчисини алмаштириб, яъни маъқулини танлаш имконияти мавжуд. Аммо бу исмлар конкрет шахсларнинг атоқли отига айлангач, уларни алмаштириш имкони йўқолади, демак, келтирилган тип исмлар антропонимик лексика захирасида (антропонимияда) синонимик ҳолатда бўлса-да, функционал ҳолатда ўзининг бу хусусиятини йўқотади⁸⁶.


Демак, исмлар синонимияси ҳақида антропонимик захира (танлаш имконияти) сифатидаги ҳолат ҳақидагина гапириш мумкин. Ушбу ҳолатни чизмада қуйидагича тушунтириш мумкин:



⁸⁵ Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси: филол.фанлари номзоди _ дисс.-си. – Тошкент, 1965. – Б. 484.

⁸⁶ Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси: филол.фанлари номзоди _ дисс.-си. – Тошкент, 1965. – Б. 484.

Ёки:



Келтирилган чизма ҳаётӣ (реал) антропонимия тизимиға хос ҳолатни ифодалайди. Аммо антропонимик фонддаги синонимик исмлар бадий адабиёт тилида, фольклорға ва юмор жанриға мақбулини танлаб қўллаш имкони беради ҳамда матнда муайян услубий вазиға бажаради. Бунда ҳам образ, ҳам персонаж учун синонимик имкониятдан танланган ном ўша образнинг турғун атоқли отиға айланади ва уни иккинчи ном билан алмаштириш имкони бўлмайди. Бунда исмнинг услубий вазиғаси танланган антропонимнинг мотиватив маъносидан юзаға келади.

2. Вариантдорлик ва ономастик параллеллар

Ономастик тизимдаги вариантдорлик ҳодисасиға яқин турувчи лисоний воситалардан бири тилшуносликда «**параллеллар**» деб юритилаётган тушунчадир. Ушбу масалаға тўхталишдан олдин *параллел* тушунчасиға қисқача изоҳ бериб ўтишни лозим кўраимиз. Мазкур сўз лотинча *parallilos* - ёнма-ён боровчи маъносини ифодалайди⁸⁷. Ушбу тушунча тилшуносликда, геометрия ва географияда ҳам мавжуд бўлиб, синтагмалар тушунилади⁸⁸. Мазкур тушунчанинг кенг тарқалган таърифи геометрияға хос бўлиб, унга кўра, - *параллел чизиқлар*: «бир текисликда ётиб, лекин кесишмайдиган тўғри чизиқлар»дир⁸⁹.

⁸⁷Словарь иностранных слов. – М.: СЭ, 1964. – С. 472.

⁸⁸Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1969. – С. 309.

⁸⁹Ўзбек миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2003. – Б. 679.

Лисоний параллеллар ҳодисаси, унинг моҳияти, синонимлар, инвариант ва вариантлар муносабатига оид айрим мулоҳазалар Р.М.Шукуровнинг «Параллел синтактик бутунликлар» номли ишида учрайди.

Р.М.Шукуров ушбу муаммо бўйича фикр билдирган бир қатор олимларнинг тадқиқотларини таҳлил қилади ва параллеллик (параллелизм) ҳодисасини шундай таърифлайди: «Параллелизмлар, яъни *функцияси ва маъноси* жиҳатдан яқин, лекин бир хил *шаклга эга бўлмаган* лексик-морфологик ҳамда синтактик birlikлар умумхалқ тилининг бир неча даврлар давомида таркиб топган таъсирли ва ифодали усуллар мажмуи»дир⁹⁰.

Ёки: «Параллелизм шакл ва мазмун жиҳатдан бир-бирини такрорлаётган икки ёки ундан ортиқ ҳодиса. Ҳолат ёки нарсанинг ёнма-ён қўйилиши орқали фикрни поэтик тарзда ифодалаш усулидир»⁹¹. Ушбу муаллиф параллел воситалар (параллеллар)га хос қуйидаги хусусиятларни таъкидлайди:

1. Параллеллар вазифаси ва маъносига кўра яқин бўлади, аммо бир хил шаклга эга бўлмайди.

2. Параллелизм тушунчаси синонимия тушунчасига нисбатан кенгроқ ва чуқурроқдир.

3. Параллелик ифода мазмуни доирасида ҳам, ифода воситаси доирасида ҳам содир бўлади.

4. Параллелизм ва мазмуний (семантик) параллелизмга бўлинади.

5. Синтактик параллелизм (бир хил қолипли гап бўлаги, сўз бирикмаси) такрори – параллелиги ва маъно, тушунча, фикр такрори тарзида намоён бўлади.

⁹⁰ Шукуров Р.М. Параллел синтактик бутунликлар: филол. фанлари номзоди. _ дисс-си. – Фарғона, 2005. – Б. 13-20.

⁹¹ Шукуров Р.М. Параллел синтактик бутунликлар: филол. фанлари номзоди. _ дисс-си. – Фарғона, 2005. – Б. 20.

6. Параллелизм – шакл ва мазмунга кўра бир-бирини такрорлаётган икки ёки ундан ортиқ ҳодисанинг ҳолатини ёнма-ён қўйилишидир.

7. Мазмуний ва шаклий параллелизм услубият учун зарур восита бўлиб, «Агар мазмуний параллелизмлар танлаш имкониятини юзага келтирса, шаклий параллелизм, биринчидан, нутқни ифодали ва жозибатор, муסיқий оҳангдор қилади, иккинчидан, тил матнининг таъсирчан, шу билан бирга, эсда сақланиб қоларли бўлишини таъминлайди».

8. Синонимлар ҳам параллелизмлардир. Аммо ҳамма синонимлар ҳам параллелизм бўлолмайди, параллелизм синонимия тушунчасига нисбатан кенг тушунчадир.

9. Синтактик синонимия ва синтактик вариантлар қайсидир умумлашма хусусиятига кўра, маълум умумийликка – инвариантга бирлашади.

10. Синтактик синонимия ва синтактик вариантлар бир-бирини инкор этмайди, битта умумийликка бирлашади. Шунини ҳисобга олган ҳолда уларни «параллел синтактик бутунликлар» деб аташ мумкин⁹² ва бошқалар.

Р.М.Шукуров юқорида қайд қилинган хусусиятларга асосланиб, синонимия, вариантлар ҳамда параллеликларни бир тушунча тагига бирлаштиради ва буни шундай талқин қилади: «Айрим тадқиқотчилар томонидан синтактик синонимия ёки синтактик вариантлик ҳамда синтактик параллелизм деб номланган. Ушбу ҳодисаларни умумийлик-хусусийлик, моҳият ва шакл диалектикасидан келиб чиқиб, параллел синтактик бутунликлар номи билан бирлаштириш ҳамда уларни шу атама остида ўрганишни мақсадга мувофиқ деб топдик».

Бизнинг назаримизда, синонимия, вариантлар ҳамда параллеликларни юқоридаги каби бир умумийликка

⁹² Шукуров Р.М. Параллел синтактик бутунликлар: филол. фанлари номзоди. – дисс-си. – Фарғона, 2005. – Б. 13-20.

бирлаштиришда мунозарали ўринлар бор. Чунки қайд қилинган тушунчалар пайдо бўлиш манбаига кўра ҳам, сабабига кўра ҳам, лисоний (моддий) материалга кўра ҳам танлаб олиб ишлатиш имконияти ва бундай эҳтиёжга кўра ҳам, функционал-услубий, ижтимоий-коммуникатив вазифасига кўра ҳам, тил тизимидаги тармоқланиш (дифференциацияси) жиҳатидан ҳам, бир тил ҳамда бирдан ортиқ тил (қардош тиллар кўзда тутилади) ларда мавжудлиги жиҳатидан ҳам фарқли ҳодисалардир. Мана шундай фарқ, айниқса, синонимия, вариантлик ва параллеликларни ономастик материал асосида ўрганилганида аниқ кўринади. Қуйида мана шу аспектда бажарилган ишларга тўхталамиз.

Параллелик, параллелизм тилнинг барча сатҳлари учун хосдир. Масалан, лексикологияда луғавий (лексик) параллеллар ҳақида гапирилади. Чунончи, ўзбек ва мўғул лексикасига хос параллеллар ҳақида Э.А.Бегматов қуйидагиларни ёзади: «... ўзбек тили лексикасида шундай сўзлар ҳам борки, улар икки тилда ишлатилади. Чунончи, *сийрэг (сийрак), тайлаг (тайлоқ), танг (танглай), томуу (тумов), элчин (элчи), эрт (эрта), хох (кўк), хунжут (кунжут)* сўзлари ўзбек тилида ҳам, мўғул тилида ҳам бор ва шу тилларда бир хил ёки яқин маъноларда ишлатилади. Агар мўғул тили туркий тил, қардош тил деб тушинилганида, келтирилган сўзлар умумтуркий тиллар лексик қатламига мансуб бўлур эди. Лекин тилшуносликда ўзбек ва мўғул тиллари бошқа-бошқа системага мансуб тиллар деб қаралади. Бу сўзларни мўғул тилидан ўзбек тилига қабул қилинган ёки аксинча, туркий тиллардан мўғул тилига ўтган, қабул қилинган деб бўлмайди. Шу сабабли бундай сўзлар тилшуносликда «ўртоқ сўзлар», «турк-мўғул лексик параллеллари» деб аталмоқда⁹³.

Тилшуносликда лисоний параллеллар ҳақида лексика, терминология, айниқса, географик терминлар мисолида

⁹³ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 55.

анчагина ишлар ёзилган. Мана шундай баъзи жузъий ишлар топоним, антропоним, этнонимлар мисолида ҳам мавжуд⁹⁴.

Мазкур тадқиқотларни кенг таҳлил қилиш ушбу ишнинг вазифасига кирмайди. Топонимик ва антропонимик параллеллар ҳақида ёзилган баъзи ишларга тўхталамиз.

Г.И.Мешадиев озарбайжон, ўзбек ва қирғиз тиллари топонимиясидаги «лексик параллеллар» ҳақида сўз юритар экан, мисол тариқасида *Агдаш (озарб.) – Оқтош (ўзбекча), Губа (озарб.) – Қува (ўзбекча), Поладлы (озарб.) – Пўлатчи (ўзбекча)* фактларини келтиради. Келтирилганлардан Пўлатчи номи луғавий эмас, морфологик параллелга мисол бўлиши мумкин. Ушбу муаллиф «параллел» тушунчасини изоҳламайди, келтирилган топонимларни «бир хил номли» («одноименные топонимы») деб атайди⁹⁵.

С.А. Хапаев қорачай-болқорлар яшовчи ҳудудлардаги бир қатор гидронимлар Ўрта Осиёдаги (Ўзбекистондаги) гидронимлар билан шаклан бир хил эканлигини қайд қилади ҳамда уларни «Ўзбек-қорачай-болқор параллеллари» деб атайди. Унинг кузатишлари *Қумариқ, Тошариқ, Оқтупроқ, Толбулоқ, Қамишбулоқ, Қорасув, Оқсув* каби кўпгина номлар икки тил топонимия тизимида ҳам учрайди ва параллел гидронимлар гуруҳини ҳосил қилади. С.А.Хапаев мақоласида бундай

⁹⁴ Керимов С.К. Этноним *минг* в топонимии Азербайджана // Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1989. – С. 45-46.; Нуриев Э.Б. Азербайджанские географические термины и их параллели в Средней Азии // Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1987. – С. 16-17.; Абдурахманов А. Этимологическое исследование некоторых этнонимов общих для узбекского и казакского народов // Материалы конференции по ономастике Узбекистана. – Джизак, 1985. – С. 20-21.; Мамедов М.А. Среднеазиатские этнонимы в Азербайджане. Там же. – С. 23-24.; Ахметьянов Р.Г. Некоторые чувашско-татарские диалектные лексические параллели и их этимологии // Диалекты и топонимия Поволжья. – Чебаксары. 1978. – С. 79-89.

⁹⁵ Мешадиев Г.И. Лексические параллели в топонимической системе азербайджанского, узбекского и киргизского языков // Ономастика Узбекистана. 1989. – С. 57-58.

гидронимларни топоасосига кўра тасниф қилган⁹⁶. Муаллиф бу паралелларнинг пайдо бўлиш сабабларини айтмаган ва уларнинг мавжудлигини шунчаки қайд қилиш билан чекланган.

Ю.Б.Юсупов, С.К.Керимовлар озарбайжон ва ўзбек тилидаги топонимик паралеллар ҳақида ёзишар экан, топопараллелларнинг юзага келиш сабабларини кўрсатишга ҳаракат қилишган ҳамда улар қуйидагилардан иборат деб ҳисоблайди:

1. Озарбайжон ва ўзбек тиллари бир тил – туркий тиллар оиласига мансуб бўлгани учун баъзи объектларнинг бир хил, ўхшаш сўзлар билан бир хил номланиши табиий.

2. Озарбайжон ва ўзбек халқи таркибига кирган уруғ ва элатларнинг номлари (этнонимлар)да умумийлик мавжуд. Шу сабабли топонимнинг луғавий асосини ташкил этувчи муштарак этнонимлар ҳар икки тилда муштарак этнонимларни туғдирган.

3. Араб босқини ҳар икки халқ тилида ўз изини қолдирган. Озарбайжон ва ўзбек топонимиясида бир хил шакли арабча ёки мўғулча сўзлардан ясалган топонимлар учрайди: Зиярат (тоғ) – Зиярат (қишлоқ) каби⁹⁷ ва бошқалар.

Юқоридаги муаллифларнинг келтирилган фикрлари умуман тўғри бўлса-да, топонимик параллелларни туғдиришда, шунингдек, жой, объектнинг табиий ҳолати, объектив белгилари ҳам муҳим роль ўйнаши қайд қилинмагани нуқсонлидир.

Татар тилшуноси Ф.Г. Гарипованинг фикрича, Волгабўйи (Поволжья) худудларида бошқа тиллардаги номлар билан бир хил, шаклан ўхшаш бўлган топонимлар учрайди ҳамда булар

⁹⁶ Хапаев С.А. Узбекско-карачаево-балкарские параллели гидронимов Средней Азии и Северного Кавказа // Ономастика Узбекистана. 1989. – С. 85-86.

⁹⁷ Юсубов Ю.Б., Керимов С.К. Азербайджанские и узбекские топонимические параллели // Материалы конференции по ономастике Узбекистана. – Джизак, 1985. – С. 11-12.

топонимик параллелларни ташкил қилади. Бироқ, муаллиф бирор бир мисол, далилни таҳлил қилмаган⁹⁸.

С.А.Хапаев географик терминлар соҳасида бўладиган параллелликлар ҳақида ёзар экан, географик терминлар ва улар асосида ҳамда қорачай-болқар тилида ясалган топонимларни таҳлил қилган. Муаллиф мақолада тилга олинган тилларда учрайдиган 70 дан ортиқ топопараллелларни келтирган. У ушбу параллелларнинг сабабини географик муҳитдаги ўхшашлик, хўжалик, чорвачиликдаги муштарак ўринлар ҳамда тарихий сабаблар деб билади⁹⁹.

Р.Наврўзовнинг ёзишича, Озарбайжон тилида учрайдиган 100 га яқин топонимлар Россиянинг Омск ҳамда Тюмень вилоятларида (18 та), Украина ва Молдавияда (14 та) ҳамда Краснадор ўлкасида (9 та) учрайди. Топонимияда бундай яқинлик, параллелларни тадқиқ қилиш муҳимдир. Мазкур муаллиф бундай топонимларнинг 7 типини келтиради, баъзиларининг эса юзага келиш сабабларини очишга интилган¹⁰⁰.

Топонимик тизимдаги параллелликлар ҳақида анчагина мулоҳазалар мавжуд бўлгани ҳолда антропонимик тизимдаги параллеллик ҳодисасини етарли ўрганилмаганини таъкидлаш лозим. Ҳатто чалкаш фикрлар ҳам мавжуд. Чунончи, А.В.Суперанская рус тилидаги луғавий вариантлар ҳақида фикр юритар экан, мисол сифатида *колодец (рус.) – криница (Укр.) – кудук (турк.)* номларини келтиради, вариант бўлиши учун бошқа вариант типлардан фарқли равишда муштарак ўзакка эга бўлиши шарт эмас, -деб ҳисоблайди: «Атоқли отларнинг лексик

⁹⁸ Гарипов Ф.Г. Некоторые параллели в топонимии Поволжья // Шестая конференция по ономастике Поволжья. – Волгоград, 1989. – С. 74.

⁹⁹ Хапаев С.А. Башкирско-карачаево-балкарские параллели географических терминов, отражающих традиционные природопользования // Шестая конференция по ономастике Поволжья. – Волгоград, 1989. – С. 131-132.

¹⁰⁰ Наврузов Р. Азэрбайжан топонимлэринин параллеллари һагында // Азэрбайжан ономастикасы проблемэлэри. III/ - Бақы, 1990. – Б. 294-297.

вариантлар бошқаларидан шуниси билан фарқланадики, улар умумийликни ташкил қилади»¹⁰¹.

Келтирилган фикрга қўшилиш қийин, чунки тўлиқ маънодаги вариант битта лексеманинг фарқли шакллари ҳисобланади. Мана шу маънода А.В.Суперанская келтирган номлар вариант ҳам, топонимик ном ҳам эмас, балки тилга олинган объектнинг ўша тиллардаги мустақил, ўзаро алоқасиз номлари – гидронимлардир.

А.А.Дарбеева исмларнинг параллел шакллари ҳақида гапирар экан, одатда, исмнинг расмий ҳамда норасмий шакллари кўзда тутилишини, аммо бу икки шакл ҳам ҳар хил бўлишини айтади. Муаллифнинг фикрича, *Александр – Саша, Валентина – Валя, Наталья – Наташа* бир система доирасидаги расмий ва норасмий исмлардир. Шунинг учун ҳам расмий ва норасмий исмлар шакли турли халқлар тилига тегишли бўлиши эҳтимол. Чунончи, бурятларда *Сергей – Сэрен, Григорий – Замбал*¹⁰².

Бизнингча, А.А.Дарбеева параллеллик тушунчасини белгилашда тўғри позицияда турибди. Аммо параллел исмларнинг жуфтларидан бири ўзга системадаги тилга мансуб бўлиши ҳақидаги фикрлари чегаралидир. Чунки бурятлар ўз сўзларидан ҳосил бўлган (қўшалок) исмларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз тил сўзидан ва шунга кўра ҳам мансуб бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида *Турдинисо (расмий) – Турди//Турдиш (норасмий)* исм каби.

Т.Жонузоқов қозоқ ва муғул тилларида учрайдиган муштарак этноним ҳамда топонимларни «параллеллар» деб атайти ва *найман, керей, жалойир, манғит, туленгут* каби

¹⁰¹ Суперанская А.В. Структура имена собственного. –М: Наука, 1969. – С. 198.

¹⁰² Дарбеева А.А. Параллельные формы личных имён бурят // Антропонимика. – М.: Наука, 1970. – С. 205-206.

этнонимларни ҳамда *Бура, Қунонбай, Бўт, Тойлоқ, Дўнонбай* каби исмларни мисол сифатида келтиради¹⁰³.

Т.Жонузоқовнинг таҳлилида айрим ноаниқ диалектлар мавжуд. У қозоқ ҳамда мўғул тиллари учун муштарак, яъни параллелларни ва мўғул тилидан ўзлашган исмларни аралаш ҳолди таҳлил қилади.

Ушбу муаллифнинг фикрича, қуйидаги исмлар мўғул – туркий, жумладан, қозоқча параллеллардир. *Бура* (мўғулча-бугура – «урғочи туя»), *Қунонбай* (мўғулча-гунан – «уч ёшли туя»), *Буқа* (мўғулча-буха, бугай, буқа), *Бота* (мўғулча-ботугу, ботго «бўталоқ»), *Тайлақ* (мўғулча-тайлаг «икки ёшли бўталоқ»), *Дўнонбай* (мўғулча-донун, донон «тўрт ёшли от»), *Булақбай* (мўғулча-булаг «булоқ, чашма»), *Боран* (мўғулча-боруган «бўрон»), *Арай* (мўғулча-ур «тонг юлдузи»), *Бокен* (мўғулча-бокун, охон «сайғоқ»), *Буғибой* (мўғулча-буга «буғи»), *Жонбарс* (мўғулча-барс «арслон»), *Алтын* (мўғулча-алтан «Олтин»), *Темір* (мўғулча-темур «темур»), *Болат* (мўғулча-болад «Пўлат»), *Уримхон* (мўғулча-ур «авлод, аждод»), *Нагашбек* (мўғулча-нагса «наган», «тоға»), *Болебай* (мўғулча-ақа, ах «ака»)¹⁰⁴. Гап параллел воситалар ҳақида борар экан, атоқли отнинг ҳам қозоқча, ҳам мўғулча шакллари ёнма-ён бериш мақсадга мувофиқдир. Келтирилган мисолларда исмнинг қозоқча шакли берилгани ҳолда қиёс учун исмга луғавий асос бўлган турдош сўз берилади. Ҳолбуки, *Қунанбай* (қозоқча)//*Гунанбай* (мўғулча) тарзида бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланарди.

Антропонимик ҳамда топонимик параллеллар ҳақидаги юқорида таҳлил қилинган ишларда айтилган фикрлардан айрим хулосаларни чиқариш мумкин:

¹⁰³ Джанузаков Т.Дж. Основные проблемы ономастики казахского языка: автореф. дисс. д-ра. филол. наук. – Алма-Ата, 1976. – С. 37-38.

¹⁰⁴ Жонузоқов Т. Основные проблемы ономастики казахского языка: автореф. дисс. д-ра. филол. наук. – Алма-Ата, 1976. – Б. 39.

1. Ономастик параллеллар шаклан бир хил ёки ўхшаш номларнинг бир вақтнинг ўзида турли тилларда учрашидир.

2. Параллел ном учрайдиган тиллар бир системага мансуб қардош тил ёки турли системага мавжуд тиллар бўлиши мумкин.

3. Параллел номлар ўз қатлам материали (масалан, иккита туркий тилда учрайдиган туркий қатламга мансуб ном), ўзга тиллардан ўзлашган сўзлардан ҳосил бўлган ном: *Муҳаммад* (арабча), *Наврўз* (форсча) исмларининг ўзбек ҳамда қозоқ тилларида учрашидир.

4. Параллел номлар икки ёки ундан ортиқ тил ономастик муҳитида мустақил яшайди ва ҳам бир тилнинг ўз ономастик бирлиги ҳисобланади.

5. Ономастик параллеллар мустақил тиллараро мавжуд бўлувчи ҳодисадир. Аммо параллел номлар бир тил доирасидаги лаҳжа ҳамда шевалар доирасида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, *Муҳаммад*, *Турсун* исмлари ўзбек тилининг қорлуқ, қипчоқ, ўғуз шеваларида учрайди. Аммо баъзи шеваларнинг лисоний хусусиятига мослашиши мумкин: *Бектурди-Бактурди* (ўғуз), *Зариф-Зериф* (ўғуз) каби. Бундай ҳолларда исмнинг лаҳжавий вариантлари юзага келади.

6. Туркий тилда қадимий даврларда пайдо бўлган ном шакли мустақил туркий тиллар (ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва б.) шаклангач, уларнинг ономастик тизимида баробар сақланиб қолади. Масалан, *Ойхон*, *Ойсулув*, *Арслон* исмлари туркий тиллар ономастикасининг аксариятида сақланиб қолган ҳамда уларда антропонимик параллелларни юзага келтирган.

7. Борди-ю, параллел номлар қардош тиллараро бўлса, номнинг лисоний материали шаклан ўхшаш, бир хил бўлади. Масалан, ўзбек, қозоқ ва қирғиз тилларидаги *Турди*, *Турсун* исмлари, борди-ю параллел ном турли системадаги тилларда юзага келса, номнинг лисоний материали ҳар хил бўлиши мумкин, масалан: *Оқсув* (ўзбекча) – *Белая вода* (русча) каби ва ўз

навбатида, бундай номларни маъновий (семантик) параллеллар дейиш мумкин.

8. Қардош ёки ноқардош тиллардаги баъзи ономастик параллеллар учинчи бир тилдан олинган исмлар ҳисобига юзага келиши мумкин. Масалан, форс тилидан ўзлашган *Деҳқон* исмининг бир қатор туркий тилларда мавжудлиги биринчи ҳолатга, *Клара*, *Марат*, *Тельман* исmlарининг рус ҳамда туркий тилларда учраши иккинчи ҳолатга мисол бўла олади.

Хуллас, умуман ономастик, жумладан, антропонимик, топонимик параллеллар атоқли отлар тизимининг ўзига хос яшаш тарзини ифода қилувчи қонуниятлардан биридир. Демакки, атоқли отлар тизимидаги параллелларни тадқиқ қилиш учун махсус монографик тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

3. Қўшномлилик ва кўпномлилик ҳамда ономастик параллеллар

Гап ономастик параллеллар ҳақида борар экан, ушбу ҳодисага яқин турувчи, унга ёндош бўлган айрим лисоний бирликларни ҳам кўзда тутишга тўғри келади. Булар қуйидагилар:

1. Қўшномлилик ҳодисаси.
2. Кўпномлилик ҳодисаси (полиномия), яъни полиномлар.
3. Битта исмнинг эркак ҳамда аёллар атоқли оти сифатидаги шакллари.
4. Жойнинг эски номини ўзгартиришдан юзага келган эски ва янги номлар муносабати.
5. Топоним ва исmlарнинг ўзбекча ҳамда русча ёзилишидан юзага келган имловий фарқли шакллар.
6. Палиндромик номлар.

Юқорида қайд қилинган ном кўринишларига қисқача тўхталамиз.

Ономастик тизимнинг хусусиятларидан бирини объект ёки шахсларнинг **бир вақтнинг** ўзида бирдан ортиқ номга – кўшномга эга бўлиши ташкил қилади. Баъзи ҳолларда жуғрофий объектларни халқ тилида эски ва янги номи билан аташ, чақалоқни асосий исмидан ташқари кўшимча исм билан юритиш ҳоллари мавжуд.

Жой номларида, шунингдек, антропонимларда объект ёки шахсни асосий номидан ташқари лақаб ном билан аташ учрайди. Масалан, шахс *Маҳмуд (исми) – Оқбой (лақаб), Муҳаммад (исми) – Қозоқбой (лақаб), Манзура (исми) – Қаламқош (лақаб)*. Мана шундай лақаб – исмлар шахснинг асосий исми билан ёнма-ён яшайди ҳамда кўшномлиликни туғдиради. Кўшномлар бир вақтнинг ўзида, битта шахснинг атоқли оти сифатида ёнма-ён яшовчи ҳодисалардир.

Улар шаклан ва маъносига кўра бошқа-бошқа номлар бўлгани учун вариант номларга кирмайди. Аммо бир вақтда, битта объект ёки шахснинг номи сифатида ёнма-ён қўлланилгани учун параллел яшовчи номларга яқин туради. Аммо бу тип номларни параллелларга киритиш мумкин эмас, сабаби улар битта номнинг турли тиллар ёки уларнинг таркибидаги лаҳжалардаги кўриниши эмас, балки якка, бир дона объектнинг кўш номидир.

Оиламизда Муҳаммад исмли акамнинг қизи туғилди ва унга Дилфуза номи берилди ҳамда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида расмий исм сифатида қайд этилди. Бироқ оиламиздагиларнинг бирортаси ҳам уни шу туғилган кунидан бошлаб, Дилфуза деб аташмади, аксинча, уни эркалаб чиройли, гўзал, ширин бўлсин дея Моққи (Хоразм шевасида) деб атай бошлашди. Натижада ўша жиянимиз биринчи синфга мактабга борганда расмий исми, туғилган гувоҳномасида қайд этилган

исми билан расмийлаштирилди. Шундан сўнг унинг синфдошлари, ўқитувчилари Дилфуза деб атай бошлашди, оилада эса ўша-ўша Моққи номи билан аташда давом этишди. Ҳозир у турмушга чиққан, иккита фарзанди ҳам бор, бироқ ҳозир ҳам Моққи деб аташмоқда. Демак, қўшномлиликни туғдирувчи асосий сабаблардан бири бир вақтнинг ўзида унинг *Дилфуза (расмий) – Моққи (норасмий)* аталишидир.

Кўриниб турибдики, қўшномлиликни юзага келтирувчи омиллардан бири оилада дунёга келган чақалоқни эркалаш, суюш, ардоқлаш, асраш каби сифатлар сабаблидир.

Энди ўрни билан туркий ва туркий бўлмаган халқларда қўшномлилик юзасидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларига тўхталамиз.

Озарбайжон тилшуноси М.Н.Чобанов битта шахснинг ҳам расмий, ҳам норасмий номга эга бўлишини **полином антропонимлар** термини остида таҳлил қилган¹⁰⁵. Муаллифнинг ёзишича, баъзан чақалоқни асосий номидан ташқари уни эркалаб, азизлаб бошқа ном билан ҳам атай бошлашади: *Балаханум – Тоггу, Гурбанали – Дума, Ашир – Ера* каби. Ўша муаллифнинг қайд қилишича, шахснинг расмий номи ўрнига ҳужжатларда унинг қўшимча иккинчи номи ёзилиб қолган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, боланинг асосий номи Баннэт бўлган, ҳужжатларда унинг (суюш, эркалаш туфайли берилган) **Гара** исми расмийлаштирилган¹⁰⁶. Бундай ҳолатлар бизнинг мамлакатимиз худудида учрамади.

М.Н.Чобанов қўшномлиликни туғдирувчи ҳодиса гўдакни суюш, эркалаш туфайли юзага келади деб ҳисоблайди. Бу тўғри, аммо кўп ҳолларда қўшномлилик табу ва эвфимистик удумлар билан боғлиқ бўлади. Чақалоқни унинг душмани деб

¹⁰⁵ Чобанов М.Н. Азарбайжан антропонимиаси эаслары. – Тбилиси: Гаматлеба, 1983. – Б. 45.

¹⁰⁶ Ўша асар. – Б. 46.

ҳисобланувчи, болага ўлим, офат келтирувчи ёвуз кучлардан асраш, уларни адаштириш мақсадида боланинг асосий номи яширин тутилади ҳамда у бошқа ном билан юритилади. Бу қўшномлиликни туғдиради. Шунингдек, кўпгина халқларда, айниқса, туркий халқларда ёшларнинг ўзидан катталарнинг номини, келинларнинг ўзи тушган оилалардагиларнинг исмини айтмаслик одати мавжуд. Мана шундай ҳолларда янгалар, келинлар ўз қайнлари ҳамда қайнсингилларига қўшимча лақаб – ном билан мурожаат қилишади. Масалан, *Қорабола, Муллаийигит, Қоракўз, Қорасоч, Муллабой, Эркато, Олтиной* ва бошқалар. Дастлаб оддий сўз, ибора бўлиб туғилган бу каби лисоний бирликлар кейинчалик боланинг исмига айланиб кетади ҳамда қўшномлиликни юзага келтиради. Баъзи ҳолларда боланинг лақаб – номи унинг асосий номини истеъмолдан сиқиб чиқарган ҳоллар (айниқса, ўтмишда) кўп бўлган.

Қўшномлилик ҳақида Т.И.Тепляшина қизиқарли фикрлар билдирган. У ушбу тушунчани «Двойные имена» термини тагида талқин қилган: «Қўшном (Двойные имена) битта шахснинг бир вақтнинг ўзида параллел ҳолда иккита ном билан аталишидир»¹⁰⁷. Қўшномлилик Т.И.Тепляшина талқинига кўра, удмуртлар антропонимиясида икки усулда юзага келади: 1. Бола христианча исм билан аталади, бу асосий номи ҳамда бола яна қадимий удмуртча исм (языческие имена) билан номланади. 2. Бола касал бўлганида унинг сочидан кесиб олиб ёқилади ва номи ўзгартирилади, натижада боланинг иккинчи номи юзага келади ҳамда уни икки ном билан атай бошлашади¹⁰⁸.

Т.И.Тепляшина келтирилган икки номнинг амалда параллел қўлланилишини айтади. Демак, мазкур номлар параллел

¹⁰⁷ Тепляшина Т.И. Двойные имена удмуртов // Личные имена в прошлом, настоящем и будущем. – М.: Наука, 1970. – С. 163.

¹⁰⁸ Тепляшина Т.И. Двойные имена удмуртов // Личные имена в прошлом, настоящем и будущем. – М.: Наука, 1970. – С. 163.

исмларга намуна бўла олади, чунки икки ном бир вақтнинг ўзида ёнма-ён, параллел истеъмолда бўлади. Удмуртлар антропонимиясида қайд қилинган қўшномлилик хусусияти комлар, ком-перямлар, марийлар, мардвалар антропонимиясида ҳам мавжуд бўлган¹⁰⁹.

Расмий христианча исми удмуртча шаклга келтириб, ўзгартирилган ҳолда талаффуз қилиш натижасида ҳам битта номнинг параллели юзага келган: масалан, *Андрей – Гондыр, Николай – Коколь, Гавреил – Габей, Габи* ва бошқалар. Бундай исмлар ҳам параллел ишлатилган. Мавзуга доир бўлган бошқа тиллардаги ушбу ишларни батафсил таҳлил қилинса, мазкур ҳодисалар юзасидан бунданда қизиқарли материаллар борлигини кузатишимиз мумкин.

Энди ишимизнинг кейинги саҳифаларида қўшномлиликка яқин турадиган яна бир ёндош ҳодиса – кўпномлиликка тўхталиб ўтишни маъқул топдик. Бу, айниқса, кўпроқ топонимик тизимда учрайди. Таниқли топонимист Ҳ.Ҳасанов ўз ишларида мана шундай номларга тўхталган. Чунончи, **Каспий денгизи** ўтмишда 26 тадан ортиқ номлар билан юритилган: *Ҳазар денгизи, Сарой денгизи, Сарбанд денгизи, Хоразм денгизи, Оқ денгиз, Ғуз денгизи, Журжон денгизи* ва бошқалар. **Қорақум чўли** – *Ғуз чўли, Туркман чўли, Туркистон чўли, Хоразм дашти, Еттиқум, Амул чўли, Марв чўли, Сарахс чўли, Хуросон чўли; Сирдарёнинг Ўзган суви, Фарғона дарёси, Хўжанд суви, Шош дарёси, Фароб дарёси, Қорачук ўкуз, Ўтрор дарёси* номлари бўлган¹¹⁰. Б.Ўринбоев Зарафшон дарёсининг турли даврларда *Политмет, Ал-Буттем, Зарафшон*

¹⁰⁹ Выборов В.П. Личные собственные имена и их стилевые и экспрессивно-оценочные формы в ниже-вычегодских говорах Коми языка // Учёные записки Коми пединститута. – Сыктывкар, 1962. – С. 110.; Светланов В. К вопросу о происхождении коми-пермяцких фамилий // Наш край. 1964. Вып. 1. – С. 61.; Айплатов Г.Н. О марийских собственных именах XVII века // Советское финноугроведение. 1965. №2. – С. 89-93.; Мокшин Н. Старинные мордовские имена // Литературная Мордовия. 1961. № 25. – С. 113.

¹¹⁰ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 6-8.

дарёси, Жирт, Жон, Кухак, Нолин деб номланганлигини келтирган¹¹¹.

Кўпномлилик ҳодисаси битта объектнинг бирдан ортиқ номи сифатида кўшномлиликка яқин туради. Аммо кўшномлилик ҳамда кўпномлилик пайдо бўлиш вақти (даври)га кўра фарқланади. Кўшном битта объект ёки шахснинг айнан бир вақтнинг ўзидаги номи бўлса, кўпномлилик бирор объектнинг турли даврларда пайдо бўлган номларидар. Бу жиҳатдан кўпномлар параллел номлардан фарқланади, чунки параллел ном бир вақтнинг ўзида истеъмолда бўлган номлардир.

Кўпномлардан бири синхрон ҳолатда, масалан, баъзи тарихий даврлар ҳақида асарлар ёзилганида, бадий асарларда ўтмиш даври тасвирланганида, шунингдек, тарихга оид илмий-тадқиқот матнларида тилга олиниши мумкин. Мазкур ҳолат бу исмнинг ҳозирги даврда истеъмолда меъёр эканини кўрсатмайди. Хуллас, кўпномлилик бирор географик объектга тарихнинг турли даврларида бир ёки бир неча халқлар томонидан берилган бирдан ортиқ атоқли отларидир. Кўпномлиликни ташкил қилган номлардан битта ёки иккитаси ҳозирги давр истеъмолида бўлиши мумкин, қолганлари архаик номларга айланган ҳолда учрайди ҳамда *ономастик архаизмлардан* иборат эканлигини кўрсатади.

Одатда, объект эски ва янги номга эга бўлар экан, эски ном дарров истеъмождан чиқиб кетмайди ҳамда янгиси билан маълум муддат ёнма-ён қўлланаверади. Бу ҳолат ономастик параллеликни туғдиради. Аммо бу ўринда ҳам турли ҳудудларда учрайдиган параллел номлар эмас, бир ҳудудда бир тил (ўзбек тилида) учрайдиган ва битта объектнинг кўш атоқли оти бўлган номлар ҳақида гап бормоқда. Аммо топонимияда турли ҳудудларда, турли бошқа-бошқа объектларга берилган бир

¹¹¹ Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳли луғати. – Самарқанд, 1997. – Б. 4.

хил номлар ҳам учрайди. Масалан, шўролар даврида Комсомол, Ленин, Коммунизм, Победа, Социализм сингари мафкуравий номлар, Ленин, Ленин йўли, Ленинград, Киров, Куйбишев каби мемориал номлар:

а) ўша даврнинг барча республикалари ҳудудида;

б) битта республиканинг турли ҳудудида такрор-такрор учрар эди.

Демак, бу тип топонимлар турли миллий тиллар топонимик тизимида ҳамда битта миллий тил топонимиясида мавжуд бўлган топопараллелларга киради. Мана шу тип топонимлар ҳозирги даврда янгидан қўйилаётган топонимларда ҳам учрайди. Масалан, Наврўз, Мустақиллик, Навоий, Истиқлол каби номларни Ўзбекистоннинг аксарият ҳудудида учратиш мумкин. Бу номларнинг ҳар бири мустақил объектларнинг атоқли оти бўлгани, мустақил топонимлар ҳисоблангани учун *ономастик параллел* хусусиятига эгадир.

Ономастик параллелларга ёндош бўлган хусусиятлардан бири эркак ҳамда аёллар исмининг ўзаро муносабатига дахлдордир. Маълумки, кўпгина тилларда ўғил бола ва қиз болага *бир хил исм қўйиш* ёки *аёллар исмини эркаклар исми шаклидан ҳосил қилиш* ҳолатлари кўп учрайди. Шунинг учун ҳам бу ҳодиса ўзбек антропонимиясида сермахсулдир. Қуйидаги чизмаларда келтирилган номлар ўзбек тилида эркак ҳамда аёлларга бир хилда берилувчи исмлардир:

Эркаклар исми	Аёллар исми
Турсун	Турсун, Турсуной
Давлат	Давлат
Дармон	Дармон
Ёдгор	Ёдгор
Жамол	Жамол
Иззат	Иззат

Иноят	Иноят
Ирис	Ирис
Каромат	Каромат
Кенжа	Кенжа
Менгли	Менгли
Тилла	Тилла
Туйғун	Туйғун
Тожи	Тожи
Тўхта	Тўхта ва б.

Қуйидаги чизмада аёллар исми шаклларининг эркаклар исмидан ҳосил қилингани ўз ифодасини топган:

Эркаклар исми	Аёллар исми
Аббос	Аббоса
Аваз	Авазгул, Авазжон
Адаш	Адашой, Адашгул, Адашбиби
Азиз	Азиза, Азизахон
Амин	Амина, Аминахон
Анвар	Анвара
Асил	Асила, Асилгул
Зоҳид	Зоҳида
Иззат	Иззатой
Карим	Карима
Мели	Мелибу, Мелигул
Менгли	Менглигул
Мўмин	Мўминнисо, Мўмина
Нишон	Нишонгул, Нишона
Нур	Нурия, Нурхон ва б.

Келтирилган тип исмларнинг биринчи гуруҳини жинсий жиҳатдан фарқловчи алоҳида-алоҳида мустақил шахснинг атоқли оти сифатида (**Тўхта-ўғил** бола, **Тўхта-қиз** бола) ва бир номнинг *параллел қўлланишига* киритиш мумкин, аммо *вариант номларга* киритиб бўлмайди. Чунки ҳар иккала ном ҳам бир хил

шаклдадир. *Параллеллик*, одатда, битта (ўхшаш) луғавий бирликнинг турли маконда (турли тилда, лаҳжада) функция ўташидир. *Вариант* эса битта лисоний бирликнинг ҳар хил, фарқли шаклга эга бўлишидир.

Қайд қилинган иккинчи чизмада биз битта исмнинг фарқли шакллари кўрамыз: **Иззат** (эркаклар исми) ҳамда **Иззатой** (аёллар исми) каби. Демак, бу ҳолда эркаклар исмидан аёлларга мос келувчи исм шакллари ҳосил бўлмоқда. Мана шу маънода бу исмлар эркаклар исмининг аёлларга мослашган шаклий (асосан, морфологик, синтактик) вариантлардир. Мазкур исмлар антропонимик параллелларга кира олмайди, чунки улар эрлар ва аёллар исми сифатида шаклан турли хилда бўлишидир. *Параллеллик*, асосан, бу номлар ўзагининг такрорланишида кўринади.

Айрим тадқиқотчилар исмларнинг эркаклар ҳамда аёллар исми шакллари параллел деб тушунишади. Чунончи, А.В.Суперанская рус тилидаги **Август-Августина, Александр-Александра, Валентин-Валентина, Евгений-Евгения** типли номлар, исмларни «*эркаклар ва аёлларнинг параллел исмлари*» деб юритади ҳамда бундай номларнинг рўйхатини келтиради¹¹².

Бу тип номларнинг антропонимик параллеллар бўла олмаслигини айтдик. Аммо бу ўринда бир хусусият мавжуд. Ушбу номлар шаклан фарқли бўлса-да, эркаклар ҳамда аёллар исми сифатида бир хил маъно ифодалайди ҳамда айнан, мана шу ҳолат кўпчилик тадқиқотчиларни чалғитса керак.

¹¹² Суперанская А.В. Параллельные мужские и женские имена, включающиеся в старые церковные календари // Ономастика и грамматика. –М.: Наука, 1981. – С. 80-82.

4. Палиндромик номлар ва вариантдорлик

Антропонимияда вариантдорлик ҳамда параллеллик ҳақида гап кетганда, яна бир хусусиятга тўхташ ўринлидир. Бу эса «**палиндромик антропонимлар**» деб юритилувчи исмлардир.

Палиндром (он) термини юнонча бўлиб, *palindromeo* – орқага қараб югураман деган маънони ифодалайди¹¹³. Тилшуносликда палиндромик тушунчаси ўнгдан чапга, аксинча, чапдан ўнгга ўқилганда бир хил шакл ҳосил қилувчи сўз, сўз бирикмаси, иборалардир¹¹⁴.

Ўз навбатида, ономастикада, жумладан ўзбек ономастикасида палиндром ҳодисаси учрайди, аммо у нафақат мамлакатимизда, балки туркийшуносликда деярли тадқиқ қилинган эмас. М.Н.Чобанов озарбайжон антропонимларини таҳлил қилар экан, ушбу масалага қисқача тўхталган ҳамда исмларда учрайдиган қуйидаги хусусиятларни қайд қилган:

1. Тескари ўқилганда фонетик шакли ва маъноси ўзгармайдиган антропонимлар: *Ата, Ана, Аға, Тэлэт* ва б.

2. Тескари ўқилганида фонетик таркиби ўзгаришсиз қолувчи, аммо янги исм ҳосил қилувчи полиндронимлар: *Адил-Лида, Ајна-Анја, Зэрифэ-Эфирэз, Назим-Мизан, Намаз-Заман, Нэтэм-Мэтэн, Рамиз-Зимар* ва бошқалар.

3. Компонентларнинг ўзаро ўрин алмашиши орқали ҳосил бўлувчи полиндронимлар: *Ҳармэммэд-Мэммэдјар, Кулназ-Назгул, Бабахан-Ханбаба, Эліјусуф-Јусуфэлі* каби¹¹⁵.

Мана шу каби ҳодисалар ўзбек антропонимикасида ҳам, аниқроғи, ўзбек исмлари таркибида ҳам қуйидаги ҳолларда учрайди:

¹¹³ Словарь иностранных слов. – М.: СЭ., 1964. – С. 467.

¹¹⁴ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ., 1969. – С. 309.

¹¹⁵ Чобанов М.Н. Азарбайжан антропонимиюасынын эаслэры. – Тбилиси: Гаматлеба, 1983. – Б. 47-48.

1. Ўзбек антропонимикасида шундай исмлар учрайдики, уларни ҳар икки томондан, яъни чапдан ўнгга ёхуд ўнгдан чапга қараб ўқилганда ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди ва бир хил жаранглайди. Масалан: *Азиза, Аффифа* ва б.

2. Ўзбек антропонимикаси, яъни исмлари таркибидаги исмлар компонентларининг ўзаро ўрин алмашилиши натижасида палиндромлар ҳосил бўлади: Масалан: *Жондўст-Дўстжон, Бердимурод-Муродберди, Жонқўзи-Қўзижон, Алишер-Шерали, Жонмирза-Мирзажон, Аноргул-Гулнора, Ойгул-Гулой, Норбиби-Бибино*р ва б.

3. Уч компонентдан иборат бўлган ўзбек исмлари компонентларининг ўзаро ўрин алмашилиши натижасида ҳам палиндром ҳодисаси юзага келади. Масалан, *Ойжонгул-Гулжоной* ва б. Кам учрайди, бироқ мавжуд.

4. Битта фонетик товуши билан фарқланиб, маъно ва шакл жиҳатдан бошқа-бошқа номлар ҳосил бўлиши натижасида палиндром ҳодисаси вужудга келади. Масалан: *Бахром-Мархаб* ва б. Кам учрайди.

Палиндромик исмларни шартли равишда вариант номларга киритиш мумкин. Чунки бу ўринда битта исмнинг тескари ўқилганда ҳосил бўлувчи шакллари юзага келмоқда. Мазкур фикр кўпроқ қўшма исмларга доир бўлиб, *Бойқўзи – Қўзибой, Гулнор – Норгул* функционал жиҳатдан мустақил исмлардир. Келтирилган кўринишларнинг қолганлари кам учрайдиган ҳодисалардир.

Юқорида антропонимик параллеллар ва унга ёндош, алоқадор бўлган ҳодисаларга тўхталдик. Қуйида ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади бўлмиш ономастикада вариант тушунчаси ҳамда антропонимик вариантларнинг моҳиятини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Таниқли тилшунос С.Роспонд қадимги рус топонимларини ўрганар экан, топонимик вариант деб битта номга турли

формантлар қўшилган шаклни: *Валище-Валищево, Загорье-Загорьево, Высокое-Высоково* баъзи ҳолларда турли топонимларга бир хил формант ёки ўрин вариантлари қўшилган ҳолларни тушунади: *Березань, Дубень, Зувижень Ртудень*¹¹⁶ каби.

Ономастик вариантлар ҳамда вариантдорликка тегишли мулоҳазалар, айниқса, антропонимикага оид тадқиқотларда, қисман эса топонимияга бағишланган ишларда учрайди¹¹⁷.

5. Ономастик вариантдорлик тушунчаси

Ономастик (антропонимик ҳамда топонимик) вариантлар ҳақида гапиришдан олдин назарий тилшуносликда кенг қўлланилаётган *инвариант* ва *вариант* тушунчаларининг моҳиятига қисқача тўхташ лозим бўлади.

Тилшуносликда, умуман, тил тизимида вариантлик хос дейилган тушунча кенг тарқалган. Тил тизимининг бирор тушунча, маънони ифодалаш учун бирдан ортиқ воситаларга эга бўлиши, сўзловчи (ёзувчи) шахсларнинг ўз нутқида тил воситаларидан мақбулини, нутқ мазмуни, услуб талабига мосини танлаб ишлатишга имкон беради. Бундай имконият бўлмаганида нутқ бир хил шаклларга, қайтариқларга тўла бўлган ўта стандарт, формал ҳамда зерикарли ҳодисага айланган бўлур эди.

Тилнинг бир мазмун, маънони ифодалаш учун кўп ҳолларда бирдан ортиқ восита, лисоний имкониятларга эга бўлиши ёки битта восита (шаклнинг) бирдан ортиқ вазифаларда қўллана олиши (вазифадошлик) нутқни услубий ранг-баранг, бўёқдор қилади, унинг таъсир кучини оширади, фикрни аниқ, тўлиқроқ ифодалашга имкон беради. Мана шундай имкониятни

¹¹⁶ Роспонд С. Структура и стратиграфия древнерусских топонимов // Восточно-славянская ономастика. – М.: Наука, 1972. – С. 20-35.

¹¹⁷ Реформатский А.А. Топонимика как лингвистический факт // Топонимика и транскрипция. – М. – С. 25-29.

юзага келтирувчи воситаларга тил тизимидаги полисемантик лексемалар, морфемалар, синонимлар, омонимлар, лисоний воситаларнинг хилма-хил вариантлари ва бошқалар киради. Кейинги ҳодисага оид вариант воситалар ҳақида анчагина тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, тилшунос Д.Набиева тўғри таъкидлаганидек, «... ушбу тушунча билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳам етарли ўрганилган эмас»¹¹⁸.

Келтирилган фикр муаллифи тил тизимининг вариантлилик хусусиятини умумийлик ҳамда хусусийлик диалектикаси қонуни билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилар экан, инвариант ва вариант тушунчаларининг пайдо бўлишини «... муайян тил бирлигининг турли макон ҳамда замонда ҳар хил моддий ўзгаришларга учраши билан боғлаган ҳолда изоҳлайди.

Д.Набиева инвариант ва вариант тушунчаларини диалектик боғлиқликда талқин қилади ҳамда уларнинг моҳиятини бир-биридан фарқи ва алоқасини шундай изоҳлайди: «Инвариантлик хусусияти маълум нарсанинг шундай ўхшаш бошқа нарсада ҳам мавжуд бўлган умумий хусусиятини кўрсатади. Вариантлик эса инвариант хусусият, бир синфга бирлашган предметлардан фақат биттаси учун хос бўлган хусусиятни намоён этади»¹¹⁹.

Д.Набиева инвариант ва вариант тушунчаларининг фалсафий ва лисоний моҳияти юзасидан мавжуд адабиётларда айтилган мулоҳазаларни таҳлил қилиш асосида инвариант ва вариантга хос қўйидаги муҳим алоқадорлик ҳамда фарқларни таъкидлайди:

1.Инвариант ва вариантлар бир-бирини тақозо қилади, бир-бирисиз мавжуд бўлмайди (21-бет).

¹¹⁸ Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 19.

¹¹⁹ Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 15.

2. Инвариант тил системасига хос бўлса, вариант нутққа хосдир, у инвариантнинг функциясидир (21-бет).

3. Инвариант абстракклашган (мавҳумлашган) предмет белгилардир: «Абстракклаштириш эса инвариантларни ҳосил қилади» (16-бет).

4. Вариантлик тил бирликларининг синхрон ҳолатда мавжудлиги ва вазифа ўташ кўринишидир (19-бет).

5. Инвариант ва вариантлар орасидаги зидланиш ушбу хусусият хос воситани тил бирлиги сифатидаги ҳолати ҳамда нутқий реаллашган ҳолати орасидаги муносабатдир (19-бет). Демак, вариант аффикслашган инвариантдир (26-бет).

6. «Инвариант ва вариантлик тил ички тузилишининг барча сатҳлари учун хос бўлган универсал ҳодисадир» (18-бет) ва б.

7. Фалсафадаги умумийлик ва хусусийлик мезонлари орқали баҳоланса: «Инвариант маълум макон ва замонда муайян жараёнда турли ўзгаришларга учраган» умумийликдир. Вариантлар эса умумийликнинг қайд этилган ўзгаришлар ҳодисаси, кўринишидир. Масалан: фонема (эмик бирлик), инвариант – аллофон (фонема вариантлари), морфема (инвариант) – алломорф (морфема вариантлари), лексема (инвариант) – алламис (лексема вариантлари) (20-бет) ва бошқалар.

Инвариант ва вариантдорлик тилнинг барча сатҳлари учун хос экан, ушбу ҳодисаларнинг ономастик тизимга муносабати ҳамда ундаги кўринишларни ўрганиш ҳам қизиқарлидир.

Вариантликнинг ономастик тизимга ҳослиги шубҳасиздир. Аммо ушбу ҳодисани назарий жиҳатдан, яъни инвариант ва вариантлик, умумийлик ҳамда хусусийлик муносабатлари аспектида ономастикада тадқиқ қилинган эмас. Буни ономастик вариантдорликнинг моҳияти юзасидан турли тадқиқотларда баён қилинган фикрлардан ҳам билса бўлади.

Қуйида биз, ўрни билан, ана шу каби ишларга қисқача тўхталамиз.

В.Д.Бондалетов фикрича, рус топонимиясида сўз ясаилишининг содда (бытовое) ҳамда черковча (церковное) вариантлари мавжуд ва улар услубий роль ўйнайди¹²⁰.

И.П.Литвин топонимик тизимнинг яшаш қонуниятлари, унга жамиятнинг муносабати ҳақида гапирар экан, ҳозирда вариант шаклларнинг яшашининг кўриниши битта объектнинг расмий ҳамда норасмий номлари орасидаги шавқатсиз кураш, рақобат (конкуренция) кучли эканини таъкидлайди¹²¹.

Белорус тили топонимияси юзасидан фикр юритган В.П.Лемтюгованинг ёзишича, бу тил топонимиясидаги вариантлар 4 та сабабга кўра юзага келган:

1) белорус топонимларининг узоқ вақт поляк ҳамда рус тилларида ёзилиши, қайд қилиниши туфайли;

2) топонимнинг дастлабки, илк маъносининг йўқотиши ҳамда номнинг халқона ва псевдо – этимологик талқини туфайли;

3) жойни қайта номлаш натижасида;

4) белорус ва рус тилларининг ўзаро ҳамкорлиги туфайли¹²² ва бошқалар. Ушбу муаллифнинг фикрича, топонимлардаги вариантдорлик ижобий ҳодиса эмас, чунки номнинг илк шакли бузилади, номинатив вазифаси сусаяди¹²³.

В.А.Скрозникова АҚШ ҳудудида учрайдиган топоним ҳамда этнонимларнинг вариантлари ҳақида сўз юритар экан, шундай ёзади: «Жойнинг расмий номига нисбатан унинг иккинчи лақаб

¹²⁰ Бондалетов В.Д. Русская ономастика. – М., 1981. – С. 187.

¹²¹ Литвин И.П. О некоторых особенностях функционирования топонимов в обществе // Топонимия и общество. – М., 1989. – С. 6-7.

¹²² Лемтюгова В.П. Идти от истоков // Всесоюзная научно-практическая конференция. Исторические названия – памятники культуры. – М., 1989. – С. 47.

¹²³ Ўша асар. – С. 47.

номи (Аризона (штат) The Grand Canyon – Штат большого Каньона) вариант бўлади деб ҳисоблайди»¹²⁴.

Мана шу каби лақаб номлар баъзи кўчалар, мавзелар, кварталлар атоқли отларида ҳам учрайди.

Юқоридаги номларни **вариант** деб юритиш, мақола муаллифи ҳам қайд қилганидек, ўта шартлидир. Чунки улар битта номнинг шаклий кўриниши эмас, «балки бир объектга мансуб турли, мустақил отлар»нинг номинатив вазифасидир. Булар, аслида, параллел ҳодисаларга яқиндир.

Ҳ.Ҳасанов топонимларнинг тўлиқ ҳамда қисқа (*Англия – Буюк Британия*), *Мексика (Мексика Қўшма Штатлари)*, қисқартма шакллари *АҚШ (Америка Қўшма Штатлари)*, *МАР (Миср Араб Республикаси)*, шунингдек, «кесик шакли» *Аму ва Амударё, Сир ва Сирдарё, Питер ва Санк-Петербург* каби¹²⁵ мисолларни келтиради.

Топонимларнинг келтирилган шакллари топонимик вариантлар дейиш мумкин, чунки улар битта топонимнинг фарқли шаклий кўринишидир.

Тилшунос Т.Нафасов топонимик вариантларни битта номнинг турли шаклий кўринишлари деб тўғри баҳолайди ва ***Жийдали//Жийдалик, Ёнғоқли//Ёнғоқлик, Дуб//Дуба// Дугаба//Дугаб*** топонимларини намуна сифатида келтирган. Мазкур муаллифнинг ёзишича, ***Работ//Кўрғон, Оқработ// Оқкўрғон, Қизилсув//Сухроб*** топонимлари синонимлардир¹²⁶.

Унинг кейинги фикрларида ноаниқликлар мавжуд. Биринчидан, келтирилган топонимлар қайси ҳолларда синонимияни ташкил қилади? Функционал (матний) ҳоллардами ёки (тил бирлиги) ҳолларидами? *Оқработ* ва *Оқкўрғон* конкрет

¹²⁴ Скрозникова А.В. Варианты топонимов и этнонимов в США // Этнография имён. – М.: Наука, 1971. – С. 219.

¹²⁵ Ҳасанов Ҳ. Ер тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 4-5.

¹²⁶ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимикаси. – Тошкент, 1988. – Б. 12.

объектнинг атоқли оти ҳолатида алмашилиб қўлланилмайди-ку? Иккинчидан, *Оқдарё билан Оқсув* ёки *Қорадарё билан Қорасув* номлари дарё номи бўлиб келган ҳолларда синонимик хусусиятга эга бўлса-да, *Қорадарё (дарё номи)* ҳамда *Қорасув (ариқ номи)* бўлиб келганида уларни тенглаштириш, синоним дейиш ўринли бўлармикан? Келтирилган тип номлар тилнинг топонимик фондида топонимик захира сифатида синонимик воситалар бўлса-да, конкрет жойнинг номига айлангач, яъни функционал ҳолатда ўзининг синонимик хусусиятини йўқотади. Чунки масалан, **Қорадарё** (Самарқанд вилоятидаги дарё)ни **Қорасув** билан ҳеч ҳам алмаштириб бўлмайди.

Т.Нафасов кўпномлиликка намуна сифатида **Фахира //Фохира, Бухара//Бухор//Бухоро, Наҳшаб//Қарши** каби номларни келтирган¹²⁷. Булар моҳиятан битта номнинг диахроник ва синхроник кўринишларидир ҳамда объект номининг тарихий ва синхроник вариантларидан иборат. Аммо бундан Наҳшад ва Қарши истисно. Булардан бири архаик, нофункционал шакл бўлгани учун топонимик параллелга кирмайди, шунингдек, турли шакл мустақил номлар сифатида вариантдорлик ҳодисасини ҳам ташкил қилмайди.

Топонимларнинг имловий вариантларини туғдирувчи сабаблардан бири топонимни ўзбекча ҳамда русчада турлича ёзишдир. Бунинг қуйидаги кўринишларини учратиш мумкин:

-битта топоним турли шаклда ёзилади: **Тўанхоздарё//Танқасдарё//Танғасдарё//Танхасдарё//Танхосдарё** каби;

-номнинг ўзбекча ва русча шакли фарқланади: **Китоб//Китаб, Зангирон//Зангиран, Сангохир//Сангахир, Тошчинар //Ташчинар, Арабон//Араван, Мўминобод//Мўминабод** каби¹²⁸.

¹²⁷ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимикаси. – Тошкент, 1988. – Б. 62.

¹²⁸ Бобомуратов А. Шаҳрисабз район жой номларининг ўзбекча ва русча имлоси // Ономастика Узбекистана. 1989. – С. 20-21.

1993 йили Навоий шаҳрида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда ўқилган айрим маърузаларда исм ҳамда топонимларга оид вариантлар ҳақида сўз юритилди. Чунончи, бир гуруҳ муаллифлар (коллектив) топонимлар имлоси ва талаффузи ҳақида фикр юритар экан, баъзи топонимларнинг бирдан ортиқ шаклда ёзилаётганини қайд қилишган: **Навоу// Наваи//Навоий, Конимах//Канимих//Кенимих, Қизилтепа //Қызылтепа//Қизил-тепа, Беруний//Беруни//Бируни**¹²⁹.

Энди ўрни билан антропонимик тизимнинг таҳлилига доир ишлардаги вариантдорликка оид фикрларга тўхталамиз.

Е.Ф.Данилина ўзининг мақолаларидан бирида рус тилидаги исмларнинг кичрайтириш-эркалаш («уменьшительно-ласкательное») шакллари таҳлил қилган. Муаллифнинг ёзишича, исмларнинг мазкур кўриниши деярли ўрганилган эмас. Исмларнинг изоҳли луғатлари исмларнинг кичрайтириш-эркалаш шакллари етарли қамраб олмайди. Исмларнинг мукамал луғатини исмларнинг эркалаш-кичрайтириш шакллари тўпламасдан туриб, яратиш мумкин эмас¹³⁰.

Е.Ф. Данилина фикр юритаётган исм шакллар қандай шароитда, қайси мақсадда қўлланилишига кўра турли услубий вазибаларни ўтайди. Масалан, исмнинг эркалаш шакли шахснинг ёшига, оилавий-интим қўлланилишига кўра турли услубий маъно ташийди.

Мазкур муаллиф исмларнинг маълум доирада чегарали қўлланилувчи шакллари уч гуруҳга бўлади:

- 1) ҳудудий-лаҳжавий исмлар (диалектизмлар);
- 2) жаргон исмлар (жаргонизмлар);

¹²⁹ Дўстов И.Р., Аҳмедова Р.Ж. Топонимлар имлоси ва талаффузининг айрим масалалари // Илмий-амалий конференция тезислари. – Навоий, 1989. – Б. 32.

¹³⁰ Данилина Е.Ф. Категория ласкательности в личных именах и вопрос о так называемых «сокращенных» формах имен в русском языке // Ономастика. – М.: Наука, 1969. – С. 150-151.

3) болалар ижоди натижасида ҳосил бўлган шакллар¹³¹. Мақолада қайд қилинган исм шакллари юзага келиш усуллари, маънолари кенг таҳлил қилинган, айниқса, аффиксация усули, бўғинлар ўрнини алмаштириш усули ва б.

Исмларнинг эркалалаш-қисқартириш шакллари шахснинг болалик даври, ўсмирлиги, камолга етиш давларида функционал-семантик жиҳатдан ўзгариб туради. Е.Ф. Данилина ушбу жараённи уч босқичдан иборат бўлиши мумкинлигини айтади:

1-босқич исмнинг чақалоқлик, болалик даврида эркалалаш, суйиш маъноларини ифодалайди (25-30 ёшгача);

2-босқичда шахс улғайгач, номнинг бундай шакли ирония (киноя) ифодалаши мумкин;

3-босқич исм ҳадеб тилга олиनावериши натижасида ўзининг кичрайтириш-эркалалаш маъносини йўқотади ҳамда шахснинг кўникилган номига айланади¹³².

Исмларнинг эркалалаш-кичрайтириш шакллари ўзининг маълумлиги, қўлланиш доирасининг ҳолатига кўра иккига ажралади:

а) умумхалқий (умуммаълум ва умумистеъмол шакллар);

б) қўлланиши чегараланган шакллар. Хуллас, исмларнинг юқорида қайд қилинган экспрессив шакллари жуда индивидуал, субъектив хусусиятга эга бўлади.

Г.Я.Симинанинг таъкидлашича, қадимий рус антропонимиясида вариантлилик чўқинтириб қўйилувчи исм билан иккинчи ном-дунёвий (мирские) исм, лақаблар туфайли юзага келган. Бунда христианча ўзлашма исмлар русчага мослаштирилган. Бу турли усулларда исм таркибидаги

¹³¹ Данилина Е.Ф. Категория ласкательности в личных именах и вопрос о так называемых «сокращенных» формах имен в русском языке // Ономастика. – М.: Наука, 1969. – С. 157.

¹³² Келтирилган иш. – С. 154.

товушларни ўзгартириш, товуш ёки бўғинни тушириш, аксинча, товуш орттириш, шунингдек, исмга эркалаш-кичрайтириш қўшимчаларини қўшиш йўли билан амалга оширилган¹³³. Муаллиф ўзлашма исмини рус тилига мослаш учун 6 усулда олиб борилганини кўрсатган.

Исмларнинг оддий, жайдари (бытовые), дунёвий (мирское) вариантларининг кўпайиб кетишини қадимий исмлардан талаб қилинувчи айрим лисоний хусусиятларнинг ҳозирги рус тилида сусайгани ҳамда унитилганлиги билан изоҳлайди¹³⁴. Келтирилган мисолларнинг барчаси қадимий рус тили антропонимияси тизимида параллел, вариант ва дублет исмларни туғдирган. Ушбу муаллиф исмларнинг халқона шакллари «ярим исм» («полуимен») деб номлайди.

В.П.Чумакованинг таъкидлашича, русча исмларнинг тўлиқ (расмий) шакллари амалда, кундалик ҳаётда турли ясама шаклларда хизмат қилади. Масалан, **Мария** исми шеваларда *Маня, Манька, Маша, Машка, Машня, Маньша, Машага, Марусья, Маруська*; **Василий** исми эса *Вася, Васек, Васёка, Васька, Васята, Васятка, Васюха, Васят, Васеня, Васенка* шаклларида учрайди. В.П.Чумакова исмларнинг кичрайтириш-эркалаш шакллари номнинг қисқарган негизига махсус қўшимчаларни қўшиши орқали ясаилишини ҳамда у 20 дан ортиқ моделга эгалигини эътироф этади. У қайд қилинган қўшимчаларнинг 25 тасини келтирган ва улар воситасида ҳосил бўлган исмлар, антропонимларни атрофлича таҳлил қилган¹³⁵.

¹³³ Сими́на Г.Я. Бытовые варианты личных имён // Антропонимика. – М.: Наука, 1979. – С. 191.

¹³⁴ Сими́на Г.Я. Бытовые варианты личных имён // Антропонимика. – М.: Наука, 1979. – С. 194.

¹³⁵ Чумакова Ю.П. К вопросу о формах личного имени в русской диалектной речи // Антропонимика.

– М.: Наука, 1970. – С. 200-205.

В.Р.Бондалетов ва Е.Ф.Данилиналар рус исмларида эмоционал-экспрессив оттенкалар (бўёқдорлик)нинг ифодаланиш воситалари ҳақида фикр юритишар экан, бунинг тўртта усулини эътироф этишган:

- 1) морфологик (сўз ясалиши) усули;
- 2) фонетик усул;
- 3) синтактик усул;
- 4) лексик-семантик¹³⁶.

Фонетик усулда интонация ҳамда урғунинг роли ҳам қайд қилинади. Синтактик усул деб, номнинг тўлиқ ва қисқа варианты қўлланиши кўзда тутилади («*Вошка Зоя ...*» и «*Зоя Игнатьевна*») каби. Лексик-семантик усулга эса «*Милая Таня*» шакли мансуб деб ҳисобланган¹³⁷.

В.Э.Сталтмане лотин тилидаги исм ҳамда фамилияларга доир монографиясида кишиларнинг аташ шаклларини «*антропонимик формула*» деб номлайди¹³⁸ Мазкур терминдан А.Н.Думбрэвяну кенг фойдаланган.

А.Н.Думбрэвяну ўзининг монографик тадқиқотида исм шаклларини **формула, форма** терминлари билан номлайди ҳамда антропонимларнинг *расмий формулалари* ва *халқона формулалари* мавжудлигини кўрсатади. Муаллиф, шунингдек, «*халқона тизим формулалари*», «*расмий формулалари*», «*диалектал формулалар*», «*ономастик формулалар*», «*қўшма ономастик формулалар*», «*халқ (халқона) формулалари*» каби терминлардан фойдаланган¹³⁹. Шу билан бирга, ушбу муаллиф конкрет номлар таҳлилида исмларнинг қисқарган *гипокористик*

¹³⁶ Бондалетов В.Р., Данилина Е.Ф. Средство выражения эмоционально-экспрессивных оттенков в русских личных именах // Антропонимика. – М.: Наука, 1970. – С. 197.

¹³⁷ Бондалетов В.Р., Данилина Е.Ф. Средство выражения эмоционально-экспрессивных оттенков в русских личных именах // Антропонимика. – М.: Наука, 1970. – С. 198-199.

¹³⁸ Сталтмане В.Э. Латышская антропонимия. Фамилия. – М.: Наука, 1981. – С. 3.

¹³⁹ Думбрэвяну А.Н. Молдавская диалектная антропонимия. – Кишинев: Истица, 1982. – С. 20-21.

шакллар, эркалаш шаклларини эса *диминутив шакллар* деб атайдилар¹⁴⁰.

Баъзи муаллифлар исмларнинг эркалаш-кичрайтириш шаклларини «*норасмий шакл*», «*нопаспорт шакл*» (непаспортные формы) деб ҳам номлашади.

А.Н.Думбрэвяну Молдавия диалектал антропонимиясидаги исмларнинг қисқарган шаклларининг ҳосил бўлиши, бунинг сабаблари, исм шаклларининг юзага келиш усулларини, бунинг фонетик ҳамда морфологик воситаларини, ҳар иккала шаклларнинг ўзаро фарқларини кенг ва чуқур таҳлил қилган. Чунончи: **Ион исми:** *Икэ, Ионаш, Ионашку, Ионел, Ионетти, Ионелуш, Ионица* каби 50 га шаклини келтирган. Ушбу исмнинг румин антропонимиясида 650 дан ортиқ ясама шакллари борлиги аниқланган¹⁴¹.

Ўз навбатида, чех тадқиқотчилари ўзларининг антропонимиясидаги исмлар жамғармасини тўлдириб боришнинг уч усули мавжудлигини қайд қилишган:

1. Ўтмишда қўлланилган, аммо кейинчалик унитилган исмларни истеъмолга киритиш орқали.

2. Исмининг расмий шаклини эркалаш-кичрайтириш шакли билан алмаштириш орқали.

3. Ўзга тиллардан исмлар ўзлаштириш орқали¹⁴².

А.Г.Митрошкинанин таъкидлашича, бурят антропонимиясининг лисоний хусусиятларида бурят диалектларининг ўзига хос, фарқли томонлари ўз ифодасини топган, яъни антропонимлар лаҳжаларнинг лисоний хусусиятларини характерлай олади. Шу сабабли А.Г.Митрошкина

¹⁴⁰ Думбрэвяну А.Н. Молдавская диалектная антропонимия. – Кишинев: Истица, 1982. – Б. 29.

¹⁴¹ Думбрэвяну А.Н. Молдавская диалектная антропонимия. – Кишинев: Истица, 1982. – С. 23-25.

¹⁴² Кнопкова Мирослава. Языковые аспекты общественного функционирования личных имён // Ономастика и грамматика. – М.: Наука, 1981. – С. 67.

«бурят тилининг антропонимик диалектлари» иборасидан фойдаланган¹⁴³.

А.Шерматов ўз рисолаларидан бирида лингвистик география ҳақида фикр юритиб, ўзбек лаҳжаларини учта зонага ажратади:

- а) қарлуқ диалекти зонаси;
- б) қипчоқ диалекти зонаси;
- в) ўғуз диалекти зонаси.

Ўзбек исмлари келтирилган зоналарда маълум хусусиятлар билан фарқланади. Чунончи, ўғуз диалекти зонасини характерловчи Хоразм лаҳжасида исмларнинг оригинал шакллари учратиш мумкин. Бу ҳол мустақил исмлар доирасида, шунингдек, исмларнинг эркалаш-кичрайтириш шаклларида кўринади.

Мана шундай ҳолатни қипчоқ лаҳжаси зонасида ҳам кузатиш мумкин. Масалан: **Қўшбоқ (Хушвақт), Жовқан, Қоржовул (Қорёғди), Қолтой (Холтой), Қолбуви (Холбуви), Жарқиной, Жарқинбой (Ёрқиной, Ёрқинбой)** каби.

Лаҳжавий, шевавий хусусиятлар билан фарқланиб турувчи хусусиятлар баъзи ишларда *регионал антропонимия* термини остида ўрганилмоқда. Масалан, Э.А.Бегматов, С.Раҳимов, Р.Нуриддиноваларнинг «Проблемы узбекской региональной антропонимии» мақоласида ўзбек регионал (минтақавий) антропонимиясининг ўзбек умумантропонимик тизимидан фақрланувчи *7 та хусусияти* келтирилган. Буларнинг аксарияти исмларнинг лаҳжавий ўзига хосликлари ҳамда эркалаш-кичрайтириш шакллари¹⁴⁴. Демак, шева ва лаҳжаларнинг лисоний хусусиятларини уларда мавжуд бўлган исмлар ҳам

¹⁴³ Митрошкина А.Г. Бурятская антропонимия. – Новосибирск: Наука. Сибирское отделение. 1987. – С. 15.

¹⁴⁴ Бегматов Э., Нуриддинова Р., Раҳимов С. Проблемы узбекской региональной антропонимии // Актуальные проблемы языкознания. – Шымкент, 1998. – С. 41-44.

характерлай олар экан, юқорида қайд қилинган «антропонимик диалектлар» термини маълум даражада ўзини оқлайди.

Регионал антропонимияга хос деб билинувчи иккинчи хусусиятда худудий антропонимияда ўша худуд учун айрим исмлар шакллари хос бўлиши мумкин: *Қоржов, Нуржов, Қоржовул, Қўйли, Мейли, Тойлоқ, Сартбой, Қозоқбой, Мингбой* каби. Юқорида келтирилган исмларнинг баъзилари ўзбек тилида ***Қорёғди, Нурёғар*** шаклида ҳам учрайди. Демак, бу тип номларнинг адабий вариантлари ҳам мавжуд.

Регионал антропонимиянинг учинчи белгиси, унда адабий тилдаги исм шаклларида фарқ қилувчи лаҳжавий-фонетик шакллар мавжуд деб ҳисобланади. Масалан: *Жовқон, Жайноқ, Толли, Балқон, Жулли, Товбой, Жибак, Улбека, Улхон, Улбўс* ва бошқалар. Келтирилган исмларнинг адабий шакли вариантлари мавжуд. Масалан: *Жайноқ-Яшноқ, Яшнар; Толли-Тотли; Балқон-Болхон; Жулли-Йўлли; Товбой-Тоғбой; Жипак-Ипак; Улбека-Ўғилбика; Улхон-Ўғилхон, Улбўс-Ўғилбўлсин* каби. Демак, бу тип исмларга ҳам вариантдорлик хос.

Регионал антропонимиянинг яна бир хусусияти шундаки, унда исмларнинг ўзига хос *эркалаш-қисқартириш шакллари*нинг кўп учрашидир. Исмларнинг эркалаш-қисқартириш шакллари аслида исмнинг тўлиқ шаклидан ҳосил бўлади. Демак, мазкур ўринда исмнинг тўлиқ шакли билан эркалаш-қисқартириш шакли ўртасида вариантдорлик ҳодисаси юзага келади. Масалан: ***Тўлаган ва Тўлан; Иноятулло ва Иноят, Иной, Инот; Ёрлақолган ва Ёрлақаб, Ёрла, Ёрлақ; Ўтаган ва Ўташ; Эрназар ва Эрназ; Сарвинисо ва Сарвиш, Сарви, Сарбиш; Ойпошша ва Ойпош; Хуринисо ва Хури, Хуриш*** ва бошқалар. Демак, вариантдорлик регионал антропонимияни характерловчи муҳим белгилардан биридир.

Турколог Н.И.Шатинова олтойларда болани эркалаш одати ҳамда исмларнинг эркалаш-қисқартириш шакллари эътироф

қилар экан, уларда ўтмишда бола бировларнинг олдида иложи борича эркаламасликлари одат бўлгани, агар шундай қилинмаса, болага кўз тегади деб ҳисоблангани ҳақида ёзади. Шунинг учун ҳам улар болани «менинг» олмошидан кейин салбий оттенкали сўзларни келтириш орқали суюшган. Масалан: «менинг қора нима», «менинг қорам», («менинг қора болам»), «менинг сары немем», («мени сари болам») ва бошқалар.

Олтойликлар чақалоқни (норасидани) «ёвуз кучлар»дан асраш, «кўз тегишдан сақлаш» учун, «менинг йаман болам», «менинг тукту болам (менинг тукли болам)», «менинг уытту болам (менинг сассиқ болам)»¹⁴⁵ каби эркалашган.

Шу билан бирга, олтойликларда болани, чақалоқни суюш, эркалаш натижасида унинг исмида қандай ўзгаришлар юз берган. Булар қуйидагича:

1. Боланинг тўлиқ исми қисқарган: *Бухабай-Бубай, Эркелей-Эркеш*.

2. Бола исмига: **-чак, -ек, -аш** каби қўшимчалар қўшилган: *Бозу-Бозучак, Ирбис-Ирбизек, Димон-Димонаш*.

3. Боланинг исми ўрнида турли лақаби ва атрибутлар қўлланилган:

а) *сары, (сарик), кара (қора)* сифатлари;

б) боланинг жисмоний белгиларини ифода этувчи сифатлар: *узун, болчоқ (думалоқ, дўмбоқ), талтак (талтайиб юрувчи);*

в) *тату (татли)* сифатида;

г) нуқсонларни ифода қилувчи сифатлар: *аман (ёмон), тукти (тукли, жунли), жинту (сассиқ);*

¹⁴⁵ Шатинова Н.И. Детских уменьшительно-ласкательные имена у алтайцев // Шестая конференция по ономастике Поволжья. – Волгоград, 1989. – С. 54.

д) эркалаш-кичрайтириш шаклидаги сўзлар орқали: *тэкежим (менинг такачам, кўчқорим), кучыйагим (менинг кўшчам), куражым (кўзичоғим)* каби¹⁴⁶.

Таниқли қозоқ номшуноси Т.Жонузоқов қозоқларда бир шахснинг кўш (кўшалок) номи бўлиши ҳақида ёзади ҳамда унинг уч хил кўринишини келтиради:

1. Шахснинг ислом динига мувофиқ берилган исмини оилада, қариндош-уруғлар даврасида ўзгарган шаклда айтишади: *Мухамбетқарым-Муқамбай, Шахбатдун (Шақабай)* каби.

2. Шахсга ислом динига мувофиқ қўйилган исм қозоқча (қозоқчалаб) қисқартирилган шаклда талаффуз қилинади: *Ибрайим-Абай, Сэдуақас-Сэкен, Шаймердан-Шакен, Абдірахман-Абіш, Мағрипа-Мағыш, Гулбаһрам-Кулпаш, Кулэш* ва б.

3. Шахснинг қозоқча расмий исми русча исмларга тақлидан ўзгартириб айтилади: *Разия-Роза, Алғазы-Алиқ, Еркін-Эрик, Ерғали-Эдик, Жолдасбек-Жара*¹⁴⁷ каби.

Номшунос Т.Жонузоқов қозоқ тилида исмларнинг эркалаш-кичрайтириш шакллариининг ҳосил бўлиш усуллари ҳақида тўхталиб, уларнинг махсус кўшимчалар орқали шаклланишини эътироф этади:

-ш кўшимчаси: *Болтабой-Болташ, Кулэндэ-Кулэш* каби;

-қан, -кен кўшимчаси: *Қожақан (Қожаахмет), Шэкен (Ибаймарден), Зекен (Зейнен), Сэкен (Садуақас)* каби;

-тай, -ай, -й кўшимчаси: *Батай (Батырхан), Қабай (Қабдрахман), Элтай (Элімжан), Култай (Кулімқан)* каби ва бошқалар.

Т.Жонузоқов қозоқ исмларининг минтақавий ҳамда лаҳжавий вариантлари мавжудлигини қайд этади. Масалан: *Ақчал//Ақшал, Кочімбай//Кашімбай, Челебай//Шегебай, Мықа//*

¹⁴⁶ Шатинова Н.И. Детских уменьшительно-ласкательные имена у алтайцев // Шестая конференция по ономастике Поволжья. – Волгоград, 1989. – С. 53-54.

¹⁴⁷ Жанузақов Т. Қазақ есімдерінін тарихы. – Алматы: Ғылым, 1971. – Б. 76.

Миқа, Мысатай//Мусатай, Қали//Ғали, Қабдаш//Ғабдаш, Кулжан//Гулжан, Кулжамал //Гулжамал каби.

Қозоғистоннинг турли худудларида битта исмнинг ҳар хил талаффуз вариантлари учрайди: *Ғали//Қали, Айша//Ғайша //Қайша, Оспан//Осман//Усман, Омар//Ғумар//Қумар, Ғабдолла //Эбділда// Қабділда//Қабдол*¹⁴⁸ ва б.

Яна бир қозоқ номшуноси З.Р.Жаненова исмларнинг эркалаш-кичрайтириш шакллари хурмат ифодалашнинг миллий кўринишларидан бири деб ҳисоблайди ҳамда бунинг қуйидаги кўринишларини қайд қилади:

1. Шахсга хурмат сифатида унинг тўлиқ исми ўрнига қисқарган шакли айтилади: *Жақыпбек//Жэке, Калдыбек// Калеке, Мадина//Мэке, Айгерим//Айеге* каби.

2. Исмга эркалаш маъносини ифода қилувчи қўшимчалар қўшилади: *Бадаш, Мираш; Касымтай, Сабыржан.* Айниқса, **-жон, -той** қўшимчалари фаол қатнашади ва бошқалар.

Баъзан битта исмнинг бир неча эркалаш варианты юзага келади: *Айбар-Айага//Айеке, Айбаржан-Айке//Айкем//Айкен*¹⁴⁹ ва б.

Жамоавий муаллифларнинг «Озарбайжон тилининг ономастикаси» китобида Озарбайжон киши исмларининг қисқартириш хусусиятлари талқин қилинган бўлиб, исмнинг қисқариши икки сабаб билан боғлиқлиги айтилади:

1. Исм эгасига ижобий, яъни субъектга баҳо ифодалаш учун исми қисқартирилиб талаффуз қилинади.

2. Талаффузи қийин (оғир) бўлган қўшма исмларнинг бир қисми туширилади¹⁵⁰. Муаллифлар ушбу масала бўйича

¹⁴⁸ Жанузақов Т. Қазақ есімдерінін тарихы. – Алматы: Ғылым, 1971. – Б. 182-183.

¹⁴⁹ Жаненова З.Р. Уменьшительно-ласкательная форма казахских личных имен как национально-уважительная форма обращения в личности // Илмий конференция тезислари. – Навоий, 1993. – С. 34-35.

¹⁵⁰ Исрафилова Р.Д., Мэшәдијев Г.И., Чәфәров Г.Н. Азербайжан дилинин ономастикасы. – Бақы: Улм, 1987. – Б. 54.

3. Садыговга ҳавола беришган¹⁵¹ ҳамда Озарбайжон исмларининг қисқариш усулларининг тўққиз турини келтиришган¹⁵².

Ўзбек тилида эркак ва аёллар исмига қўшилиб, эркалаш-кичрайтириш шакллари ҳосил қилувчи қўшимчаларга М.Турсунпўлатов ҳамда Х.Жўраевлар фикрича қуйидагилар киради:

1. Эркаклар исмига қўшилиб, ҳурмат муносабатини ифода қилувчи қўшимчалар:

-**бек**: (*Отабек, Шодибек*);

-**бой**: (*Турсунбой, Қодирбой*);

-**жон**: (*Валижон, Дилшоджон, Ботиржон*);

-**мирза**: (*Боймирза*);

-**қул**: (*Қодирқул, Мустафоқул, Турсунқул*) каби.

2. Аёллар исмига қўшилувчи аффикслар:

-**хон**: (*Гулнозахон*);

-**нисо**: (*Шаҳринисо, Ойнисо*);

-**биби**: (*Хатичабиби*);

-**бону**: (*Анзират бону*) ва бошқалар.

Эркалаш-кичрайтириш қўшимчалари ўсимликлар номига нисбат берилган (*Лолахон, Райҳоной, Гулноз, Сарвиноз, Сунбулой*), қимматбаҳо тошлардан ясалган исмларга (*Олтиной, Гавҳарой, Ёқутой, Заркумуш*), зоонимлардан ясалган исмларга (*Бўрибой, Хўрозбой, Лочиной*) қўшилиши мумкин. Келтирилган фикрларда айрим ноаниқликлар мавжуд:

1) **-бой, -қул, -нисо** қўшимчаларининг эркалаш-кичрайтириш маъно ифодалаётгани шубҳали;

2) муаллифлар қўшимчани исм компоненти бўлиб келган лексема ёки аффиксиодлардан фарқламайди. Чунончи, **-нисо, -ой, -биби, -бону, -бек, -ноз** (*Сарвиноз*)¹⁵³ ва б.

¹⁵¹ Садыгов З. Азербайжан дилиндә шәхс адлары, намизәдлик диссертацияси. – Бақы, 1975. – Б. 119.

¹⁵² Келтирилган асар. – Б. 55-56.

Э.А.Бегматов ҳамда Ғ.Сатторовлар ўзбек минтақавий антропонимиясининг диалектал элементлари юзасидан сўз юритар экан, лаҳжавий антропонимиянинг характери хусусиятларидан бирини, унда исмларнинг айрим характери қисқартма шакллари учрайди, деб кўрсатади ва шундай исмларни келтиради: *Ўтам (Ўтамурод, Ўтаназар), Улбус (Улбўсин, Ўғилбўлсин), Нураш (Нурулла, Нурали), Ўташ (Ўтамурод), Ойсам (Ойсанам), Эрназ (Эрназар), Энаш (Энагул, Энақиз), Дўсам (Дўстмурод, Дўстмуҳаммад)*¹⁵⁴ ва б.

Антропонимик ҳамда топонимик вариантларга доир фикрлар А.В.Суперанскаянинг ишларида ҳам учрайди. У ўзининг мақолаларидан бирида шундай ёзади: «Атоқли отларнинг расмий ва норасмий шакллари ҳар бир халқ тилида, ҳар бир даврда ўзаро фақр қилувчи хусусиятларга эга бўлади»¹⁵⁵.

А.В.Суперанскаянинг фикрича, диалектлардаги исмларнинг қисқариши ҳамда субъектив баҳо шакллари расмий шаклга нисбатан баъзи устунликка эга. Чунки улар адабий тилга осон кириб боради, махсус ҳужжатларда қайд қилинади. Улар тўлиқ шаклга кўра жамоа томонидан осон қабул қилинади ҳамда лаҳжалар доирасидан ташқарига ҳам тарқала олади¹⁵⁶.

Ушбу муаллиф *Алфей ва Алфий* («ўзгариш» маъносида) *Аммон ва Аммоний* («қумли»), *Аммоний ва Аммун*; *Артемий* («соғлом»), *Апполон, Апполоний ва Апполос* («бўғувчи») каби исмларини дублетлар деб ҳисоблайди.

¹⁵³ Турсунпўлатов М., Жўраев Х. Уменьшительно-ласкательные аффиксы, связанные с женскими и мужскими именами // Материалы по ономастике Узбекистана. – Ташкент, 1985. – С. 51-52.

¹⁵⁴ Бегматов Э.А., Саттаров Ғ. Диалектные элементы узбекской региональной антропонимии // Ономастика Узбекистана. 1989. – С. 114.

¹⁵⁵ Суперанская А.В. Личные имена в официальном и неофициальном употреблении // Антропонимика Узбекистана. – С. 180.

¹⁵⁶ Суперанская А.В. Личные имена в официальном и неофициальном употреблении // Антропонимика Узбекистана. – С. 183.

Исмлар вариантдорлигини юзага келтирувчи омиллар тўғрисида тилшуносликда ҳали изчил, ягона фикр шаклланмаган. Шу сабабли исмларнинг қисқариш ҳамда эркалаш шакллари ифода этувчи терминларни белгилашда бир хиллик йўқ, жумладан, гипокористик, деминутив, ипокористик, ласкательный, уменьшительно-пренебрежительный, увеличительный, экспрессив формалар, эмоционал номлар, ярим исмлар (полу имена) терминлари қўлланади¹⁵⁷.

А.В.Суперанскаянинг фикр юритилган китобининг бешинчи боби «Атоқли отларнинг вариантлашуви» деб номланган бўлиб, унда атоқли отларнинг вариантлашиш сабабларини шундай изоҳлайди: «Вариантлашув атоқли отларнинг ўз моҳиятида мавжуд. Атоқли отларнинг тушунча билан алоқаси апеллятивларга нисбатан кучсиз бўлиши учун уларда битта ҳодиса ёки муносабатларни турли усулда ифодалаш имконияти мавжуд»¹⁵⁸.

Исм вариантлашуви учун у кенг равишда қўлланиши, жамоага кенг таниш бўлиши лозим. «Вариантлар турлича бир даврга оид, турли даврларга доир, услубий ҳамда ситуатив, турли тил жамоаси доирасида, лаҳжа ичида ёки турли лаҳжалараро, шунингдек, адабий ва расмий, ўз исм ҳамда ўзлашма исмлараро бўлиши мумкин»¹⁵⁹.

Умуман лисоний бирликларни, жумладан, лисоний вариантларни *муайян гуруҳларга* ажратишда турли усуллардан фойдаланиб келинади. Бу масалада қуйидаги фикрларда шундай умумлаштирилган: «Тилшунослар лисоний бирликларни маълум гуруҳларга таснифлашда, демакки, вариантларни инвариант-

¹⁵⁷ Суперанская А.В. Личные имена в официальном и неофициальном употреблении // Антропонимика Узбекистана. – С. 132.

¹⁵⁸ Суперанская А.В. Структура имена собственного. Фонология и морфология. – М.: Наука, 1969. – С. 171.

¹⁵⁹ Суперанская А.В. Структура имена собственного. Фонология и морфология. – М.: Наука, 1969. – С. 173.

ларга бирлаштиришда турли хил белгиларга асосланиб келдилар ҳамда буни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин бўлади:

1) фақат шаклий белгиларига қараб, гуруҳларга бирлаштириш;

2) фақат маъно томонига қараб таснифлаш;

3) вазифасига қараб таснифлаш;

4) шакл, маъно ва вазифасига кўра гуруҳларга бирлаштириш.

Бизнинг назаримизда, лисоний birlikларни *шакл, маъно ва вазифасига* кўра маълум синфларга бирлаштириш яхши натижа беради»¹⁶⁰. Чунки «Лисоний birlikларнинг ҳаммаси учун ҳам умумий бўлган белги бу *товуш (шакл), маъно ва вазифаси томонидир*»¹⁶¹.

Вариантларни гуруҳлашнинг келтирилган мезонларини ономастик тизимга ҳам татбиқ этиш мумкин. Бу қуйидаги гуруҳларда ёрқин кўзга ташланади:

1. Антропонимларнинг имловий вариантлари. Бунга мисол тариқасида исмларнинг имловий, эркалаш-қисқартириш ва адабий ҳамда лаҳжавий вариантларини киритиш мумкин.

2. Антропонимларнинг маъновий вариантлари. Бу ҳолатда битта шакл исм бирдан ортиқ маъно англатади, яъни бирдан ортиқ мотивга эга бўлади: Бўри исмида:

а) тотем, сиғиниш мотиви ва б.;

б) боланинг тиш билан туғилганлиги мотиви бор.

3. Функционал (вазифавий) вариантлар. Бунда бир неча шакл исмлар амалда битта маъно, мотивни англатади: *Тангриқул, Оллоқул, Худойқул, Абдулла* (Аллоҳнинг бандаси маъноси ва мотиви).

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўзбек антропонимияси тизими учун кўпроқ **шаклий вариантлар** характерлидир. Шу

¹⁶⁰ Набиева Д. Ўзбек тилининг сатҳларида умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Б. 28.

¹⁶¹ Набиева Д. Ўша иш. – Б. 28.

сабабли тадқиқотнинг кейинги боблари мана шундай антроповариантларни таҳлил қилишга бағишланади.

Қисқа хулосалар

Юқорида олиб борилган таҳлиллардан қуйидаги баъзи қисқа хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Атоқли отларда *синонимия ҳодисаси* тил тизимининг имконияти, жамғармаси ҳолатида мавжуд бўлади. Атоқли отлар функционал ҳолатда, яъни конкрет предмет шахс ёки объектнинг номига айлангач, синонимик хусусиятини йўқотади, бирининг ўрнини иккинчиси алмаштира олмайди.

2. Атоқли отлар тизимидаги *параллеллик (параллелизм)* ҳодисаси бу битта номнинг бирдан ортиқ тилларда ёки лаҳжаларда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлишидир. Параллел номлар шаклида фонетик фактлар бўлса-да, улар ягона ўзак-негизга мансублиги билан характерланади.

3. Атоқли отлар, жумладан, антропонимик тизимдаги *вариантдорлик* битта номнинг турли шаклларга эга бўлишидир. Бундай шаклларга исмларнинг кичрайтириш, эркалаш шакллари ҳамда лаҳжавий шакллари киради. Исмларнинг вариантлари битта шева, битта тил, адабий тил ва лаҳжалар доирасида учрайди.

4. Антропонимик ҳамда топонимик вариантларнинг ҳосил бўлиш усули ва лисоний материалга кўра: *фонетик вариантлар, фонологик (талаффуз) вариантлар, морфологик вариантлар, синтактик вариантлар, лексик вариантларга* бўлинади. Адабий тил доирасида **имловий вариантлар** ҳам мавжуд.

5. Вариантлар тил тизими (адабий тил тизими, диалектал тизим)даги лисоний имкониятлар, лисоний захира бўлиб, сўзловчи (номловчи) сўзлардан ўзига, ўз дидига, нутқий вазияти, услубий талабга мосини танлаб ишлатади. Антропонимик

тизимда вариантдорлик ҳодисаси, уни юзага келиш усули муайян ономастик қонуниятлар, омилларга таянади. Масалан, исмларнинг қисқариши, эркалаш шакллари, тўлиқ ва нотўлиқ шаклларининг юзага келиш усул ва омиллари ва б.

6. Турли ареалларга оид вариантлар ўзаро алмашмайди, улар ҳар бир ареалнинг мустақил бирликларидир. Худди шунингдек, шева ва лаҳжалараро вариантлар ҳам ўзаро алмашиб қўлланилмайди, ҳар бир шева ёки лаҳжанинг мустақил бирлигидир.

7. Ономастик синонимлар ҳамда параллеллар адабий норма нуқтаи назаридан инкор қилинмайди ва уларни бартараф қилиш ҳақида фикр юритилмайди.

8. Регионал антропонимиянинг яна бир хусусияти шундаки, унда исмларнинг ўзига хос *эркалаш-қисқартириш шаклларининг кўп учрашидир*. Исмларнинг эркалаш-қисқартириш шакллари аслида исмнинг тўлиқ шаклидан ҳосил бўлади. Демак, мазкур ўринда исмнинг тўлиқ шакли билан эркалаш-қисқартириш шакли ўртасида вариантдорлик ҳодисаси юзага келади. Масалан: *Тўлаган ва Тўлан; Иноятулло ва Иноят, Иной, Инот; Сарвинисо ва Сарвиш, Сарви, Сарбиш; Ойпошша ва Ойпош; Ҳуринисо ва Ҳури, Ҳуриш* ва бошқалар.

9. Шева ва лаҳжалараро ономастик вариантлар мавжуд бўлиб, улар ўша шева ҳамда лаҳжа тизимида адабий норма нуқтаи назаридан баҳоланмайди ва бартараф қилинмайди. Уларни норматив баҳолаш бу номларнинг адабий тил доирасига ўтгандагина юз бериши мумкин. Демак, ономастик вариантларнинг адабий тил доирасидаги кўринишлари адабий норма нуқтаи назаридан баҳоланиши, шу билан бирга, меъёрланиши мумкин.

10. Ономастик дублетлар битта маънонинг (номлаш мотивининг) бирдан ортиқ – икки хил (ундан ортиқ) номлашидир. Масалан: *Худойберди // Худойдод // Тангриберди //*

Оллоберди // Ўғонберди ва бошқалар. Ономастик дублетлар битта тушунча, мотивга асосланувчи номларнинг турли даврларда, турли нуқтаи назардан, ўз ва ўзлашма имкониятидан фойдаланилган ҳолда ҳосил қилинган кўринишларидир. Ономастик дублетларни бартараф қилиш имкони йўқ, чунки уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос бўлиб, услубий номинатив асосга эга. Дублет деб ҳисоблаш мумкин бўлган исмлар бир жойга тўпланганида айнан бир маъно ифода этувчи номлардек таассурот тўғдиради, аслида бу исмларнинг ҳар қайсиси маълум минтақада (масалан, Хоразмда *Худойберган* исмининг кўплиги) маълум лаҳжа ёки шевада (масалан, *Тангриберди* қипчоқ шеваларида кўп учрайди), икки тиллилик шароит мавжуд ўринларда (масалан, *Худойдод* исми ўзбек-тожик аҳолиси биргаликда яшовчи ҳудудларда учрайди) қўлланилади. Демак, бу исмларнинг дублетлиги маъно, мотив жиҳатдан асосли бўлса-да, функционал жиҳатдан улардан бирини ортиқча шакл сифатида инкор қилиши мумкин эмас. Шу сабабли, ***Абдулло, Худойқул, Оллоқул, Тангриқул*** исmlарининг ҳар бири адабий тил доирасида мустақил ономастик бирлик сифатида яшаб келмоқда.

II БОБ

ИСМЛАРНИНГ ЛАҲЖАВИЙ ВА ЭРКАЛАШ-КИЧРАЙТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАРИАНТЛАР

1. Исмларнинг лаҳжавий ва эркалаш-кичрайтириш шакллари ҳамда уларнинг ўрганилиши

Тилнинг антропонимия тизими ниҳоятда мураккаб ҳодисалардан бўлиб, унга фақат адабий тил, адабий-норматив нуқтаи назардан ёндашиб бўлмайди. Чунки у турли ижтимоий-маънавий, коммуникатив-лисоний омиллар таъсирида ўзгариб, янгилашиб туради.

Маълумки, ҳар қандай тил доирасида у ёки бу даражада халқ шева ва лаҳжалари мавжуд. Тилнинг ушбу ижтимоий кўринишлари, одатда, адабий тилга қарама-қарши қўйилади, чунки адабий тилнинг меъёрлари шуни талаб қилади. Аммо антропонимик тизимни, унинг ономастик бирликларини тамоман адабийлаштириш, уни оғзаки тил, халқ шева ҳамда лаҳжалари таъсиридан тамоман холос қилиб бўлмайди. Бунга сабаб исмлар оилаларда, тил жиҳатдан ушбу оилалар мансуб бўлган лаҳжа ва шевалар муҳитида яратилади ҳамда болага берилади. Исм учун асос бўладиган апеллятив ва ундан ҳосил бўлган исмнинг ўзи ҳам номни яратган шахсларнинг маҳаллий тили хусусиятларига боғлиқ бўлади. Мана шу боғлиқлик исмларнинг, улар шаклининг нафақат адабий тил ва лаҳжалараро фарқини, балки шева ҳамда лаҳжалараро ўзгачиликларини юзага келтиради. Бу, асосан, икки ҳолатда кўринади:

а) исмларнинг қисқарган (торайган) шаклларининг мавжудлиги;

б) ўзбек антропонимик тизимида турли лаҳжаларга доир номларнинг мавжудлигидир.

Кўп ҳолларда миллий тиллардаги исмлар жамғармаси (фонди) «ўзбек исмлари», «тожик исмлари», «қозоқ исмлари» каби умумий тарзда тавсифланади. Бунда номларга умуман миллий тил фонди сифатида ёндашилади ҳамда антропонимия материалига ҳам адабий тил материали (исмларнинг адабий тил меъёрига мос тушувчи шакллари) ҳамда халқ тили – шева, лаҳжалар материали сифатида ёндашилади (Бунда маълум лаҳжа ва шеваларда учрайдиган исмлар ёки шаклан ҳамда лаҳжалар хусусиятига мос бўлган исмлар кўзда тутилади).

Кейинги пайтда антропонимик фонддаги исмларнинг адабий ва ноадабий кўринишларини фарқлашга интилиш юзага келди ҳамда антропонимларнинг лаҳжавий типлари, қатламларини **регионал (минтақавий) антропонимлар** деб юритиладиган бўлди ҳамда бунга доир баъзи кузатишлар юзага келди ва уларда минтақавий антропонимлар тушунчаси, минтақавий номларнинг асосий хусусиятлари тавсифланди¹⁶².

Лаҳжавий, яъни минтақавий антропонимларни умуман олганда уч хусусият характерлайди:

1. Исмнинг адабий тилдагидан фарқланувчи лаҳжавий шакли мавжуд бўлади: *Жаманбола* (адаб. **Ёмонбола**), *Қолбуви* (адаб. **Холбуви**) каби.

2. Бирор шева ёки лаҳжаларгина хос, яъни минтақавий исм учраши мумкин: **Ғуччи//Ғўччи** (қипчоқ шевасига хос), **Менгли** (қипчоқ шевасига хос), **Тўти, Тўтихон** (ўғуз шевасига хос), **Сўна, Сўнахон, Сўнажон** (ўғуз шевасига хос) ва бошқалар.

¹⁶² Бегматов Э.А., Саттаров Ғ. Диалектные элементы узбекской региональной антропонимии // Ономастика Узбекистана. Тезисы II Республиканской конференции. – Ташкент, 1989. – С. 113-114.; Бегматов Э., Нуриддинова Р., Рахимов С. Проблемы узбекской региональной антропонимии // Актуальные проблемы языкознания. Сборник научных трудов. Международного казакско-турецкого университета имени Ходжа Ахмеда Ясави. – Ташкент, 1998. – С. 37-41.

3. Лаҳжа ҳамда шеваларда исмлар аксарият ҳолда қисқарган шаклда қўлланади.

Исмларнинг эркалаш-қисқартириш шакллари (вариантлари) асосан халқ тили шеваларида юзага келади. Бу икки ҳолатда кўзга ташланади:

1) мана шундай шаклларнинг шевавий фонетик қонуниятларига мослаштирилганида;

2) қисқарган шаклларнинг шевалараро фарқ қилинишида: (**Жуман** – қипчоқ шевасида ва **Жумми** – ўғуз лаҳжасида) **Шэрна** (*Шерназар*), **Шэппъ** (*Шарифа*), **Режап**, **Режаб** (*Ражаб*, *Ражабали*), **Жуммъ**, **Жумак**, **Жумаш** (*Жуманиёз*, *Жуманазар*) каби.

Ўзбекча исмларнинг эркалаш-кичрайтириш ва қисқартириш шаклларига биринчилардан бўлиб, эътибор берган тадқиқотчи проф. Ф.Абдуллаев бўлди. У 1960 йилда «Киши номларининг қисқариш усуллари» номли мақоласини эълон қилди¹⁶³. Кейинчалик эса «Хоразм шевалари» ишида исмларнинг Хоразм шевасида учрайдиган қисқариш шаклларига оид материалларни берди¹⁶⁴.

Кейинчалик мана шу ҳодиса таниқли тилшунос А.Ишаевнинг иккита мақоласида Манғит шевасидаги антропонимик материал асосида қисқача таҳлил қилинди¹⁶⁵. Ушбу муаллиф «қисқариш» термини ўрнида «торайиш» терминини қўллайди. Манғит шевасида шаклан торайган қуйидаги исмларни келтирган: **Мэтақ** (*Матяқуб*), **Мэрръм** (*Муҳаммадраҳим*), **Қурйоз//Қурбийаз** (*Қурбонниёз*), **Қутым** (*Қутлуғмурод*), **Джумйаз** (*Жуманиёз*), **Джумат** (*Жумаммурот*), **Баққы//Баҳо** (*Баҳодир*), **Палйаз//Паллы** (*Полвонниёз*),

¹⁶³ Абдуллаев Ф. «Киши номларининг қисқариш усуллари»//Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1960. 3-сон. – Б. 34.

¹⁶⁴Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 106-109.

¹⁶⁵ Ишаев Аҳмад. Манғит шевасига оид кузатишлар//Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 229-234.

Адол//Адиш (*Адолат*), **Зуммъ//Зумиш** (*Зумрат*), **Дурпэш** (*Дурдиношша*), **Сана//Сануш** (*Санобар*)¹⁶⁶ каби.

Тилшунос Ф.Абдуллаев юқорида тилга олинган мақоласида исмларнинг Жанубий Хоразм лаҳжасида учрайдиган **Қурака** (*Қурбонбой ака*), **Сапэкэ** (*Сафарбой ака*), **Бавже** (*Бобожон*), **Шэрэкэ** (*Шеримбат ака*), **Мешэкэ** (*Машариф ака*), **Атэкэ** (*Отабой ака*), **Алэкэ** (*Оллаберган ака*) шаклларини келтирган. А.Ишаевнинг кузатишлари бундай қисқартма шакллар Манғит шеваларида учрамаслигини кўрсатган¹⁶⁷.

А.Ишаев М.Кошғарийнинг сўзларни торайтиришдан мақсад «талаффузда осон, енгиллик бўлиши учун»¹⁶⁸ деган фикрига қўшилар экан, қуйидагича хулоса қилади: «Ҳақиқатан ҳам товуш ва товушлар бирикмасини тушириб талаффуз этиш билан боғлиқ бўлган сўзларнинг торайиши, қисқаришига сабаб бўлган факторлардан бири нутқ органларининг енгил ҳаракатига интилиш натижасида талаффуз темпида артикуляцион енгилликнинг вужудга келишидир»¹⁶⁹.

Э.А.Бегматов ўзбек антропонимиясини тадқиқ қилар экан, исмларнинг қисқариш хусусиятларига ҳам тўхталган. Бу хусусида муаллиф қуйидагиларни ёзади: «Ўзбек антропонимияси шуни кўрсатдики, исмларнинг қисқариши икки объектив эҳтиёж туфайли юзага келади:

1) кишига эркалаш муносабатида бўлиш ва буни унинг исми орқали ифодалаш;

2) талаффузи қийин (айниқса, ўзлашма қўшма исмлар)нинг талаффузини осонлаштириш мақсадида, масалан: **Сарвинисо**,

¹⁶⁶ Ишаев Аҳмад. Манғит шевасида сўзларнинг торайиши//Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1962. 3-сон. – Б. 24-27.

¹⁶⁷ Ишаев Аҳмад. Манғит шевасида сўзларнинг торайиши//Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1962. 3-сон. – Б. 26.

¹⁶⁸ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. I. – Тошкент: Фан. – Б. 69.

¹⁶⁹ Ишаев Аҳмад. Манғит шевасида сўзларнинг торайиши//Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1962. 3-сон. – Б. 27.

Тожинисо, Муҳаммад исмлари Сарви, Тожи, Мамад тарзида қисқартирилишидир»¹⁷⁰. Ушбу муаллиф қисқартирилган исмларга қўшилувчи аффикслар ҳамда уларнинг бирикиш усулларини ҳам кенг таҳлил қилган¹⁷¹.

Э.Бегматов ўзбек исмларининг қисқарган ҳамда эркалаш-кичрайтиш шаклларига исмлар имлосини тадқиқ қилиш ва меъёрлаш имкониятларини ўрганиш муносабати билан тўхталган, уларни имловий нормалар нуқтаи назаридан баҳолаган¹⁷².

Мазкур фикрга биз ишимизнинг навбатдаги саҳифаларида ўрни билан қайтамиз. Ўзбек исмларининг қисқариш шакллари ҳамда бунга доир материаллар Хоразм минтақавий антропонимияси мисолида С.Раҳимов томонидан қисман ўрганилган¹⁷³. Муаллиф бунга доир материалларни диссертациясига илова қилган¹⁷⁴.

Юқорида келтирилган ишларнинг аксариятида антропонимларнинг қисқарган ҳамда эркалаш шакллари номларининг ҳосил бўлиши, антропонимларнинг фонетик ва ясаиш хусусиятлари, лаҳжавий белгилари, қолаверса, имловий нормалаш имкониятлари нуқтаи назаридан ўрганилган, аммо вариантдорлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган эмас. Биз исмларнинг тилга олинган шаклларига кейинги муаммо нуқтаи назаридан ёндашамиз.

¹⁷⁰ Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка: автореф. дисс. филологических наук. – Ташкент, 1965. – С. 21.

¹⁷¹ Бегматов Э. Келтирилган иш. – Б. 22.

¹⁷² Бегматов Э. Киши номлари имлоси. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 25-31.; Ўша муаллиф. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Ўз СЭ. 1990. – Б. 14-17.

¹⁷³ Раҳимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси: филол. фанлари номзоди диссерт. автореферати. – Тошкент, 1998. – Б. 132-150.

¹⁷⁴ Раҳимов С. Кўрсатилган иш. – Б. 132-150.

2. Исмларнинг қисқариш ҳамда эркалаш-кичрайтиш вариантлари

Олдин ҳам қайд қилинганидек, атоқли отларнинг аксарияти, айниқса, киши номлари кўпсонли оилалар даврасида, ушбу оилага мансуб бўлган кишилар, хилма-хил шева ҳамда лаҳжалар қуршовида пайдо бўлади. Шу туфайли исмлар тил маҳсули, тил мулки, тилнинг воситалари тизимига мансуб лисоний бирлик сифатида маҳаллий тил ҳамда шеваларнинг лисоний хусусиятларига бўйсунди ва мослашади. Исмларнинг маҳаллий-лисоний боғлиқлиги уларда маълум ҳудудга хос, ўша ҳудуд аҳолиси тили хусусиятларини гавдалантирувчи номларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Мана шу нуқтаи назаридан минтақавий антропонимияга, бошқача қилиб айтганда, лаҳжавий (диалектал) антропонимияга уч хусусият хосдир:

1) исмларнинг маҳаллий шева фонетикасига бўйсунishi, яъни номнинг лаҳжавий шаклига эгаллиги;

2) у ёки бу лаҳжага хос баъзи исмларнинг мавжудлиги;

3) исмларнинг эркалаш-кичрайтириш шакллариининг типик ҳодиса эканлиги ҳамда булар номнинг, яъни исмнинг хилма-хил қисқарган шакллариини туғдириши ва б.

Исмларнинг эркалаш-қисқартириш шакллари битта ва ундан ордан ортиқ, яъни тўрт-бешгача шаклларга эга бўлиши мумкин. Бу номнинг икки хил вариантини туғдиради:

а) исмнинг адабий ҳамда лаҳжавий шакллари орасидаги вариантлик;

б) исмнинг бирдан ортиқ бўлган эркалаш-қисқартириш шакллари орасидаги вариантлик. Қуйида биз исмларнинг юқорида қайд қилинган вариантларига тўхталамиз.

3. Исмларнинг луғавий-лаҳжавий вариантлари

Ушбу тип вариантларда исм ўзи мансуб шевага хос шаклга эга бўлади ҳамда улар номнинг адабий тилга мослашган шакли билан вариантликни ташкил қилади. Чунончи:

Шевадаги шакли	Адабий тилдаги шакли
Ул, Улой	Ўғил, Ўғилой
Улбиби	Ўғилбиби
Улбу, Улбуви	Ўғилбу, Ўғилбуви
Рисбой, Рисқул	Ирисбой, Ирисқул
Уллибиби	Улуғбиби
Жавлов, Жавловбой	Яйлов, Яйловбой
Жарқул	Ёрқул
Нуржов	Нурёғ
Нуржовул	Нурёғди
Жарқин	Ёрқин
Жалғош	Ёлғош
Жўлмат	Йўлмат
Толлой	Тотлиой
Толлибой	Тотлибой
Улбўсин	Ўғилбўлсин
Улбўс	Ўғилбўлсин
Ултув	Ўғилтуғ, Ўғилтуғар
Улой	Ўғилой
Жавбўри	Ёвбўри
Қоржов	Қорёғ, Қорёғди
Жарлиқоб	Ёрлиқолиб
Тўпа, Тўфахон	Тухфа, Тухфахон
Тўпанисо	Тухфанисо

Келтирилган исмлар, асосан, ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида учрайдиган номлардир. Мана шу каби исмларнинг баъзи намуналари ўғуз шеваларида ҳам мавжуд. Чунончи:

Ўғуз шевасидаги шакли	Адабий тилдаги шакли
Уллибийи	Ўғил, Ўғилой
Шодурди	Шохтурди
Уллижон	Улуғжон
Хударган	Худойберган
Рўзимбой	Рўзимуҳаммад
Райимбой	Раҳимбой
Дўсгалди	Дўсткелди
Дурдигул	Турдигул
Ганжабой	Кенжабой
Галдибой	Келдибой
Дўччон	Дўстжон
Бакварган	Бекберган
Авадан	Ободон ва бошқалар.

Юқорида қайд қилинган номлар исмларнинг шевадаги фонетик вариантга ўхшаб кўрингани билан, аслида, улар ўша шевага хос бўлган, оригинал антропонимик бирликлардир. Ушбу тип номларни адабийлаштириш, яъни адабий шаклга айлантириш, уларнинг диалектал хусусиятини бартараф этишга интилиш сунъийликка олиб келади, чунки шева вакиллари, маҳаллий аҳоли исмининг адабийлашган шаклига кўникмаган ҳамда уни адабий шаклда қабул қила олмайди. Бу ўринда таниқли номшунос Э.А.Бегматовнинг қуйидаги фикрларини эътироф қилиш ўринлидир: «Албатта, номлар имлосида биринчи ҳолатга амал қилиш (масалан, «Дурди»ни Турди деб ёзиш – Р.Х.) ва ёзувга исмларнинг диалектал вариантларини адабий орфография нормаларига мослашга интилиш мақсадга мувофиқдир. Лекин, ҳеч шубҳасиз, бундай ўзгариш, маълум шева вакили бўлмиш исм эгаси учун эриш туюлади. Иккинчидан эса, исмларнинг белгили диалект учун стабил ҳолатга айланган шундай диалектал шакллари учрайдики, уларни адабий тил нормаларига мослаш анча қийинчилик туғдиради. Масалан:

*Жакабек, Жайноқ, Жаннас, Жанагул, Жарилхон, Жармахон, Жовбўри, Жовқон, Қоржовди, Қоржовул сингари»*¹⁷⁵.

Демак, келтирилган тип исмларни ўзбек диалектал антропонимиясининг ўзига хос луғавий бирлиги сифатида тан олишга ҳамда номларнинг изоҳи ва имловий вариантларига ўша шаклда киритишга тўғри келади. Масалан: «Исмлар таркибида маҳаллий шароит ҳамда шевалар талаффузи билан боғлиқ анчагина номлар мавжудки, улар муайян адабий тил талаффузи ва имлосидан чекланганлигини кўрамиз. Чунончи, адабий тилда *яйрасин, яйра, ёлғон* сўзлари келтирилган шаклда доимо бир хилда ёзилади. Аммо исмлар **Ёлғош ва Жолғаш, Яйрасин ва Жайрасин, Ёмонбой ва Жаманбай** шаклида ҳам учрайди, уларни ўша шаклда ёзишга ҳам тўғри келади»¹⁷⁶.

4. Исмларнинг қисқарганган вариантлари

Сўзларнинг, айниқса, шаклан узун сўзларнинг қисқариши ҳамда шаклан ихчамлашуви ўзбек тилида мавжуд ҳодисадир. Айниқса, бу ҳолат сўзлашув услубида ва оғзаки талаффузда ёрқин намоён бўлади: *ма (мана), алволди (олиб олди), ёзворди (ёзиб юборди), опке (олиб кел), ҳечам (ҳеч ҳам), шуюм (шу ҳам)* ва бошқалар.

Барча тиллар каби ўзбек тилида ҳам қисқариш ҳодисаси, айниқса, тилнинг антропонимияси тизимида сермахсул бўлиб, ўзига хос хусусиятларига эга. Мазкур ҳодисани ўзбек тилшунослари «қисқариш» (Ф.Абдуллаев, Э.Бегматов), «торайиш» (А.Ишаев), «ном қисмларининг узилиши» (Э.Бегматов), «Эркалаш-кичрайтириш шакллари» ҳамда бошқа хил терминлар билан юритишмоқда. Биз ўзимизнинг мазкур

¹⁷⁵ Бегматов Э. Киши номлари имлоси. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 25.

¹⁷⁶ Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. – Б. 13.

ишимизда «қисқариш» ва «эркалаш-кичрайтириш шакллари» терминларидан фойдаланишни маъқул кўрамиз.

Исмларнинг қисқариши ҳақида гап борар экан, ушбу ҳодиса икки ҳолат билан боғлиқ эканини қайд этиш лозим бўлади:

1) номни талаффуз учун қулай шаклга келтиришга интилиш;

2) болани унинг исмини айтиб эркалаш, суюш туфайли исм шакли ўзгаришга учрайди.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам исм ўз асл шаклидан бошқача шаклга ўтади. Бундай ўзгаришлар исм таркибидаги маълум қисмнинг (компонентнинг, бўғиннинг, товушнинг) туширилиши ҳисобига юз беради. Юқорида келтирилган терминлар билан ифодаланадиган бўлса, ном шакли сиқилади, яъни қисқаради ёхуд шаклан торайишга учрайди. Мазкур жараён ном таркибидан муайян талаффуз қонуниятлар асосида бирор бўлакнинг, элементнинг сиқиб чиқарилишига сабаб бўлади. Бунда икки усул кўзга ташланади:

1. Исмнинг бирор қисмининг тушурилишига асосланган антропонимик вариантлар.

2. Исм қисми (қисмлари)нинг қисқаришига асосланган антропонимик вариантлар.

Исм қисмларидан бирининг тушиб қолиши номнинг турли позицияларида юз бериши мумкин, булар қуйидагича:

1. Исмнинг бош қисми (компоненти) тушурилади:
абу//абди: *Абдувоҳид>Воҳид, Абдужаббор>Жаббор, Абдураззоқ >Раззоқ, Абдуҳолиқ>Холиқ;*

-абу//абул: *Абутолиб>Толиб, Абулҳофиз>Ҳофиз, Абуҳасан >Ҳасан, Абумуслим>Муслим, Абулҳоди>Ходи;*

-або: *Абобакир>Бакир, Абобашир>Башир;*

-берди: *Бердимурот>Мурот, Бердималик>Малик, Бердиқич >Қилич, Бердиолим>Олим, Бердирасул>Расул каби.*

2. Исмнинг иккинчи қисми (компоненти) тушади:

-иддин: Асрориддин>Асрор, Асомиддин>Асом,
Билолиддин>Билол, Бадриддин>Бадр, Жалолиддин>Жалол,
Жамолиддин>Жамол, Зайнабиддин>Зайнаб, Исомиддин>Исом,
Каромиддин>Каром, Мазҳариддин>Мазҳар, Нажмиддин>Нажм,
Низомиддин>Низом, Рамзиддин>Рамз ва бошқалар.

-улла//улло//илла: Асадулла>Асад, Бахшулла>Бахш,
Бақоулла>Бақо, Валиулла>Вали, Васфулла>Васф,
Жунайдулла>Жунайд, Зарифулло>Зариф, Зобирулла>Зобир,
Иззатилла>Иззат, Муҳибулло>Муҳиб, Неъматилло>Неъмат,
Нусратилло>Нусрат, Субҳонулло>Субҳон, Халиулла>Халил,
Ҳабибулло>Ҳабиб, Суннатилла> Суннат ва бошқалар.

-нисо//ниса: Ақчанисо>Ақча, Бахринисо>Бахри,
Бахтинисо>Бахти, Зебинисо>Зеби, Лутфинисо>Лутфи,
Меҳринисо>Меҳри, Тожинисо>Тожи, Тотлинисо>Тотли,
Тўтинисо>Тўти, Тўхтанисо>Тўхта, Уллиниса>Улли,
Хайриниса>Хайри, Ҳуринисо>Ҳури ва бошқалар.

Юқорида келтирилган тип номлар таркибидаги **-нисо** қисми ҳам туширилавермайди. Бизнинг кузатишларимиз мазкур компонент бир қатор номларда қисқартирилмасдан тўлиқ айтилиши ёки қўлланишинини кўрсатади. Бунинг икки сабаби борга ўхшайди: биринчиси, **-нисо** туширилса, қолган қисм исм ҳосил қилмайди, яъни ўзбек тилида ана шундай шаклдаги аёллар исми мавжуд эмас. Масалан, *Суйди (нисо)*, *Боғи (нисо)*, *Гулоб (нисо)*, *Зулфи (нисо)*, *Ой (нисо)*, иккинчидан, **-нисо** қисми туширилгач, қолган қисм ўзбек тилида эркаклар исми сифатида қўлланилади, аммо ана шу шаклда аёллар номига ўтмайди. Масалан: *Ҳожи (нисо)*, *Фаҳри (нисо)*, *Шоди (нисо)*, *Сайди (нисо)*, *Бўри (нисо)*, *Мели (нисо)*, *Парда (нисо)*, *Пирим (нисо)*, *Раҳми (нисо)*, *Нури (нисо)*, *Умри (нисо)* ва бошқалар.

-Берди//берган компонентлари. Ушбу қисм қўшма исмларнинг биринчи ёки иккинчи компоненти бўлиб кела олади

ҳамда ҳар икки ҳолатда ҳам мазкур қисмларнинг туширилиши ҳолатини кузатиш мумкин:

-«**Берди**» компоненти исмларнинг бош қисмида келганда туширилиш ҳолатига юқорида тўхталдик. «**Берган**» компоненти эса исмларнинг охириги қисми бўлиб келади. Бу ўринда мазкур қисмларнинг исм охирида келган ҳолларида туширилиши ва бундан юзага келган исм шаклининг ном тўлиқ шаклига нисбатан антропонимик вариант ҳосил қилишига далиллар келтирамиз. Ҳозирги тилда учрайдиган *Берди, Бердивой, Бердибек, Бердиқул* исмлари, аслида, ушбу қисм иштирок этган қўшма номларнинг қисқаришидан, асосий қисмнинг тушиб қолишидан юзага келган.

Ушбу қисмларнинг исм таркибида келишига хос хусусият шундаки, баъзи шаклан тўлиқ исмлар таркибида фақат «**берди**» сўзи келади, бир қатор номларда эса асосий компонентга «**берди**» ҳамда «**берган**» қисмлари баробар қўшилаверади. Қуйида «**берди**» қўшилган исмларни келтирамиз: *Авазберди, Азизберди, Азимберди, Анушберди, Тўланберди, Зубайберди, Мангуберди, Ниёзберди, Норберди, Нурберди, Остонберди, Охунберди, Ростберди, Салимберди, Сойберди, Сойинберди, Субҳонберди, Сувонберди, Умрберди, Хидирберди, Холберди, Тилабберди, Туронберди, Тўқберди, Шерберди, Шоберди, Шукурберди, Шўхберди, Элберди, Қулберди* ва бошқалар.

Таркибида «**берган**» компоненти келувчи исмлар миқдоран кўп эмас, масалан: *Қодирберган, Отаберган, Пўлатберган, Сувонберган, Унабберган, Ўтабберган* ва бошқалар.

-**Берди//берган** компонентлари битта исм негизига параллел қўшила олади ва бунда исмнинг тўлиқ шакли билан унинг қисқарган шакли орасида вариантлар ҳосил бўлади. Масалан: *Берди ва Худойберди; Берган, Берганбой ва Худойберган; Берган ва Каримберган; Берган ва Жабборберган* каби.

Қуйида «-берди» ва «-берган» исмлари параллел қўшилган исм-негизларини келтирамиз: *Бекберган* ва *Бекберди*, *Жобборберган* ва *Жобборберди*, *Каримберган* ва *Каримберди*, *Мавлонберган* ва *Мавлонберди*, *Оллоберган* ва *Оллоберди*, *Оқберган* ва *Оқберди*, *Раззоқберган* ва *Раззоқберди*, *Расулберган* ва *Расулберди*, *Раҳмонберган* ва *Раҳмонберди*, *Розиқберган* ва *Розиқберди*, *Саидберган* ва *Саидберди*, *Саломберган* ва *Саломберди*, *Сатторберган* ва *Сатторберди*, *Худойберган* ва *Худойберди*, *Холиқберган* ва *Холиқберди*, *Тангриберган* ва *Тангриберди*, *Тиловберган* ва *Тиловберди*, *Хўжаберган* ва *Хўжаберди*, *Шоҳберган* ва *Шоҳберди*, *Эгамберган* ва *Эгамберди*, *Қодирберган* ва *Қодирберди*, *Ғаффорберган* ва *Ғаффорберди*, *Ҳақберган* ва *Ҳақберди* ҳамда бошқалар.

Келтирилган ҳолатларда антропонимик вариантдорлик учта хусусиятда кўринади:

а) исмнинг тўлиқ шакли билан унинг қисқарган варианты вариантдорликни юзага келтиради, масалан: *Берди* ва *Ғаффорберди*; *Берди* ва *Қодирберди*; *Берди* ва *Сатторберди* каби;

б) «-берди» ва «-берган» қисми исмлар «кимдир болани ато қилган», унга эриштирган маъносида моҳиятан дублет – вариантлардир: *Худойберди*//*Худойберган*; *Тангриберган*//*Тангриберди*;

в) «-берди» компоненти номнинг биринчи ёки иккинчи компоненти бўлиб келганида моҳиятан бир хил мотиватив маъно англатади: *Бердиниёз*//*Ниёзберди*; *Бердиназар*//*Назарберди*; *Бердирахмон*//*Раҳмонбарди*; *Бердимавлон*//*Мавлонберди*; *Бердихол*//*Холберди*; *Бердирасул*//*Расулберди* каби.

«-Ёр» компоненти: ушбу компонент бир қатор исмларнинг биринчи ҳамда иккинчи компоненти бўла олади ва айрим ҳолларда исмларнинг шаклий вариантларини юзага келтиради, масалан: *Ёрали*//*Алиёр*; *Ёрахмад*//*Ахмадёр*; *Ёрбобо*//*Бобоёр*; *Ёрмамат*//*Ёрмухаммад*; *Ёрхол*//*Холиёр* ва бошқалар.

Юқорида келтирилган вариантлар моҳиятан бир мотиватив маънога эга. Масалан: *Алиёр* ва *Ёрали* исмларида «**Алиёр** – мададкор бўлиб, қўллаб юрсин» дейилган мазмун ифодалаган. Аммо «**ёр**» сўзи исмларнинг биринчи ёхуд иккинчи қисмини ташкил қилган барча ҳолларда ҳам вариантдорлик ҳосил бўлавермайди. Булар қуйидаги исмларда кўринади, масалан: *Асфандиёр, Бахтиёр, Бердиёр, Бойёр, Буваёр, Бўтаёр, Валиёр, Давлатёр, Дониёр, Дўстёр, Дўстиёр, Жумаёр, Жуманёр, Исматёр, Келдиёр, Исаёр, Калдиёр, Муллаёр, Мусаёр, Облаёр, Оллоёр, Олтиёр, Оллонёр, Отаёр, Оқёр, Полиёр, Сайёдёр, Сайдиёр, Севдиёр, Тожинор, Холдиёр (Холлиёр), , Холиёр, Худоёр, Худёр, Худойёр, Хўжаёр, Хўжамиёр, Чорёр, Чориёр, Шахриёр, Шодёр, Шодиёр, Элёр, Элкиёр, Эслиёр, Кўзиёр* ва бошқалар.

Келтирилган қўшма исмлар компонентларининг ўрнини алмаштириб бўлмайди, бундай қилиш номнинг маъно ва тузилишига шикаст етказди, шу билан бирга, сўзнинг апеллятивлик хусусиятидан жудо бўлади.

Юқорида келтирилган исмларнинг вариантдорлиги юзасидан гапирилганда битта хусусиятни ҳисобга олиш лозим бўлади, у ҳам бўлса, яъни вариант номларнинг ономастик тизимда вариант сифатида мавжуд бўлиши ҳамда исмнинг конкрет шахснинг исми бўлиб келган ҳолатдаги вариантдорлигидир.

Биринчи ҳолатга кўра *Тожи* ва *Тожинисо*, *Неъмат* ва *Неъматулла* каби шакллар ўзбек исмлари фондида, яъни ономастик тизимда захира вариант ҳолда мавжуд. Болага исм берувчилар мазкур вариантлардан ўзларига мақбул шаклини танлайди, яъни болани *Неъмат* ёки *Неъматулла* деб атайдди.

Иккинчи ҳолатга кўра эса *Неъматулла*, *Тожинисо* исмлари ном сифатида танланади, аммо кундалик амалиётда исм эгаси гоҳ *Тожинисо*, гоҳ *Тожи* (*Тожихон*) деб юритилади, исм вариант шаклга эга бўлади. Демак, бу ўринда исмларнинг тил тизимидаги

(тил сатҳидаги) тайёр восита сифатидаги вариантларини, функционал (нутқ сатҳи) вариантларидан фарқлаш лозим бўлади.

Умуман, ўзбек исмларининг эркалаш-қисқартириш вариантыда қуйидаги ҳодисалар кузатилади:

а) исм таркибидаги охирги бўғин туширилади, масалан: *Дурпош (ша), Ойпош(ша), Норпош(ша), Искан (дар), Саман (дар), Ойбу (ви), Сулай (мон), Ойсул (ув), Ойсул (тон), Ойтуғ (Ойтуғғон), Ойтуқ (қан), Зулфи (зор), Зулфи (қор), Зубай (Зубайда), Зубай (Зубайра), Оқмир (Оқмирза), Ойпош (Ойпошша), Холпош (Холпошша), Шобер (Шоберди), Шоҳис (Шоҳиста), Элбўл (син), Элмир (Элмирза) Хувай (Хувайдо)* ва бошқалар;

б) айрим вазиятларда исмнинг ўрта бўғини туширилади, масалан: *Ой(ни)са, Убай(ни)са, Сад(ул)ла, Нур(уни)са, Қул(ах)мад, Қул(ма)мат, Ғойиб(на)зар, Шер(ма)мат, Бек(ма)мат, Қўш(ма)мат, Жум(ани)ёз, Хўж(ани)ёз, Қурбон(ни)ёз, Эш(ма)мат, Эр(ма)мат, Хўжа(на)зар, Хўжа(ма)мат, Хол(ни)ёз, Хол(ма)мат, Ризо(ма)мат, Пир(ма)мат, Сай(фид)дин, Риз(ма)мат, Ёр(ма)мат, Нур(ма)мат, Камол(ид)дин, Камол(ад)дин, Жамол(ад)дин, Жамол(ид)дин, Жалол(ад)дин, Жалол(ид)дин, Ибод(ул)ла, Зайноб(ид)дин, Зай(нид)дин, Гул(ах)мат, Гул(ма)мат, Бобо(ни)ёз* ва бошқалар;

в) баъзан эса исм таркибидаги бирор товуш тушади, масалан: *Анзира(т), Ра(б)бинисо, Биб(и)нор, Був(и)айша, Си(д)диқа, Шо(б)дил, Су(б)ҳонқул, Бах(т)мурот, Бе(р)кин, Райхон(а), Дурдон(а), Жон(у)зоқ, Байза(қ)//Бойузоқ, Роби(а), Зў(х)ра, Ра(х)им, Тў(х)фахон, Сало(х)иддин, Шо(х)сувор, Сал(и)ҳа, Сол(и)жон, Элбў(л)син, Эшбў(л)син, Э(р)сари, З(у)вайдо, Пош(ш)ахон, За(х)ро, Поч(ч)ахон, Муҳай(ё), Шо(х)иста, Со(х)иб, Н(и)ёздурди, Шо(х)ниёз, Худ(о)ёр, Рўз(и)қул, И(з)зат, Э(х)сон, Ис(х)оқ, Ис(х)оқали, Гулче(х)ра, Мавжуд(а), Дилфуз(а), Ан(н)иёз, Амуршо(х), Ал(и)мурот, Ал(и)мирза, Мас(о)ат* ва бошқалар.

Исм бошидаги товушнинг туширилиши ҳодисаси ҳам мавжуд, бироқ кам учрайди. Бунга сабаб исмнинг шаклан бузилиб кетишига йўл қўймаслик бўлса керак, масалан: (X)афиза, (И)рисқул, (X)икмат, (X)айитжон, (X)айитбой, (У)марали, (X)акимбой, (X)айдар, (X)айдарбек, (X)айитқул, (X)ақбой, (М)аҳкам, (X)абибулла, (X)айитмат, (X)албой, (X)айитхўжа ва бошқалар;

г) жуда кам ҳолларда бўлса-да, исм таркибида бирор товуш орттирилиши учрайди, масалан: *Мадиёр (Мадёр), Оқибой (Оқбой), Ҳадия (Ҳадъя), Ўразмат (Рўзмат//Рўзимухаммад), Шапоҳат (Шафоат), Адаҳам (Адҳам), Абсоҳат (Абдусоат), Арслон (Арслон), Гиноят (Иноят), Гиляз (Иляс), Галлам (Оллам), Гали (Али), Валивулла (Валиулла), Жакбар (Акбар), Жакбарали (Акбарали), Дўсиёр (Дўсёр), Исроҳил (Исроил), Исмогил (Исмоил), Исиройил (Исроил)* ва бошқалар.

5. Исмларнинг эркалаш-кичрайтириш вариантлари

Аввалги саҳифаларимизда ҳам қайд қилинганидек, исмлар тилнинг фаол функционал лексикаси жумласига киради. Оилаларда, жамоаларда ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа барча соҳаларида инсон исми, фамилияси ҳар куни, ҳар онда кўп бор такрорланиб туради. Кишининг исмини тилга олиш расмий ва норасмий бўлиши мумкин. Бундай қўлланишларда норасмий ишлатишлар, яъни моддий, маънавий ва интим ҳолатлар устун туради. Шахснинг исмини айтиб, унга ҳурмат изҳор қилиш, яқинликни билдириш, уни эркалаш, суйиш мумкин. Айниқса, оналарнинг ўз фарзандини эркалаши, суюшганларнинг интим муомаларида исмни турли шаклларда ўзгартириб такрорлаш муҳим ўрин тутаяди. Чунончи, **Дилбар** исмини *Дилаш, Дилашим, Дилим, Дилишим* ва бошқа шаклларда талаффуз қилинади. Баъзи ҳолларда мана шундай эркалаш-суйиш туфайли исм тамоман

ўзгача шаклга кириб кетади ва унинг ўнлаб эркалалаш шакллари юзага келади.

Тилшуносликда исмларнинг келтирилган шаклларини «*исмнинг эркалалаш-кичрайтириш шакли*» ҳам деб юритилади. Бунга сабаб исмнинг ушбу шаклларида, бир томондан, баъзи исм тамоман қисқариб кичраяди. Чунончи, *Сарвинисо – Сарви, Сарбиш, Сарвим, Сарвишим, Сарбишим* ва бошқалар.

Исмларнинг қисқариши сабабли бўладиган иккинчи омил шаклан узун ёки талаффузи қийин исмларнинг айтилишини осонлаштириш, талаффуз органларига енгиллик туғдиришга интилишдир. Масалан, **Муҳаммадшукур** исмини *Мамаш, Мамашукур, Машукур* тарзида қисқартириш ушбу мақсад натижасидир. Худди шунингдек, **Рўзимухаммад** исмининг *Рўзи, Рўззи, Рўзмат, Рўзим, Рўзиш, Рўзмамат, Рўзиммат, Ўрозмат, Ўрозмамат* каби шаклларида мана шундай интилиш ифодаланган.

Сўзларнинг талаффузининг қисқартириш, аслида, моҳиятан тилнинг нутқий иқтисод қонуни билан ҳам боғлиқ. Бунга кўра сўз шаклининг қисқартирилиши ҳамда қисқа айтилиши, бу туфайли талаффузи осонлашиши, нутқий жараёнда овоз ва талаффуз учун кетадиган вақтни тежашга интилиш билан боғлиқдир. Шу сабабли тилнинг нутқий иқтисод қонуни махсус тадқиқотлар талаб қилувчи мураккаб муаммодир.

Биз қуйида, умуман, ўзбек антропонимияси материаллари, жумладан, Хоразм аҳолиси исмлари материаллари асосида исмларнинг қисқариш хусусиятларини таҳлил қиламиз.

Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ўзбек антропонимиясида битта исм бир ва ундан ортиқ вариантларда қисқариши мумкин. Қуйида ушбу хусусиятни келтирамиз. Ҳавола этилаётган далиллар, яъни исмларнинг қисқариш миқдори шахс номини қисқартириб айтувчининг хоҳиши ҳамда топқирлигига, шунингдек, исми қисқартириш имконияти ва чегарасига кўра

кам ёки кўп бўлиши мумкин. Шунингдек, ушбу ҳолат исм яшаётган муҳит, лаҳжа ва шеваларнинг хусусиятига, маҳаллий аҳолининг боланинг исмини айтиб эркалаш анъаналарининг хусусиятларига ҳам боғлиқдир.

Исмнинг тўлиқ шакли	Исмнинг қисқарган шакли
1. Бир вариантли қисқартма исмлар:	
Полвонниёз	Полёз
Субҳон	Субҳи
Ўғилбўлсин	Улбўс
Ўринпошша	Ўриш
Аннасиҳат	Аннат
Бахтиёр	Бахти
Бобошукур	Бобаш
Оғабой	Оғғи
Оташукур	Оташ
Отаназар	Отан
Дадахон	Дадаш
Бахтигул	Бахтуш
Алишер	Алиш
Гавҳар	Гавви
Гулшод	Гулиш
Жоббор	Жобби
Зулфия	Зулфиш
Интизор	Интуш
Нилуфар	Нилуш ва бошқалар.
2. Икки вариантли қисқартма исмлар:	
Оллаберган	Оллак, Олла
Каримбой	Керри, Керим
Жобборберган	Жобби, Жобоқ
Рўзибека	Рўзка, Рўзика
Сайидниёз	Сетёз, Сейтёз
Жуманазар	Жумми, Жуман
Бобониёз	Баниёз, Банниёз
Зухра	Зўра, Завра

Мавжуда	Мавжи, Мажжи
Онагул (Анагул)	Анни, Ануш
Абдумуҳаммад	Абдумамат, Абдумат
Абдуазиз	Абдаз, Абдаззи
Абдуазим	Абдаз, Абдазим
Интизор	Инти, Интуш
Забибулло	Заби, Забил
Жумақул	Жумак, Жумақ
Жаҳонниёз	Жониёз, Жонниёз
Бобомуҳаммад	Бумат, Бувамат
Гулмирза	Гўмир, Гулмир ва бошқалар.
3. Уч вариантли қисқартма номлар	
Худойберган	Худди, Хударган, Худирган
Нуриёз	Нунни, Нунёз, Нуниёз
Муҳаммадқурбон	Матти, Матақ, Матқурбон
Муҳаммадёр	Мадди, Мадёр, Мадийёр
Зайниддин	Зайни, Зайнин, Зайнон ва бошқалар.
4. Тўрт вариантли қисқартма номлар	
Раҳимбой	Раимбой, Рембой, Рийимбой, Рейимбой
Жуманазар	Жумми, Жумак, Жуман, Жумаш
Абдураҳим	Абдрим, Абдирим, Абирим, Абдураим
Абдуллажон	Аби, Абил, Абилбой, Абилжон
Абдушукур	Абиш, Абуш, Абдуш, Адиш
Бектурди	Бек, Бектур, Бактур, Бекки
Бобожон	Бўжжи, Бажан, Божи, Божжи
Бобониёз	Бўёз, Баёз, Буваёз, Бобон
Баҳодир	Ба:др, Бадир, Бақаш, Баққи
Рўзимуҳаммад	Рўзи, Рўзмат, Ўразмат, Аразмат ва бошқалар.
5. Беш вариантли қисқартма номлар	
Муҳаммад	Мамат, Мамад, Мама, Маммад,

	Маммат
Бекназар	Бекки, Бекназ, Бенноз, Бекна, Бекми
Жуманиёз	Жумми, Жума, Жуман, Жуммон, Жумаш
Ёрмухаммад	Ёрми, Ёрим, Ёрмат, Ёрмамат, Жармат
Жонузоқ	Жоним, Жоноқ, Жаноқ, Жанак, Узоқ
Абдужаббор	Жоби, Жобби, Жабби, Жаббор, Жабор
Қулмухаммад	Қули, Қулим, Қулиш, Қулмат, Кулмат
Бобожон	Бова, Божжа, Божжи, Бо:жон, Бўжжи ва бошқалар
6. Олти вариантли қисқартма номлар	
Муҳаммадраҳим	Мадди, Мадрим, Мадирим, Мадраим, Мамараҳим, Мадраҳим
Бекмухаммад	Бек, Бегим, Беким, Баки, Бемат, Беймамат
Муҳаммадниёз	Матиёз, Матниёз, Маманиёз, Матёз, Матти, Ниёз
Муҳаммадкарим	Мати, Матти, Маткарим, Карим, Мамак, Маматкарим
Отажон	Отти, Оташ, Отан, Отуш, Отчи, Оччи
Қурвондурди//Қурбондурди	Қурвон, Қурри, Қури, Қувоқ, Қумми, Қурам
Муҳаммадшариф	Маши, Машши, Машиш, Машрип, Машарип, Машариф ва бошқалар.
7. Етти вариантли ва ундан ортиқ бўлган қисқартма номлар	
Рўзимуҳаммад	Рўзи, Рўззи, Рўзиш, Рўзим, Рўзмат, Рўзимат, Рўзиммат,

	Ўразиммат, Ўразмат
Муҳаммадраҳим	Мади, Мадди, Мадиш, Марим, Мадрим, Мадирим, Мадраҳим, Мамараим, Мараим
Муҳаммадниёз	Матёз, Матиёз, Матти, Маташ, Матиш, Матниёз, Маманиёз
Ҳайитмуҳаммад	Айтмад, Айтмат, Айтиммат, Айтмамад, Айтмамат, Ҳайтмат, Ҳайтиммат
Бекназар//Бейназар	Беки, Бекки, Бекиш, Беким, Бенни, Бейни, Бекназ, Бекноз ва бошқалар.

Исмларнинг қисқариш вариантлари исмни эркалаш-кичрайтириш жараёнининг қандай кечишига боғлиқ. Бироқ бунда ҳам номни қисқартиришнинг чегараси тил тизими йўл қўювчи лисоний имкониятларга таянади. Масалан, ном ва унинг тўлиқ шаклини тиклаш шакли бор даражада қисқариши (*Рўзмат, Рўзмамат//Рўзимуҳаммад; Олломи//Олламурод*) ёки тўлиқ шаклдан тамоман узоқлашган шаклда қисқариши (*Бувақ, Бувоқ//Бобоқул; Чаваш, Чавам//Шавкат*); *Ғағай//Ғайрат* мумкин. Кейинги ҳолатда исмнинг қисқаришига учраган тўлиқ шакли кўпчилик учун тушунарсиз бўлади ҳамда у ўша исмни эркалаш орқали қисқартирган шахсгагина маълум бўлади.

Бизнинг кузатишларимиз, умуман, ўзбек антропонимиясида, жумладан, Хоразм аҳолиси исмларида қисқариш ҳодисасида маълум хусусиятларга амал қилишни кўрсатди. Бунда исмнинг маълум қисми талаффуз жараёнида туширилади ва ном қисқариш шаклига ёки ўзгачароқ шаклга киради. Кузатишлар қисқариш кўпроқ қўшма номларда, айрим ҳолларда эса содда тузилмали номларда ҳам юз беришини кўрсатади.

Қисқариш туфайли тушадиган қисм, бўғин ёки бўғинлар исмнинг барча ўринларида юз бериши мумкин. Биз қуйида мана шу ҳолатни далилловчи материалларни келтирамиз:

1. Қисқариш исмнинг бош қисмида юз беради:

Исмнинг тўлиқ шакли	Исмнинг қисқариш тарзи	Исмнинг ҳосила шакли
Абдулазиз	А[бду]лаз[из]	Аллаз
Ҳайитаваз	[Ҳ]ай[ит]ваз	Айваз
Абдурашид	Аб[ду]рашит	Абрашит
Абдулхайр	Аб[дул]хайр	Абхайр
Абдусоат	Аб[ду]соат	Абсоат
Азизхўжа	Аз[из]хўжа	Азхўжа
Жаҳонгир	Ж[аҳ]онгир	Жонгир
Жаҳоной	Ж[аҳ]оной	Жоной
Муҳаммадазим	[Муҳам]мадазим	Мадазим
Муҳаммадориф	[Муҳам]мадориф	Мадориф
Муҳаммадазиз	[Муҳам]мадазиз	Мадазиз
Ҳожиали	[Ҳ]ож[и]али	Ожали

2. Қисқариш исмнинг ўрта қисмида юз беради:

Исмнинг тўлиқ шакли	Исмнинг қисқариш тарзи	Исмнинг ҳосила шакли
Хўжаберган	Хўж[абер]ган	Хўжирган
Худойберган	Худ[айбер]ган	Худирган
Худойберган	Худа[йбе]рган	Хударган
Рўзабека	Рўз[аб]ика	Рўзика
Полвонниёз	Пол[вонни]ёз	Полёз
Олланазар	Олла[на]зар	Оллазар
Муҳаммадниёз	[Муҳам]мад[ни]ёз	Мадёз
Азизбой	Аз[из]бой	Азбой
Оғамуҳаммад	Оға[муҳам]мад	Оғамад
Абдулхайр	Аб[дул]хайр	Абхайр

Абдуафзал	Абду[аф]зал	Абдузал
Бобониёз	Бобо[ни]ёз	Бобоёз
Азизхўжа	Аз[из]хўжа	Азхўжа
Бобохон	Бо[бо]хон	Бохон
Ваисниёз	Ваис[ни]ёз	Ваисёз
Жаҳонгир	Ж[аҳ]онгир	Жонгир
Жаҳоной	Ж[аҳ]оной	Жоной
Дўнанбой	Дўн[он]бой	Дўнбой
Зиёвуддин	Зиё[вуд]дин	Зиёдин
Дўлонбой	Дўл[он]бой	Дўлбой
Имомиддин	Имо[мид]д[ин]	Имод

3.

3.Қисқариш исмнинг охирида юз беради:

Исмнинг тўлиқ шакли	Исмнинг қисқариш тарзи	Исмнинг ҳосила шакли
Оллоназар	Оллон[азар]	Оллон
Оллошукур	Оллош[укур]	Оллош
Ойсоат	Ойсо[ат]	Ойсо
Бектурди	Бектур[ди]	Бектур
Бахтиёр	Бахти[ёр]	Бахти
Асфандиёр	Асфан[диёр]	Асфан
Арофат	Ароф[ат]	Ароф
Болташукур	Болташ[укур]	Болташ
Боймирзо	Боймир[зо]	Боймир
Бобониёз//Бобоназар	Бобон[ниёз] //Бобон[иёз]	Бобон
Боғибек	Боғи[бек]	Боғи
Дадақўзи	Дадақ[ўзи]	Дадақ
Дониёр	Дони[ёр]	Дони
Олламурад	Оллам[урод]	Оллам
Забибулла	Заби[бу]л[ла]	Зади//Забил
Жўраназар	Жўран[азар]	Жўран
Жумақул	Жумақ[ул]	Жумақ
Жумақилич	Жумақ[илич]	Жумақ

Жонназар	Жонна[зар]	Жонна
Ёрлақаб	Ёрлақ[аб]	Ёрлақ
Зулфинисо	Зулфи[нисо]	Зулфи
Зубайдулла	Зубай[дулла]	Зубай
Кўпайсин//Кўбайсин	Кўпай[син]// Кўбай[син]	Кўпай, Кўбай
Искандар	Искан[дар]	Искан
Самандар	Саман[дар]	Саман
Интизор	Интиз[ор]	Интиз
Иноятулла	Иноя[тулла]	Иной
Маъдиёр	Маъди[ёр]	Маъди
Маҳдиёр	Ма[ҳ]ди[ёр]	Мади
Бекназар	Бегна[зар]	Бегна
Бекмирзо	Бекмир[зо]	Бекмир
Бахтинисо	Бахти[нисо]	Бахти
Бахтигул	Бахти[гул]	Бахти ва бошқалар.

Эркалаш-кичрайтириш усулида қисқарган исмларга хос муҳим хусусиятлардан бири қисқарган исм шаклининг маълум қўшимчаларини олиб шаклланишидир. Бу ҳақида, ўз вақтида, юқорида тилга олинган ишларда марҳум профессорлар Ф.Абдуллаев, Б.Ўринбоев ҳамда Э.Бегматовлар қайд этишган ҳамда ана шундай қўшимчаларнинг айримларини эътироф этиб ўтишган.

Бизнинг, умуман, ўзбек тилидаги, жумладан, Хоразм аҳолиси антропонимияси материаллари юзасидан кузатишларимиз исмларнинг эркалаш-кичрайтириш шаклларига қуйидаги қўшимчалар қўшилишини кўрсатди:

-й (-ай) қўшимчаси: *Ботай (Ботирали), Собай (Сотиболди), Матай (Матқурбон), Солай (Салоҳиддин)* ва бошқалар;

-аш (-ш) қўшимчаси: *Маҳаш (Марҳамат, Марҳила), Дилаш (Дилбар, Дилрабо, Дилором, Дилафрўз), Қоваш (Қовунбой), Соташ (Сотимбека)* ва бошқалар;

-ш (-иш, -аш) қўшимчаси: *Сарбиш, Сарвиш (Сарвинисо), Сафаш, Сафиш (Сафарали), Сайдиш (Сайдулла), Турдиш (Турдинисо), Нуриш, Нураш (Нуринисо), Дилиш (Дилдора, Дилором), Бегиш (Бекмуҳаммад, Бегмат, Беймат), Кариш (Каримхон, Абдукарим), Жалиш (Жалил, Жалол, Жалолиддин)* ва бошқалар.

-м қўшимчаси: *Бегим (Бекмуҳаммад, Бегмамат, Бегмат), Нурим (Нурмуҳаммад, Нурмурод, Нурмамат, Нурмат, Нормирза, Нурнисо), Қулум (Қулмат, Қулмамат, Қулмуҳаммад), Гулим (Гулмат, Гулмамат, Гулмирза, Гулнисо, Гуландом), Марим (Мамараим, Мамараҳим, Муҳаммадраҳим)* ва бошқалар.

6. Антропонимик вариантлар ҳосил бўлишининг бошқа типлари

Ўзбек антропонимияси тизимида вариантдорликни туғдирувчи бошқа ҳодисалар ҳам айтарлича учрайди. Буларнинг асосийларига қисқача тўхталамиз.

1. Эркаклар ва аёллар исмларининг вариант шакллари.

Маълумки, ўзбек антропонимиясида эркаклар ва аёллар учун бир хил қўйиладиган исмлар мавжуд. Масалан: *Турсун (эркак) – Турсун (аёл); Каромат (эркак) – Каромат (аёл); Иқбол (эркак) – Иқбол (аёл); Дилшод (эркак) – Дилшод (аёл)* ва бошқалар. Аммо ном бериш амалиётида ўғил болалар ва қиз болаларга баробар қўйилувчи номларни шаклан фарқлашга интилиш мавжудлигини, бу учун турли усуллардан фойдаланишини кўрамиз. Бунда кенг тарқалган усуллардан бири аёллик жинсига ишора қилувчи, асли арабча бўлган **-а** ҳамда **-я (-ия)** қўшимчаларидан фойдаланишдир. Қуйида ушбу усулда ҳосил қилинган исм вариантларини келтирамиз.

-а қўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинган исмлар:

Эркаклар исми	Аёллар исми	Эркаклар исми	Аёллар исми
Адиб	Адиба	Инъом	Инъома
Азиз	Азиза	Ирис	Ириса
Азим	Азима	Ихлос	Ихлоса
Акрам	Акрама	Камол	Камола
Амин	Амина	Карим	Карима
Амир	Амира	Кабир	Кабира
Анвар	Анвара		
Анзир	Анзира		
Анзур	Анзура	Комил	Комила
Анис	Аниса	Кошиф	Кошифа
Анор, Анорбой	Анора	Лазиз	Лазиза
Ансор	Ансора	Латиф	Латифа
Асил	Асила	Мавжуд	Мавжуда
Асрор	Асрора	Марғуб	Марғуба
Ашур	Ашура	Масрур	Масрура
Басир	Басира	Махдум	Махдума
Башир	Башира	Махсум	Махсума
Бегим	Бегима	Маъмур	Маъмура
		Мақсуд	Мақсуда
Восиқ	Восиқа	Маҳбуб	Маҳбуба
Воҳид	Воҳида	Маҳкам	Маҳкама
Дамир	Дамира	Моҳир	Моҳира
Диёр	Диёра	Мубин	Мубина
Дилшод	Дилшода	Мубошир	Мубошира
Ёдгор	Ёдгора	Муин	Муина
Ёлқин	Ёлқина	Мукаррам	Мукаррама
Жавоҳир	Жавоҳира	Мунаввар	Мунаввара
Жалол	Жалола	Мунир	Мунира
Жамил	Жамила	Мунис	Муниса
Жамол	Жамола	Муслим	Муслима

Замон	Замона	Мўмин	Мўмина
Зариф	Зарифа	Нодим	Нодима
Зиёд	Зиёда	Нажиб	Нажиба
Зокир	Зокира	Назир	Назира
Зоҳид	Зоҳида	Наим	Наима
Зоҳир	Зоҳира	Насим	Насима
Ибод	Ибода	Нозим	Нозима
Икром	Икрома	Носир	Носира
Илҳом	Илҳома	Обид	Обида
Одил	Одила	Толиб	Толиба
Озод	Озода	Туйгун	Туйгуна
Ойдин	Ойдина	Тўлқин	Тўлқина
		Умид	Умида
Олим	Олима	Ҳабиб	Ҳабиба
Ориф	Орифа	Хатиб	Хатиба
Осим	Осима		
Оқил	Оқила	Хоним	Хонима
Равшан	Равшана	Хурсанд	Хурсана
Райҳон	Райҳона	Хуршид	Хуршида
Расул	Расула	Хушнуд	Хушнуда
Рафиқ	Рафиқа	Чинор	Чинора
Рашид	Рашида	Шариф	Шарифа
Раққос	Раққоса	Шафиқ	Шафиқа
Раҳим	Раҳима	Шокир	Шокира
Розиқ	Розиқа	Шоҳид	Шоҳида
Роҳиб	Роҳиба	Элдор	Элдора
Сабр	Сабрия	Эмин	Эмина
Саид	Саида	Эркин	Эркина
Саим, Сайим	Саима, Сайима	Эъзоз	Эъзоза
Сайёр	Сайёра	Ўткир	Ўткира
Самар	Самара	Шукур	Шукура
Собир	Собира	Қамар	Қамара
Соим	Соима	Қосим	Қосима
Солиҳ	Солиҳа	Қойим	Қойима
Сотим	Сотима	Қуддус	Қуддуса

Соҳиб	Соҳиба	Ғариб	Ғариба
Суюн	Суюна	Ғолиб	Ғолиба
Тансиқ	Тансиқа		
Темир	Темира	Ҳаким	Ҳакима
Тоҳир	Тоҳира	Ҳалим	Ҳалима
Табиб	Табиба	Ҳасан	Ҳасана
Ҳамид	Ҳамида		
Ҳофиз	Ҳофиза		
Ҳилол	Ҳилола		
Ҳосил	Ҳосила		
Ҳофиз	Ҳофиза		

-я (-ия) кўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинган исмлар:

Эркаклар исми	Аёллар исми	Эркаклар исми	Аёллар исми
Амр, Амир	Амрия	Садр	Садрия
Асл, Асил	Аслия	Сайфи	Сайфия
Асрбой	Асрия	Сами	Самия
Аҳлиддин	Аҳлия	Сирож	Сирожия
Бадр	Бадрия	Соли	Солия
Барф	Барфия	Субҳ	Субҳия
Боқи	Боқия	Султон	Султония
Бўри	Бўрия	Умр	Умрия
Вали	Валия	Фахри	Фахрия
Васф	Васфия		
Жон	Жония	Хайр, Хайрулла	Хайрия
Заки	Закия		
Илмий	Илмия	Хол	Холия
Илҳом	Илҳомия	Шавқ	Шавқия
Лутфи	Лутфия	Шамс	Шамсия
Мадҳ	Мадҳия	Шоди	Шодия
Меҳр (иддин)	Меҳрия	Шукр	Шукрия
Мусо	Мусобия	Қадр	Қадрия

Нарзи	Нарзия	Қамар	Қамария
Нор	Нория	Қанд	Қандия
Орзи	Орзия	Қори	Қория
Рамз	Рамзия	Қутб, Қутбиддин	Қутбия, Қутфия
Рихси	Рихсия	Рози	Розия
Саъди, Сади	Садия	Ҳоди	Ҳодия
Ҳожи	Ҳожия		

Юқорида келтирилган исм шаклларининг вариантдорликка алоқадорлиги қандай дейилган савол туғилади. Маълумки, вариант битта ва бир маъноли исмнинг икки хил шаклидир. Масалан: *Муҳаммад* ва *Мамад*, *Қўрбонниёз* ва *Қурёз* каби. Шундай экан, *Турсун*, *Каромат* исмларининг эркак ва аёллар исми бўлиб келишида вариантдорлик мавжуд эмас, балки исмнинг кўпфункционаллик хусусияти мавжуд. Мана шу нуқтаи назаридан қаралса, *Азиз* (эркак исми) ва *Азиза* (қиз исми), *Соли* (эркак исми) ва *Солия* (қиз исми) шаклларида мотиватив маъно бир хил бўлса-да, исм шаклида ўзгариш бор. Чунки биттаси (*Азиз*) эркаклар исми шакли бўлса, (*Азиза*) аёллар исми шаклидир. Исм маъноси бир хил бўлса-да, номнинг ном эгаси жинсига кўра шаклий мослашиш бор. Бунинг устига аёллар исми шаклида ҳосил бўлиш ҳодисаси ҳам мавжуд. Аммо шунга қарамасдан, *Соли* ва *Солия* исмлари битта номнинг икки хил шаклидир. Шу маъно орқали бу тип исмлар вариантдорликка мансуб бўла олади.

2.Исмнинг тўлиқ шакли билан қисқартма шакллари орасидаги вариантлик. Маълумки, антропонимик тизимда айрим исмларнинг тўлиқ шакли ҳамда қисқарган шакллари мавжуд. Бу шакллар, аслида, исм тўлиқ шаклининг турлича ўзгарган вариантларидир. Фикримизни исботлаш учун баъзи далилларни келтирамиз:

Исмнинг тўлиқ шакли	Ҳосил бўлган вариантлар
Аваз	Авазбек, Авазбой, Авазжон, Авазхон, Авазқул, Авазгул
Азиз, Абдулазиз, Азизулло	Азизжон, Азизбой, Азизхон, Азизқул, Азизбиби, Азиза
Лутфинисо	Лутфи, Лутфия, Лутфихон, Лутфижон
Турғун, Турғунали	Турғун, Турғуна, Турғунтой, Турғуншо, Турғунбой, Турғунжон, Турғунбу, Турғунбиби, Турғунча, Турғуной
Ўлмас	Ўлмасбой, Ўлмасжон, Ўлмасбек, Ўлмасой, Ўлмасхон
Ўғил	Ўғилбой, Ўғилжон, Ўғилча, Ўғилбека, Ўғилбика, Ўғилбу, Ўғилбув, Ўғилой, Ўғилтой, Ўғилхон, Ўғилчахон

Мана шу каби вариантларни ушбу ишимизда кўплаб келтиришимиз мумкин. Келтирилган вариантларнинг мотиватив маънолари уларга асос бўлган асосий исм мотиви билан бир хил бўлади. Масалан, *Турсун* исмининг вариантларида боланинг яшаб кетишини иташ мотиви, *Ўғил* исмининг вариантларида эса ўғил кўриш орзуси каби мотив ифодаланган. Мана шу мотивлар ушбу исмлардан ҳосил бўладиган барча вариантлар учун ҳам тегишлидир.

3.Ўзбек антропонимияси тизимида шундай кўшма исмлар учрайдики, улар ном компонентларининг жой алмашиши орқали ҳосил қилинган. Бундай номлар моҳиятан битта маъно, мотивга боғлиқ антропонимик вариантлардир. Масалан: *Алибек – Бекали; Шераҳмад – Аҳмадшер; Бердирахим – Раҳимберди; Қулмўмин – Мўминқул; Бибинор – Бибинор;*

Маттурди – Турдимат; Тожинор – Нортोजи ва бошқалар. Ушбу номларнинг номинатив асоси, материалининг ўхшашлигига кўра битта мотивли номнинг икки хил шаклда ҳосил қилинишидир. Аммо улар конкрет шахснинг атоқли отига айлангач, функционал жиҳатидан алоҳида-алоҳида мустақил атоқли от сифатида номинатив дифференцияга учрайди. Чунки **Алишер** номли шахс амалиётда **Шерали** номли шахсдан исмига кўра фарқланади.

Юқорида биз ўзбек антропонимияси тизимида вариантдорликнинг барча кўринишларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Келгусида Республиканинг барча ҳудуди бўйича антропонимик вариантлар тўпланиб таҳлил қилинса, биз келтирган ҳодисалар доираси янада кенгайиб, антропонимик вариантларнинг янги қирралари очилиши, янги далиллар билан бойиши мумкин.

Қисқа хулосалар:

1. Антропонимик тизимда вариантдорликни туғдирувчи омиллардан бири эркалаш-кичрайтиш омилидир. Бунда исмнинг тўлиқ шакли билан ушбу омил туфайли турли шаклларга киради ҳамда антропонимик вариантларни туғдиради.

2. Мазкур бобда таҳлил қилинган ишларнинг аксариятида антропонимларнинг қисқарган ҳамда эркалаш шакллари номларнинг ҳосил бўлиши, антропонимларнинг фонетик ва ҳосил бўлиш хусусиятлари, лаҳжавий белгилари, қолаверса, имловий нормалаш имкониятлари нуқтаи назаридан ўрганилган, аммо вариантдорлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган эмас.

3. Антропонимик вариантларни юзага келтирувчи омиллардан яна бири – бу исмларнинг турли лаҳжа ва шеваларда маҳаллий шаклларга эга бўлишидир. Исмнинг лаҳжавий шакли номнинг адабий шаклига нисбатан ёки битта исмнинг

шевалараро шакллари ўзаро антропонимик вариантни юзага келтиради.

4. Антропонимик вариантларнинг ёрқин кўринишларидан яна бирини битта исм шаклнинг эркаклар ҳамда аёллар исми шаклида бўлиши (*Азим –Азима, Валди – Валия*), битта исмдан турли ясама шакллариининг туғилиши (*Ўғил – Ўғилжон, Ўғилой, Ўғилча, Ўғилбека, Ўғилбика, Ўғилой, Ўғилтой, Ўғилчихон, Ўғилхон* ва бошқалар), исм компонентларининг ўрин алмашиши (комбинацияси): (*Алишер – Шерали, Бердирахим – Раҳимберди*)ни ташкил қилади.

5. Келтирилган вариант типларидан 1 ва 2-гуруҳ номларни имловий жиҳатдан адабий меъёрга солиш мумкин. Аммо бунда ҳар бир исмга конкрет ёндашиш талаб қилинади. Чунки исмларнинг баъзи эркалаш-кичрайтиш шакллари мустақил исм шакли сифатида тушунилади ҳамда ўзининг тўлиқ функционал жиҳатидан фарқланади: *Тошмуҳаммад* ва *Тошмат* каби.

6. Умуман, ўзбек антропонимиясида, жумладан, Хоразм аҳолиси исмларида қисқариш ҳодисасида маълум хусусиятларга амал қилишни кўрсатди. Бунда исмнинг маълум қисми талаффуз жараёнида туширилади ва ном қисқариш шаклига ёки ўзгачароқ шаклга киради. Кузатишлар қисқариш кўпроқ кўшма номларда, айрим ҳолларда эса содда тузилмали номларда ҳам юз беришини кўрсатади.

III БОБ

АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ИМЛОВИЙ ВАРИАНТЛАРИ

1. Антропонимлар имлосининг ўзига хос хусусиятлари

Антропонимлар, яъни исм, фамилия, отаисм, лақаб, тахаллуслар имлоси ўзбек имлосининг ажралмас таркибий қисмидир. Маълумки, исмлар тилдаги мавжуд сўзларга таянган ҳолда ҳосил бўлади. Масалан, **саодат-Саодат, тўхтасин-Тўхтасин, ўлмас-Ўлмас, хушнуд-Хушнуд** каби. Шунингдек, қўшма исмларни ташкил этувчи апеллятивлар ҳам тилдаги мавжуд оддий сўзларнинг **чин ва -берди – Чинберди, хуш ва -келди – Хушкелди, нор ва -очил – Норочил, нур ва -султон – Нурсултон** қўшиливидан ҳосил бўлади. Баъзи исмларнинг атоқли ва турдош сўзларнинг қўшиливидан иборат эканини кўрамиз, масалан: **Муҳаммад ва мурод – Муҳаммадмурот, Турсун ва али – Турсунали** каби. Ўзбек тилида шундай исмлар ҳам борки, уларнинг ҳосил бўлиши икки мустақил атоқли отларнинг қўшиливидан юзага келган, масалан: **Юсуф ва Али – Юсуфали, Муҳаммад ва Мусо – Муҳаммадмусо, Юнус ва Муҳаммад – Юнусмуҳаммад** ва бошқалар.

Келтирилган ҳолатлардаги антропонимлар ўзига хос тузилиши ҳамда мустақил тил бирликларига эга эмас, исмлар заминидан оддий (турдош) сўзлар ётади, шу туфайли исм асосидаги сўзлар имлосини ҳам тартибга солади, номлар имлосини алоҳида ўрганиш ва кодификация қилиш шарт эмас дейилган фикрни туғдиради. Буни устига фамилия ҳамда отаисмларнинг ёзилиши исмларга боғлиқ, чунки улар исмлардан ҳосил бўлади. Мана шундай ҳолатни лақаблар ва тахаллусларда ҳам кўриш мумкин. Чунки лақаб ҳамда тахаллуслар ҳам тилдаги мавжуд сўзлар асосида ҳосил бўлади, масалан: **сичқон –**

Ҳалилсичқон, чўлоқ –Қулматчўлоқ, Наво – Навоий, фурқат – Фурқатий, чарх – Чархий, фиғон – Фигоний ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган далилларни кузатиш, дарҳақиқат, антропонимларнинг тўғри ёзилиши ҳамда уларга доир имловий қоидалар, маълум даражада атоқли от заминида ётган турдош сўзлар имлосига боғлиқлигини кўрсатади. Демак, исм, лақаб ҳамда тахаллусларни тўғри ёзиш учун улар асосида ётган сўзнинг ёзилиш шаклини билиш кифоядек туғилади. Аммо бизнинг кузатишларимиз ва ўзбек антропонимларининг имлосига доир ишлардаги мулоҳазалар ўзбек тили антропонимик тизимининг ўзига хос муаммолари борлигини исботламоқда. Мазкур масалаларда кузатишлар олиб борган проф.Э.Бегматов шундай ёзади: «Исм ва фамилиялар имлосининг ўзига хос муаммолари мавжуд. Хусусан, исмларнинг маҳаллий ва шевалардаги талаффузи ҳамда шаклини олиб кўрайлик. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос томонлари борки, исмлар имлосини қоидалаштиришда, бу ҳолни ҳисобга олмаслик мумкин эмас»¹⁷⁷.

Ўзбек исмларининг бой материалларини синчиклаб кузатиш антропоним, турдош сўз ва антропонимик апеллятивлар имлоси билан антропонимлар имлосида қуйидаги муҳим фарқлар мавжудлигини кўрсатади. Булар қуйидагилар:

1. Исм шакли билан унга асос бўлган апеллятив шаклидан фарқланади: *турсин, унсун (сўз) – Турсун, Унсун (исм), тургин (сўз) – Турғун (исм), қувондиқ, соғиндиқ (сўз) – Қувондиқ, Соғиндиқ (исм), турган, тўлғон (сўз) – Турғон, Тўлғон (исм)* ва бошқалар.

2. Баъзи исмлар адабий ва шу билан бирга, лаҳжавий шаклга эга, шунга кўра улар имлода ҳам фарқланади, масалан: **Ёлғош-Жалғош, Яйрасин-Жайрасин, Ёмонбой-Жаманбой, Ўғилбиби-**

¹⁷⁷ Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 6.

Улбиби, Ўғилой-Улой, Яйловбой-Жайловбой, Қорёғ-Қоржов, Холбуви-Қолбуви ва бошқалар. Шундай экан, буларнинг бир хил ёзишнинг имконияти ҳам мавжуд эмас.

3. Исmlарнинг айримлари икки хил апеллятивларга дахлдор бўлади. Уларнинг қайси сўздан ҳосил бўлганлиги аниқланмасдан туриб, имловий шаклини белгилаш қийин бўлади, масалан: **назир (Назир)** – *нозир (Нозир)*, **амин (Амин)** ва *эмин (Эмин)*, **хотам (Хотам)**, *восит (Восит, Абдувосит)* ва *босит (Босит, Боситулла)* ва бошқалар.

4. Баъзи исmlарга асос бўлган апеллятив моҳиятан тарихий лексикага мансуб бўлиб, улардан ҳосил бўлган исmlар ҳам сўзларнинг тарихий шакллари билиш, аниқлаш асосида ҳал қилишни талаб қилади. Чунончи: **Марғуба, Ўроз, Рауф, Гиёс, Таласбой, Соҳиб, Соҳибали, Тарлон, Тархон, Суҳайл, Тоҳир//Тоир, Черикбой, Черикбош, Бадия, Ансор, Ансора** ва бошқалар.

5. Айрим исmlарнинг апеллятивлари ҳозирги ўзбек тилида мавжуд эмас, мазкур номлар ўзга тиллардан атоқли от тарзида ўзлаштирилган. Демак, бу тип исmlарга атоқли от тарзида қарашга, уларнинг имлосини тарихий анъаналар асосида ҳал этишга тўғри келади. Чунончи: **Исомуҳаммад** (*Исо ва Муҳаммад*), **Муҳаммадали** (*Муҳаммад ва Али*), **Абдуюсуф** (*Абду ва Юсуф*), **Абутолиб** (*Абу ва Толиб*), **Умарали** (*Умар ва Али*), **Алимуҳаммад** (*Али ва Муҳаммад*) каби.

6. Ўзбек тилидаги бир қатор исmlар тўлиқ ва қисқарган шаклларда учрайди. Уларнинг барчасини тўлиқ шаклда ёзиш ғайритабиийлик туғдиради, чунки исmlарнинг қисқарган шакли ҳам амалда кенг тарқалган, вақт ўтиши билан тўлиқ шаклига нисбатан мустақил исмлиқ хусусиятига эга бўлиб қолган. Шу сабабли исmlарнинг қисқарган шакллари ҳам маҳаллий тил ва халқ орасида исм сифатида қабул қилинади ҳамда улардан ҳосил бўлган исм ва отаисmlар ҳам тўлиқ шаклдан ҳосил бўлган

номлардан фарқланиб туради, функционал жиҳатдан мустақил исм мақомига эга. Масалан: **Муҳаммаджонов ва Мамажонов, Муҳаммадшукуров ва Мамашукуров, Абдуқаҳҳоров ва Қаҳҳоров, Бойзоқов ва Бойузоқов, Самандаров ва Саманов, Холлиев ва Холмуродов** ва бошқалар.

7. Лақаблар ўзи ҳосил бўлган сўз шаклига ва тузилишига кўра ҳар доим ҳам мос келвермайди, чунки лақаб аксарият ҳолда шахс исми билан биргаликда қўлланилади. Масалан: **Ҳасан раис, Юсуф директор, Қурёз домла, Отажон харрот, Отахон гунг, Исмоил қарри, Рўзмат гаранг, Бово жўт, Эшмат човдир, Чўри чаққон, Рисолат чевар, Азим кулол, Отажон манқа, Саидали гарон, Эшқул соқов, Қорахон бой** ва бошқалар.

8. Ўз навбатида, имловий ўзига хослик тахаллусларга ҳам тегишлидир. Тахаллуслар орасида ўз апеллятивига шаклан тенг келувчилари ҳам бор. Чунончи: *мунис (сўз)* – **Мунис (тахаллус)**, *нодира (сўз)* – **Нодира (тахаллус)** каби. Аммо тахаллусларнинг маълум қисми қўшимчалар қўшиш орқали ҳам ҳосил бўлади. Масалан: *шавқ (сўз)* – **Шавқий (тахаллус)**, *огоҳ (сўз)* – **Огаҳий (тахаллус)**, *ғайрат (сўз)* – **Ғайратий (тахаллус)** каби. Демак, бундай ҳолларда тахаллус ўз апеллятиви билан шаклан тенг эмас ва имловий жиҳатдан ҳам фарқланади ва бошқалар.

Ўзбек антропонимларининг луғавий ўзига хослиги ҳамда ўзига хос имловий муаммоларга эгаллиги, яна бошқа кўпгина фарқлар билан тўлдирилиши мумкин. Биз уларга мазкур тадқиқотимизнинг кейинги саҳифаларида ўрни билан тўхталамиз.

Юқорида қайд қилинган хусусиятлар антропонимларнинг шаклан ҳамда имловий жиҳатдан уларга асос бўлган турдош сўзлардан фарқини яққол кўрсата олади. Демак, турдош сўз, яъни апеллятивларнинг имлосини ҳал қилиш антропонимларнинг барча имловий муаммоларини бартараф эта олмайди.

2. Мавжуд имло қоидалар ва илмий ишларда антропонимлар имлосига муносабат масаласи

Адабий тил доирасида учрайдиган, адабий тил матнлари бўлган ёзма нутқда мавжуд ҳар қандай сўз муайян имловий қоидаларига бўйсунган ҳолда ёзишни талаб қилади. Бу масалада ўғай орфограммалар бўлиши мумкин эмас. Шунга қарамасдан, ўзбек тилининг мавжуд имло қоидаларида, асосан, турдош сўзлар, бош ҳарфларнинг ёзилиши қоидалаштириб келинди, атоқли отларнинг имлоси масалалари доимо четлаб ўтилди. Бу ҳол атоқли отлар жумладан, антропонимларнинг ёзилишида хилма-хилликни, имловий вариантлар, тўғри ва нотўғри имловий шакллари туғдираётгани асосий сабабдир.

«Ўзбек орфографиясининг асосий имло қоидалари»нинг бирорта моддаси исмлар, яъни антропонимларнинг имлосига бағишланмаган ва жорий қоидаларда исмлардан деярли мисол ҳам олинган эмас. Қоиданинг «й» ҳарфининг ёзилишига дахлдор *2-параграфда* **Мирюсуф, Матяқуб, Миряхё** исмларида «ъ» белгисининг ёзилмаслиги, *фамилия* қўшимчасининг имлосига оид *49-параграфда* **Турсунбоев, Турғунбоева** фамилиялари, ажратиб ёзиладиган сўзларга оид *58-параграфда* эса *лақаб ва мансаблар* билан келган баъзи исмлар (**Исмоил қассаб, Абдурайим найчи, Азим кулол** ва бошқалар), атоқли отларнинг бош ҳарфлар билан бошланишига оид қоидаларнинг *63-параграфида* **Алишер Навоий, Ҳамид Олимжон** номлари тилга олинган, холос. Натижада антропонимларнинг имлоси билан боғлиқ бир қатор мураккаб масалалар имло қоидалари доирасида ташқарида қолган. Чунончи: **Қувондиқ, Соғиндиқ, аммо Севиндиқ, Тўхтамиш** типли *исмлардаги қўшимчалар*; **Турсун, Унсун, Юрсин, Жовқоч** ва **Ёвқоч, Қорёғди** ва **Қоржовул** каби *номлар*, **Абдулла, Саъдулла** ва **Абдулло, Саъдулло** каби *шакллар* ва мана шунга ўхшаш бошқа

хусусиятлар имлода вариантдорлик, имловий нуқсонларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ҳатто бош ҳарфлар имлосида бирорта ўзбекча исмнинг, жой номининг келтирилмаганлиги ҳайратланарлидир. Бунинг ўрнига **Горький, Москва, Волга, Казбек** каби *номиллий номлар* далил сифатида берилган.

Таниқли тилшунослар Ш.Раҳматуллаев ва А.Ҳожиевлар қўшма сўзларнинг имлоси ҳақида фикр юритар экан, айрим атоқли отлардан мисол келтиришади. Чунончи: **Ёрилтош, Уртўқмоқ, Очилдастурхон** (*эртаск номлари*)¹⁷⁸, **Кўчабоғи** (*топоним*), **Сирдарё, Қорабулоқ, Олтинкўл, Тўрткўл, Хўжақишлоқ** *топонимлари* қисмларининг қўшиб ёзилиши, **Ўрта Осиё, Кичик Осиё, Эски Тошкент, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ** номларида қисмларнинг ажратиб ёзилиши қоидалаштирилган¹⁷⁹, аммо муаллифлар антропонимлардан бирорта ҳам мисол келтиришмаган. Ҳолбуки, ўзбек тилидаги қўшма исмлар бир неча минглаган сўзни ташкил қилади. Антропонимлар имлосига бундай муносабатнинг сабаби исм компонентларининг доимо қўшиб ёзиш қабул қилинганлиги бўлса керак.

А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар» номли ишида қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар ҳақида гап борганда, айрим *гидронимлар ва топонимлар* келтирилади (**Янгийўл, Сирдарё, Олтинкўл** ва бошқалар)¹⁸⁰.

Ўзбекча исм ва фамилиялар имлоси, бу борадаги нуқсон ва чалкашликлар, ана шу туфайли антропонимлар имлосида юз бераётган имловий вариантлар юзасидан кенг фикр юритилган ишлардан бири жамоавий муаллифлар томонидан ёзилган «Исм ва фамилиялар имлосига доир» номли мақоладир. Биз ушбу мақолада исмлар имлоси ҳақида айтилган фикрларга эмас, балки

¹⁷⁸ Раҳматуллаев Ш., Ҳожиев А. Қўшма сўзларнинг имло қоидалари ва луғати. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб. 1961. – Б. 16.

¹⁷⁹ Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: ЎЗРФА нашриёти, 1963. – Б. 30.

¹⁸⁰ Ўша ерда. – Б. 118.

унда ўз ифодасини топган имловий вариантларни қайд этиш билан чегараланамиз. Булар қуйидаги типларга бўлинади:

1. Абду//абди, абу//аби;
2. Нисо//ниса, сара//сора;
3. Моҳ//маҳ: **Моҳинур//Моҳибону;**
4. **Исо//Иса, Мирза//Мирзо, Муса//Мусо; Риза (Ризаев) //Ризо (Ризоев), Зулайҳо//Зулайҳа, Зухро//Зухра;**
5. **Аҳмад//Аҳмедов, Муҳаммад//Муҳаммедов, Нурмат//Нурметов, Холмат//Холметов, Исмат//Исметов, Мамат//Маметов, Тошмат// Тошметов, Бегмат//Бегметов;**
6. **Орзиқул//Орзигул, Марғиба//Марғуба;**
7. **Зоҳир//Зоир, Зоҳид//Зойид, Иброҳим//Ибройим, Раҳимжон // Райимжон, Тоҳир//Тоир;**
8. **Иброҳим//Ибрагим;**
9. **Зариф//Зарипов, Латиф//Латипов, Маъруф//Маърупов, Шариф //Шарипов, Ориф//Орипов, Юсуф//Юсупов;**
10. **Нуъмон//Нўъмон//Нурмон//Нигмон;**
11. **-иддин //-итдин //-уддин: Асомутдин// Асомуддин// Асомиддин;**
12. **-улла//-илла: Абдулла//Абдилла, Иноятулла//Иноятилла, Файзулла//Файзилла, Ғайбулла//Ғайбилла ва бошқалар¹⁸¹.**

Мазкур мақолада келтирилган имловий вариантлардан биттасини имло учун норма қилиб олиш тўғрисида тавсиялар. Чунончи: *-улло, -илло* эмас, **-улла** ёзиш; *итдин, -итдин, -уддин* эмас, **-иддин** ёзиш ва бошқалар.

Қўшма сўзларнинг имлоси ҳақида кенг фикр юритган муаллифлардан бири Б.Мамадалиевдир. У қўшма сўзларнинг лисоний хусусиятларини таҳлил қилишдан ташқари, уларнинг

¹⁸¹ Камолов Ф., Жуманиёзов Р., Пинхасов Я., Мирзаев Т. Бегматов Э. Исм ва фамилиялар имлосига доир//Ўқитувчилар газетаси, 1962. 20 сентябрь.

имло қоидаларини ҳам яратишга ҳаракат қилган. Ушбу муносабат билан қўшма сўзлар қаторида баъзи топоним ва антропонимларнинг имлосини ҳам қоидалаштирган. Чунончи, муаллиф қўшиб ёзиладиган сўзлар қаторида **Шоназар, Турсунқул, Холмирза, Элмурод, Гулчеҳра, Холмуҳаммад** исмларини ҳам келтиради¹⁸². Худди шунингдек, у қўшиб ҳамда ажратиб ёзиладиган жой номлари, яъни топонимларни ҳам алоҳида моддаларда қоидалаштирган¹⁸³.

Мазкур ишнинг охирида «Қўшма сўзлар луғати» берилган бўлиб, унинг таркибида бир қатор исмлар ҳам келтирилган. Масалан: *Гулнора, Гулнор, Норбобо, Ойгул, Нурсевар, Ойхон, Онахон, Офтофхон, Тошназар, Турсунали, Турсунхон, Холмирза, Шаҳринисон, Шерали, Шомурод, Шоқосим, Элмурод, Элназар* ва бошқалар. Келтирилган исмларнинг имло луғатига қайси тамойил асосида киритилгани, ёзилиши нуқсонли бўлган кўпгина қўшма исмларнинг луғатдан нега жой олмагани муаллиф томонидан изоҳланмаган.

Б.Мамадалиевнинг қўшма ва таркибли сўзларнинг тузилиши ҳамда имлосига оид ёзган айрим мақолаларда қўшма исмлар ва исмларнинг қисқарган шаклларининг ёзилишига оид мулоҳазалар учрайди¹⁸⁴.

Ўзбек тилидаги қўшма сўзларнинг лисоний хусусиятларини монографик тадқиқ қилиш муносабати билан баъзи қўшма исмлар имлоси ҳақида фикр юритган тадқиқотчилардан бири Насим Маматовдир. Ушбу муаллифнинг айрим мақолаларида

¹⁸² Мамадалиев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма сўзлар. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 108.

¹⁸³ Ўша ерда. – Б. 109-110.

¹⁸⁴ Мамадалиев Б. Ўзбек тилида таркибли сўзлар//Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. 4-сон. – Б. 45, 46, 47.

қўшма сўзлар қаторида антропонимик материалларга ҳам мурожаат қилган ҳоллар учрайди¹⁸⁵.

Тилшунос Н.Маматов атоқли от материалларини ҳам сўз деб билади ва уларни лозим ўринларда оддий қўшма сўзлар билан боғлиқликда таҳлил қилади. Муаллиф ўз таҳлилларида топонимия материалларидан керакли ўринларда кенг фойдаланган¹⁸⁶. Мазкур муаллифнинг антропонимик материалга муносабати ҳам ижобийдир. Бу унинг ишида учрайдиган фикрларида ҳамда далил сифатида келтирилган антропонимик материалларда ёрқин кўринади.

Унда аналитик қўшма сўзлар тўғрисида гап борар экан, бунга антропонимик материаллар ҳам кенг жалб қилинади, масалан: **Бекмирза, Бекмуҳаммад, Бектош, Боймирза, Гуласал, Гулжамол, Каримжон, Салимахон, Суярбой, Турсунбой, Турсуной, Ҳакимхўжа, Тожинисо**¹⁸⁷ ва бошқалар.

Н.Маматов лақаблар исмга қўшиб ёзилади деб ҳисоблайди ҳамда **Анорхола, Боқибакқол, Боқибегим, Тожитажанг,** қўшма сўзлар имлосига махсус тўхтанилган ўринларда, улардан ташқари, **Қобилбобо, Саксонота, Ғофирака, Алиқушчи, Каримсувчи, Умарўчоқчи, Булдуруққассаб, Қамбаротин, Тўйчиҳофиз, Пўлканшоир, Боқибегам, Парпиписмиқ, Солисовуқ, Ҳамдамформа** номларини келтиради¹⁸⁸.

Бизнинг кузатишларимиз келтирилган тип номларда лақаб исмдан ажратилган ҳолда ёзилишини тасдиқлайди.

Шунингдек, қўшиб ёзиладиган атоқли отлар ҳақида фикр юритар экан, Н.Маматов биринчи моддада исм ва фамилияларни

¹⁸⁵ Маматов Н. Қўшма сўзлар билан содда сўзларнинг ўзаро муносабатига доир//Ўзбек тили ва адабиёти, 1982. 2-сон. – Б. 12.; Ўша муаллиф. Образование собственно-сложных слов в узбекском языке//СТ, 1982. № 2. – С. 73.

¹⁸⁶ Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 29, 44, 92-83, 120, 133, 143, 195, 194, 227.

¹⁸⁷ Ўша ерда. – Б. 194.

¹⁸⁸ Ўша ерда. – Б. 225.

келтиради, масалан: *Мирзакарим, Гуасал, Эшонхўжа*¹⁸⁹ ва бошқалар. Мазкур ўринда фамилиялар олинмаси ҳам бўлар эди, чунки исм компонентларининг қўшилиши ном, фамилия бўлгани учун эмас, фамилия қўшма исм бўлгани учундир.

Ушбу модданинг «**Эслатма**» қисмида ажратиб ёзиладиган антропонимларга мисол тариқасида *Мирзо Улуғбек, Султон Санжар, Эшон Хувайдо, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Хўжа Ахрор, Саид Камолiddин, домла Қаҳҳаровлар* келтирилган¹⁹⁰. Кейинги антропонимлар бирикма антропонимлар бўлиб, сўз ва қўшма сўз моделига мос тушмайди. Чунки улар нутқ жараёнида юзага келадиган бирикмалар ҳисобланиб, шахсни ана шу тарзда аташ анъана бўлиб қолган ҳолатлардир.

Тилшунослар Ш.Абдурахмонов, А.Ҳожиев, Э.Бегматов ва К.Назаровлар томонидан тузилган «Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари» лойиҳасида ўзбек тили имлосида ҳукмрон бўлиб келган қараш, яъни *атоқли отлар имлосини четлаб ўтишга* амал қилинган. Шу туфайли лойиҳа матнида ўзбек антропонимлари материалларидан бирорта ҳам далил олинмаган¹⁹¹ (Бундан бош ҳарфларга доир қисм мустасно). Мана шу ҳолни мазкур лойиҳанинг тузатилиб, қайтадан эълон қилинган вариантыда ҳам кўриш мумкин¹⁹².

«Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» тасдиқланиб (1956 йил), амалиётга жорий қилинганидан бери 60 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу даврда ўзбек тилшунослигида атоқли отларни махсус тадқиқ қилувчи янги соҳа – *ўзбек ономастикаси* пайдо бўлди ҳамда у мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланди. Мазкур даврда ўзбек тилидаги топонимлар, киши

¹⁸⁹ Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 226.

¹⁹⁰ Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 226.

¹⁹¹ Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари//Ўқитувчилар газетаси, 1981. 8 август.

¹⁹² Қаранг: Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари//Ўқитувчилар газетаси, 1988. 22 январь.

исмлари ва бошқа атоқли отларнинг бой материаллари атрофлича тўпланилди ҳамда илмий тадқиқ қилинди. Ўз навбатида, ўзбек тилидаги атоқли отлар материаллари, номларнинг ёзилиши ва талаффузида жуда кўп нуқсонлар мавжудлиги ҳамда имловий вариантларнинг сероблиги кўрсатилди. Булар ҳақида махсус ишлар, мақолалар ёзилди. Шунга қарамасдан, атоқли отларнинг имлоси муаммоларига имловий қоидаларда эътиборсизлик билан қараш ўзини оқламаса керак. Ономастик тадқиқотлар натижасидан самарали фойдаланиш, имло қоидаларини тўлдириш ҳамда мукаммаллаштиришда ономастик тадқиқотлар муҳим ўрин тутиши мумкинлиги тилга олинган лойиҳаларда берилган «Бош ҳарфлар имлоси» қисми ёрқин кўрсатиб турибди.

Тилшунослар Ш.Абдурахмонов, А.Ҳожиёв, Э.Бегматов ва К.Назаровлар томонидан «Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари» тузилди ва 1981 йили 8 ҳамда 15 август кунлари матбуотда эълон қилинди.

Мазкур лойиҳа бир-икки кун давомида жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинди. Шуниси характерлики, ушбу мақолаларда ўзбек исмлари, фамилиялари, лақаб ва тахаллусларнинг ёзилишидаги нуқсонлар юзасидан деярли фикр билдирилмади. Фикримизнинг исботи учун улкан ҳажмли мақолаларни келтирамиз¹⁹³.

¹⁹³ Раҳматуллаев Ш. Бизнинг конкрет таклифларимиз//Ўқитувчилар газетаси, 1982. 13 январь.; Маматов Н. Қўшма сўзлар кўшиб ёзилади//Ўқитувчилар газетаси, 1981. 23 сентябрь.; Маҳмудов Н. Тил тараққиёти ва саводхонлиги//Ўзбекистон маданияти, 1982. 8 январь.; Абдуллаев Ф., Маматов Н. Тилшуносликнинг сўнгги ютуқлари асосида//Ўзбекистон санъати ва адабиёти, 1984. 2 октябрь.; Жамолхонов Ҳ. Имло қоидаларимиз такомиллашсин//Ўқитувчилар газетаси, 1981. 28 октябрь.; Мирзаев М., Ғуламов А. Қоидалар мукаммал ва барқарор бўлсин//Ўқитувчилар газетаси, 1981. 2 декабрь.; Аъламова М, Жўрабекова М. Бугунги ва эртанги кун талабларини кўзлаб//Ўқитувчилар газетаси, 1981.; Усмонов О. Мукаммал қоидалар керак//Ўзбекистон санъати ва адабиёти, 1982. 22 январь.

Ўзбек антропонимлари ҳақида фикр юритмаганлари учун тилга олинган муаллифларни айблаб бўлмайди, чунки янги имло қоидалари лойиҳасида антропонимлар, топонимлар ва бошқа тип атоқли отларнинг имлосига доир моддалар (Бош ҳарфларнинг ёзилиши ўринларини истисно қилганда) мавжуд эмас. Аммо мазкур муаллифлар ўз мақолаларида масалаларнинг мана шу томонлари юзасидан фикр билдириб ўтишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунга қарамасдан, муҳокама жараёнида ёзилган баъзи мақолаларда антропонимлар имлосига доир айрим жузъий фикрлар ҳам учрайди. Чунончи, **Б.Юсупов** *Рўдакий ва Рудакий*, *Хўжа Аҳрор ва Хожа Аҳрор*, *Ҳисрав ва Ҳусрав*, *Атойи ва Отайи* каби номларнинг ёзилишдаги икки хилликлар¹⁹⁴, Ш.Раҳматуллаев А.Навоий эмас, **Алишер Навоий**, М. Бобур эмас, **Захириддин Муҳаммад Бобур** деб ёзиш ҳақида¹⁹⁵, С.Алиев *Атойи-Атойи*, *Саройи-Саройи*, *Фидойи-Фидойи* каби ёзилишлар, шунингдек, тахаллусларга қўшилувчи **-ий, -йи, -вий** қўшимчалари (*Фаробий, Беруний, Навоий, Атойи, Фидойи* юзасидан)¹⁹⁶, Н.Маҳкамов ҳамда Б.Умурзоқовлар исмларнинг **Ориф, Шариф, Юсуф, Машариф** шакллари фамилиялар таркибида *Орипов, Шарипов, Юсупов, Машарипов* ҳолатига ўтиши ҳақидаги фикрлари ва бунга доир қоидаларнинг лозимлиги тўғрисида¹⁹⁷ Ж.Абдуллахонов, А.Охуновлар исмлар имлосидаги **Неъматулла//Неъматулло, Шарофиддин//Шарофитдин, Фазлиддин//Фазлитдин, Суннатилла//Суннатилло, Шамсуддин//Шамсиддин** каби вариантлар юзасидан, шунинг-

¹⁹⁴ Юсупов Б. Ҳаёт тақозаси//Ўзбекистон санъати ва адабиёти, 1984. 13 ноябрь.

¹⁹⁵ Раҳматуллаев Ш. Қайта яратишми ёки тузатиш?//Ўзбекистон санъати ва адабиёти, 1982. 5 март.

¹⁹⁶ Алиев С. Қоидалар мукамал ва изчил бўлсин//Ўқитувчилар газетаси, 1981. 5 декабрь.

¹⁹⁷ Маҳкамов Н. Умурзоқов Б. Жамоатчиликка ҳавола//Ўқитувчилар газетаси, 1982. 14 апрель.

дек, қўшма исмлар имлосига «Қўшма исмларни билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади» мазмунида имло қондаси лозимлиги юзасидан¹⁹⁸, тилшунос Н.Маҳкамов унвон ва мансаблар номи билан келган антропонимлар имлоси (*ошпаз Эргашев, доктор Алиев, шоир Ҳасан Пўлат, профессор Собиров), Сарварбек, Баҳромжон, Қобилбобо, Тамарахоним, Ширвонхола, Алиқушчи, Ғофирака, Қамбаротин, Тўйчиҳофиз, Пўлканшоир, Боқибегам, Парпиписмиқ, Тождитажанг, Обидкетмон, Ҳамдамформа* каби ёзилиши; *Мирзакарим, Султонмурод, Хўжаакбар, Эшонхўжа, Зебобиби, Хўснижамолхон, Гулбаданбегим* типли исмларнинг имловий меъёри юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилган¹⁹⁹.

Ҳ.Рустамов ўзининг мақолаларидан бирида шундай ёзади: «Айрим номлар шундай ғайритабиий, шу қадар хилма-хил ёзилганки, уларни ўқиган кишининг энсаси қотади. Бир мактабда **Саодат** исмли тўртта қиз ўқир экан. Уларнинг номи метрикада (туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома)ларда тўрт хил, яъни *Саодат, Соадат, Саадат, Садат* деб ёзилганлигини кўрдик»²⁰⁰.

Мазкур мақола муаллифи исмлар имлосида яна *Ўринбой//Урумбой, Маҳкам//Маккамбой, Бўта//Бута, Аваз//Авас* каби вариантларнинг мавжудлиги кишиларнинг номлар имлосига лоқайд муносабатидан юзага келади деб билади, масалан «Баъзи дурустгина маълумотга эга бўлган ўртоқлар орасида ҳам, *Сайит* ёзса нима-ю, **Саид** нима? **Муҳайё** ёзиш шартми? *Мухайё* ёзиб қўйилса, биров тушунмай қоладими? – деб фикр юритувчилар ҳам учраб туради»²⁰¹.

¹⁹⁸ Абдуллажонов Ж., Охунов А. Қоидалар янада пухта бўлсин//Ўқитувчилар газетаси, 1982. 12 март.

¹⁹⁹ Маҳкамов Н. Яна қўшма сўзлар имлоси ҳақида//Ўзбекистон санъати ва адабиёти, 1982. 30 июнь.

²⁰⁰ Рустамов Ҳ. Саодат, Соадат, Саадат, Садат//Фан ма турмуш, 1968. 3-сон. – Б. 24-25.

²⁰¹ Келтирилган иш, - Б. 24.

Киши номлари имлосининг муайян меъёрий қоидалар остига олинмагани туфайли юз бераётган имловий вариантлар ҳақида профессор Э.Бегматовнинг баъзи мақолаларида ҳам сўз юритилган. Муаллиф «Исм-шариф қандай ёзилади?» номли мақоласида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилгани ҳамда бу ҳақида махсус Қонун қабул қилингани эндиликда ўзбек исм ва фамилияларини турли ҳужжатларда русча шаклда бузиб ёзишга бериш мумкинмаслигини ёзади. Шунингдек, муаллиф айрим чет тилига мансуб исмларнинг ўзбекча ёзилишидаги *Ҳейне//Гейне, Хомер//Гомер* каби бир қанча вариантларни ҳам мисол тариқасида келтиради²⁰².

Шунингдек, мазкур муаллиф ўзининг «Холисхон ҳақми?» номли мақоласида кўпгина имловий нуқсонлар ҳамда бунга доир имловий вариантлар ўзбек исм ва фамилияларининг фуқароларнинг ҳужжатлари ҳамда бошқа хил ёзиш манбаларида бузиб, нотўғри ёзиш туфайли юзага келганини айтади: «Шунингдек, исмлар таркибидаги баъзи ўзбекча товушларнинг русча талаффузга мосланганини ва шунга кўра бузиб ёзилганини кўрамиз. Чунончи, ўзбекча **ў** рус тилида *о, ю* ёки *у* билан, **ё** товуши *я* билан, ўзбекча **о** *а* ёки *я* билан, **у** эса *у* ёки *ю* билан берилади. Натижада рус тилида исмларнинг ўзбекча исм шаклига мос тушмайдиган хилма-хил имловий шакллари юзага келди. Бунинг устига рус тилининг хусусияти баъзи ўзбекча исмларда *л* товушидан кейин *ь* юмшатиш белгисини ёзишни, номлар таркибидаги *ъ* айириш белгисини тушуриб ёзиш ёки уни бошқа товуш билан алмаштириб айтишни талаб қилди. Ўзбек исмларининг **Гульбону, Ульмас, Аглам (Аълам), Нумон, Нигмон, Нугмон (Нуъмон), Маруф (Маъруф), Рано (Раъно),**

²⁰² Бегматов Э. Исм-шариф қандай ёзилади//Ўзбекистон санъати ва адабиёти, 1990. 20 апрель.

Эзозхон (Эъзозхон) каби айтиш ёки ёзишлар мана шундай сабаблар туфайли вужудга келган»²⁰³.

Биз юқорида ўзбек тилшунослигида, жумладан, ўзбек имлоси муаммоларига бағишланган ишларда атоқли отлар, унинг таркибий қисми бўлмиш антропонимлар имлосига оид фикрларни қисқача таҳлил қилдик. Энди бевосита антропонимлардаги имловий вариантдорликни таҳлил қилишга ўтамиз.

3. Унлилар имлоси билан боғлиқ имловий вариантлар

Биринчи қарашда атоқли отлар туркуми, жумладан, киши атоқли отлари турдош сўзларга нисбатан нореалроқ, эҳтиёж нуқтаи назаридан иккинчи даражали нарсалардек туюлади. Аммо бу нисбий тушунчадир. Атоқли отлар тилнинг ўта фаол коммуникатив воситалари жумласига киради. Масалан, киши номлари, яъни антропонимларнинг исмлар, фамилиялар, отаисмлар, лақаблар, тахаллусларнинг қўлланиш доираларини олиб кўрайлик:

- ҳар куни миллионлаган оилаларда кишилар бир-бирларининг исмлари, фамилиялари, отаисмлари ва бошқаларни айтиб мурожаат қилишади. Ота-оналар болаларининг исмини айтиб эркалайди, алла айтади;

- ҳар куни кўплаган муассаса, ташкилот, идора ҳамда корхоналарда кишилар бир-бирларининг исмлари, фамилиялари, отаисмларини тилга олган ҳолда мулоқотда бўлишади;

- ҳар куни ҳар сонияда, ҳар соатда, бутун кун (сутка) давомида ижтимоий тармоқларда, почта, телеграф, банк ва кассаларда ҳамда бошқа хил мана шу тип муассасаларда расмий

²⁰³ Бегматов Э. Холисхон ҳақми?//Тошкент оқшоми, 1990. 17 август.

ва шахсий хатларда кишилар номи тилга олинади ҳамда улар махсус ҳужжатларда ёзилади ва расмий қоғозларга тушади;

- ҳар куни таълим муассасаларида, ҳужжатларда, радио ва телевидениеда ўқиладиган матнларда, оғзаки сўзлашув ҳамда нутқларда, минглаган матбуот саҳифаларида киши номлари мавжуд, улар тилга олинади ёки ёзилади;

- ҳар куни янги туғилган юзлаган чақалоқларга исм берилади ҳамда мазкур номлар ФҲҚҲда қайд қилинади;

- ҳар куни киши номлари турли ижтимоий шароитлар туфайли ҳар хил тоифа, касб-кор, айниқса, турли шева ҳамда лаҳжаларда гаплашувчилар нутқида доимий равишда кўп бор такрорланади, шаклан хилма-хил талаффуз қилинади;

- ҳар куни киши номлари кўплаган матнларда, бу мантларни тuzатаётган шахснинг саводхонлиги, билим савиясига кўра тўғри ҳамда нотўғри (бузуқ) шаклларида ёзилади;

- исмларнинг талаффуз шаклига шева ва лаҳжалар таъсиридан ташқари, номни айтаётган шахснинг ижтимоий, тоифавий ҳолати ҳам таъсир қилади. Кекса авлод одамлар орасида киши исмини тўлиқ айтишга интилиш сезилади. Аммо ёшлар орасида ҳамда оила муҳитида исмларнинг эркалаш, қисқартириш шакллари кенг қўлланилади, масалан: *Дилбар-Дилаш, Турдинисо-Турдиш, Муҳаммад-Мамат, Маммат, Сафарали-Сапаш, Сарвинисо-Сарви ёки Сарбиш, Рўзимуҳаммад-Рўзи, Рўзиш, Рўззи* ва бошқалар;

- баъзи ҳолларда киши номларининг диахрон ва синхрон шаклининг оппозиция ҳолида айтилиш ҳамда ёзилишига дуч келиши мумкин, масалан: *Зиёвиддин-Зиёваддин, Жалолиддин-Жалоладдин, Абдуваҳоб-Убдуваҳҳоб* каби.

Киши номлари юқорида қайд қилинган ҳолатлардан ташқари, турли шароитлар ва вазиятларда ҳам истеъмолда бўлиши мумкин. Шундай экан, киши номларининг лисоний коммуникатив фаоллигини инкор этиб бўлмайди.

Тил воситаларининг функционал фаоллиги уларнинг ҳар хил жараёнлар, ижобий ҳамда салбий таъсирлар, ўзгаришлар, шаклий бузилишларига дучор бўлишига сабабчи бўлади. Бу ҳол битта номнинг турли талаффуз шакллари туғдиради ва ўша асосида номнинг ёзма шакли ҳам юзага келади. Мана шундай жараёнга таъсир қилувчи оппозицион омиллар мавжуд. Булар:

1. Номнинг адабий-имловий шакли ҳамда лаҳжавий шакли оппозицияси.

2. Номнинг имловий тўғри ва имловий нотўғри шакли оппозицияси.

3. Номнинг тўлиқ талаффуз шакли ҳамда қисқарган талаффуз шакли оппозицияси.

4. Номнинг тарихий-анъанавий шакли ҳамда синхрон шакли оппозицияси.

5. Исмнинг ўзбекча тўғри имловий шакли ва русча нотўғри имловий (транскрипция ва транслитерация) шакли оппозицияси.

Юқорида келтирилган омиллар ўзбек тилида битта исмнинг турли шаклий вариантларини юзага келтирувчи асосий сабаблардир.

Қуйида ўрни билан исм таркибида келган унли товушларнинг ёзиш шакли билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи имловий вариантларга тўхталамиз.

Маълумки, ўзбек адабий тили учун олти унли товуш адабий меъёрдир. Аммо ўзбек тилининг шева ва лаҳжаларида унлилар сони 9 тадан 18 тагача мавжудлиги адабиётларда қайд қилинган²⁰⁴. Исмлар табиатан, коммуникатив талабга кўра оила доирасида пайдо бўлади. Оила эса хилма-хил шева ҳамда лаҳжаларда сўзловчи кишиларнинг масканидир. Бу исмлар таркибидаги унли товушларнинг адабий тилдаги меъёрлардан фарқланишига сабабчи бўлади. Мана шу ҳолат исмларнинг

²⁰⁴ Решетов В.В. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1962. – Б. 89.

адабий тил имловий меъёрлари талабига мос тушмайдиган имловий вариант шакллари туғдиради ва улар ёзма матнларда ҳам ўз ифодасини топади.

Бизнинг вазифамиз бундай имловий вариантларни лисоний таҳлил қилиш бўлгани учун уларнинг имловий муаммоларига кенг тўхталмаймиз, балки мазкур вариантлари таснифлаш ва таҳлил қилиш билан кифояланамиз.

Ҳозирги ўзбек антропонимияси тизимида унли товушларнинг бир-бирига ўтиши, ўрин алмашиши, товуш тушиб қолиши, аксинча, товуш орттирилиши билан боғлиқ қуйидаги антропонимик вариантлар учрайди:

А>О ҳодисаси вариантлари: *Дўлан (Дўлон), Ишман (Ишмон), Йўлдаш (Йўлдош), Кўзан (Кўзон), Мазид (Мозид), Ромон (Раҳмон), Салай (Салоҳиддин), Хоҳберди (Ҳақберди), Жовҳар (Жавҳар//Гавҳар), Жовли (Жавли), Жавдат (Жовда)* ва бошқалар.

А>Е ҳодисаси вариантлари: *Жейронбой (Жайронбой), Мелик (Малик), Меликмурот (Маликмурот), Рейимбой (Раҳимбой), Керимбой (Каримбой), Зейнаб (Зайнаб), Вейс (Вайс), Зерипбой (Зарифбой), Геваржон//Гевҳаржон (Гавҳаржон), Муҳаммед (Муҳаммад), Рейхан (Райхон), Шерифа (Шарифа)* ва бошқалар.

А>И ҳодисаси вариантлари: *Болтихўжа (Болтахўжа), Болтибой (Болтабой), Исфиндиёр (Исфандиёр) Жунийдурди (Жунайдурди), Аркивой (Аркавой)* ва бошқалар.

А>У ҳодисаси вариантлари: *Қавулниёз (Қовулниёз), Абайдулла (Убайдулла), Дулат (Давлат), Рушан (Равшан), Дурон (Даврон), Зуфар (Зафар), Садр (Судур)* ва бошқалар.

А>Ў ҳодисаси вариантлари: *Жўлон (Жавлон), Кўбўй, (Кўпай), Дўлат (Давлат), Рўшан (Равшан), Дўрон (Даврон), Гўваржон (Гавҳаржон), Рўшаной (Равшаной)* ва бошқалар.

Е>И ҳодисаси вариантлари: *Сивара (Севара), Диван (ова) (Девон(ова), Тимур (Темур), Симург (Семурғ), Алишир (Алишер), Ширали (Шерали), Бикмат, Биймамат (Бегмат//Бегмамат//*

Бекмухаммад), Фируз, Фируза (Феруз//Феруза), Нигмат (Неъмат), Гулчира (Гулчехра), Мингзиё (Менгзиё), Мингсулув (Менгсулув) ва бошқалар.

Е>А ҳодисаси вариантлари: Галдибой (Келдибой), Барганбой (Берганбой), Ганжа//Ганжабой (Кенжа//Кенжабой), Манглибой (Менглибой), Бакчон (Бекжон), Қодирварди (Қодирберди), Рейим//Рейимбой (Раҳим//Раҳимбой), Керимбой (Каримбой), Бактур//Бактурди (Бектур//Бектурди), Бакварган (Бекберган), Бакпўлат (Бекпўлат) ва бошқалар.

Ё>Я ҳодисаси вариантлари: Ядгор//Ядгора (Ёдгор//Ёдгора), Яқуббой (Ёқуббой), Яқутжон (Ёқутжон), Ярмат (Ёрмат), Мадияр (Муҳаммадиёр), Бахтияр (Бахтиёр), Қуряз (Қурёз//Қурбонниёз), Гедаяз//Геданияз (Геданиёз), Эшяз (Эшёз//Эшниёз), Яхя (Ёҳё//Ёҳёбек) Жумяз (Жумаёз//Жуманиёз) ва бошқалар.

Ё>Ж ҳодисаси вариантлари: Жормат//Жормамаат (Ёрмат// Ёрмамаат), Жонтоқ (Ёнтоқ), Жамғир//Жамғирбай (Ёмғир//Ёмғирбой), Жовбўри (Ёвбўри), Жоркул (Ёркул), Жарқин//Жарқиной (Ёрқин//Ёрқиной), Жанар (Ёнар), Жаман//Жаманбай (Ёмон//Ёмонбой), Жаманкул (Ёмонкул), Жаманқара (Ёмонқора), Жалғас (Ёлғош) ва бошқалар.

И>У ҳодисаси вариантлари: Маърип (Маъруф), Мақсим (Мақсум), Қўнғир (Қўнғур), Тўлқун (Тўлқин), Эшқовил (Эшқобул), Қовил (Қобул), Тансуқ (Тансиқ), Қўшқунбой (Қошкинбой), Турсун (Турсин), Юрсун (Юрсин) ва бошқалар.

И>Е ҳодисаси вариантлари: Негора (Нигора), Неязжан (Ниёзжон), Сарвеназ (Сарвиноз) ва бошқалар

И>А ҳодисаси вариантлари: Зиёваддин (Зиёвиддин), Зилоладдин (Зилолиддин), Асомаддин (Асомиддин), Асмат//Асматилла, (Исмат//Исматилла), Нажмаддин (Нажмиддин), Арзакул (Арзикул), Имомаддин (Имомиддин), Саҳат (Сиҳат), Наҳолжон (Ниҳолжон), Наҳоят (Ниҳоят) ва бошқалар.

О>А ҳодисаси вариантлари: Адамбой (Одамбой), Адилбай (Одилбой), Адила (Одила //Одина), Изам (Изом), Дадахан (Дадахон), Зармас (Зормас), Исахон (Исохон), Майлан (Майлон), Мардан (Мардон), Матиса (Матисо), Ағавой//Ағабой//Ағабой (Оғабой), Ағабек (Оғабек), Атабек (Отабек), Атабой (Отабой), Атагалди (Отагалди), Алланазар (Олланазар), Аллаёр (Оллоёр), Айсанам (Ойсанам), Нарбой (Норбой), Халбой (Холбой), Айсоат (Ойсоат), Азад (Озод), Бабаяз (Бобониёз), Бағбек//Бағибек (Боғибек), Бекжан (Бекжон), Даниш// Данияр (Дониш//Дониёр), Вадид (Водуд), Жавқаш (Жовқаш), Жайнақ (Жайноқ), Ёндаш (Ёндош) ва бошқалар.

О>Э ҳодисаси вариантлари: Энажон (Онажон), Энагул (Онагул), Энамой (Онамой), Энабиби (Онабиби), Энақиз (Онақиз), Бэжан (Бойжон), Бэжигит (Бойжигит) ва бошқалар.

О>Ў ҳодисаси вариантлари: Бўбаш (Бобош), Бўбан (Бобон), Хўважон (Ховажон), Нўрмат//Нўрмамат (Нормат// Нормамат), Бўважон (Бобожон), Бўйназар (Бойназар), Бўйбува (Бойбува), Бўйжигит (Бойжигит), ва бошқалар.

У>И ҳодисаси вариантлари: Маҳсим (Мақсум), Раҳматилло (Раҳматулла), Имида (Умида), Амрилла (Амрулла), Абдилла (Абдулла), Абдилхай (Абдулхай), Ашир (Ашур), Ёқип//Ёқиппой (Ёқуб//Ёқуббой), Ибайдилло (Убайдулла), Зайнил (Зайнула), Исмонжон (Усмонжон), Исманали (Усманали), Имарқул (Умарқул), Мавлида (Мавлуда), Мадисмон (Мадусмон), Маъмир (Маъмур) ва бошқалар.

У>А ҳодисаси вариантлари: Маҳаммад (Муҳаммад), Абайдулла (Убайдулла), Залқар (Зулқарной), Маҳаммаддўст (Муҳаммаддўст), Манаввар (Мунаввар), Абайдхон (Удайдхон) ва бошқалар.

У>Ў ҳодисаси вариантлари: Зўхир (Зухур), Зўриддин (Зухриддин), Лўкча (Лукча), Ўсмон (Усмон), Ўсан//Усан (Хусан), Хўсинбой (Хусаинбой), Нўриддин (Нуриддин), Жўма (Жума),

Жўмагул (Жумагул), Жўмат// Жумад (Жумамуҳаммад), Жўнай (Жўнайдулла), Жўлли//Жўли (Жулли) ва бошқалар.

Э>И ҳодисаси вариантлари: Исон//Исонкул (Эсон//Эсонкул), Исонали//Ихсонали (Эсонали//Эҳсонали), Ишчон (Эшжон), Ишкул (Эшкул), Ишбўри (Эшбўри), Ишим (Эшим//Эшмуҳаммад), Ихсонбек (Эҳсонбек), Иргаш (Эргаш) ва бошқалар.

Э>А ҳодисаси вариантлари: Арка//Аркавой (Эрка//Эркабой), Аркин//Аркинбой (Эркин//Эркинбой), Алёр//Алёрбек//Алёра (Элёр//Элёрбек//Элёра) ва бошқалар.

Я>А ҳодисаси вариантлари: Мехриа (Мехрия), Лутфия (Лутфия), Гулфия (Гулфия), Зулфия (Зулфия), Ғозиа (Ғозия), Олиа (Олия), Шодиа (Шодия), Розиа (Розия), Руҳиа (Руҳия), Шамсиа (Шамсия), Шарқиа (Шарқия), Валиа (Валия) ва бошқалар.

Ў>И ҳодисаси вариантлари: Йилмат (Йўлмат), Ниянбек (Нўёнбек), Изанбай (Ўзанбой), Чиёнбек (Чўёнбек), Миттихон (Мутти//Мўттихон//Мўтабар//Мўътабар// Мўътабархон) ва бошқалар.

Ў>У ҳодисаси вариантлари: Кубай//Купалбай (Купал//Кўпалбой), Дурмон (Дўрмон), Дунбай (Дўнбой), Дунон (Дўнон), Дусат (Дўсат), Дусмон (Дўсмон//Дўстмуҳаммадхон), Луққи (Лўққи), Қулдош (Кўлдош), Қушоқ (Кўшоқ), Урал//Уралбой (Ўрол//Ўролбой), Туйчи//Туйчибой (Тўйчи//Тўйчибой) ва бошқалар.

Ў>О ҳодисаси вариантлари: Достмат (Дўстмат//Дўстмуҳаммад), Досим(ов) (Дўсимов), Жовмард (Жўмард), Тохта//Тохтабиби (Тўхта//Тўхтабиби), Тохтажоджа (Тўхтаҳўжа), Розмат//Розмамат (Рўзмат//Рўзмамат//Рўзимуҳаммад), Розика (Рўзика), Розимбой (Рўзимбой), Хожяз//Ходжанияз (Хўжэз//Хўжаниёз) ва бошқалар.

Юқорида таҳлилга тортилган фактик материаллар вилоятлар бўйлаб амалга оширилган экспедиция натижалари

бўлиб, буларнинг асосий сабаблари лаҳжавий шакллар, қисқарган шакллар, рус тилининг таъсирида юзага келган шакллар ҳамда тарихий шакллар ҳисобланади ва ачинарлиси, бу каби ҳолатлар айрим расмий идораларда давом этмоқда. Бизнингча, биз томонимиздан антропонимлар имлоси бўйича тақдим қилинган тавсияларни амалиётга жорий қилиш лозим.

4. Ундошлар имлоси билан боғлиқ имловий вариантлар

Маълумки, ўзбек адабий тили учун 25 та ундош адабий меъёрдир. Ушбу товушлар нутқий амалиётда талаффузнинг талабига кўра, сўз талаффузини осонлаштириш мақсадида, қолаверса, оғзаки ва лаҳжавий нутқнинг хусусиятлари туфайли, кўп ҳолларда сўзловчи ва ёзувчининг саводхонлик даражаси таъсирида баъзи қонуний фонетик товланишлар ёки ноадабий (номеъерий) ўзгаришларга учрайди. Бунда исм таркибидаги бирор бир товушнинг бошқа бир товуш шаклига ўтиши, товушнинг қисқариб тушиб қолиши, аксинча, товуш ортиши ёки умуман товушнинг нотўғри талаффуз қилиниши ҳоллари учрайди. Мана шундай омиллар исмнинг тўлиқ (меъерий) шаклининг бузилишига, номнинг иккинчи бир шаклий варианты юзага келишига сабаби бўлади. Бу ҳодиса икки ҳолатда ёрқин намоён бўлади:

биринчиси, товушнинг тўлиқ (тўғри) шакли, унинг оғзаки талаффуз шаклидан вариант ҳосил бўлади, масалан: **Воҳид** (тўлиқ шакли)-*Вайид* (оғзаки талаффуз шакли) ёки **Тоҳир** (тўлиқ шакли)-*Тойир* (оғзаки талаффуз шакли) каби;

иккинчиси, товушнинг тўлиқ тўғри шакли унинг лаҳжавий шакли билан вариант ҳосил қилади, масалан **Келдибой** (тўлиқ шакли)-*Галдибой* (лаҳжавий шакл), **Назокат** (тўлиқ шакли) – *Лазокат* (лаҳжавий шакл) ва бошқалар.

Бундай ҳолларда исм таркибидаги товуш ўзгариши умуман оғзаки нутқ таъсирида юз бермоқдами ёки лаҳжавий талаффуз туфайли юзага келмоқдами? Буни аниқлаш ёки ажратиш анча қийин бўлади. Бунинг устига адабий тил (нутқ) доирасида ҳам товушларнинг матнда рақам қилинувчи шакли билан унинг оғзаки талаффузи ўртасида тафовут учраб туради ҳамда бундан сўз вариантлари юзага келади. Бу каби ҳолларда товушнинг тўлиқ ҳолати ёзма нутқ (адабий имло) учун, иккинчи варианты эса, адабий талаффуз учун меъёр деб ҳисобланади.

Ҳар ҳолда ўзбек исмлари таркибида келувчи ундош товушларнинг ўзгариши туфайли антропонимик вариантларнинг юзага келишида турли омиллар роль ўйнайди.

Қуйида биз, ўрни билан, ўзбек исмлари таркибидаги ундош товушларнинг ўзгариши туфайли юзага келадиган вариантларга тўхталамиз. Булар қуйидагилар:

Б>В ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Бовожон (Бобожон), Ихволиддин (Иқболиддин), Ивадулла (Ибодулла), Зувай (Зубай), Зувайд (Зубайд//Зубайдулла), Галдивой (Келдибой), Йўлварс (Йўлбарс), Совур//Мамасовур (Собир//Муҳаммадсобир), Ағавой (Оғабой), Отавой (Отабой), Қодирварган (Қодирберган), Қурвондурди (Қурбондурди), Қурвоной (Қурбоной), Эшварди (Эшберди), Каримварди (Каримберди), Ўралвой (Ўралбой), Сорабийви (Саробиби), Қовулниёз (Қобулниёз), Гулзева (Гулзебо) ва бошқалар.*

Б>П ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Аяп (Аёб), Вақон//Ваҳон (Ваҳоб), Ёрлақап (Ёрлақаб), Зайнап (Зайнаб), Ёқип//Ёқипбой (Ёқуб// Ёқуббой), Маннап (Манноб), Ражап (Ражаб), Режапбийи (Ражаббиви), Зухрон (Зухроб), Турон (Туроб), Орипбой (Орифбой), Сухрон (Сухроб), Сойип//Сойипниёз (Сойиб//Соҳибниёз) ва бошқалар*

Б>М ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Майрам* (*Байрам*), *Қурмон* (*Қурбон*) ва бошқалар. Мазкур ундошлар билан кам учраши аниқланди.

В>Б ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Зиёбиддин* (*Зиёвуддин*), *Бали*//*Балиқул* (*Вали*//*Валиқул*), *Балижон* (*Валижон*), *Басил*//*Басила* (*Васила*), *Босит*//*Боситхўжа* (*Восит*//*Воситхўжа*), *Бафо(ев)* (*Вафо(ев)*), *Боҳид* (*Воҳид*) ва бошқалар.

Б>Ф ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Соиф*//*Сойиб* (*Соҳиб*), *Муталлиф* (*Муталлиб*) ва бошқалар. Кам учрайди.

Б>Й ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Тўхтабийи* (*Тўхтабиби*), *Ҳожарбийи* (*Ҳожарбиби*), *Анабийи*//*Онабийи* (*Онабиби*), *Кумушбийи* (*Кумушбиби*), *Уллийи* (*Уллибиби*), *Бийижон* (*Бибижон*), *Санамбийи* (*Санамбиби*), *Сорабийи* (*Сорабиби*), *Режапбийи* (*Ражаббиби*), *Ойбийи* (*Ойбиби*) ва бошқалар.

Д>Т ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Мадат* (*Мадад*), *Матвали* (*Мадвали*), *Жўмарт* (*Жовмард*), *Жавот* (*Жавод*), *Жамшит* (*Жамшид*), *Жовдад* (*Жовдад*), *Ибот* (*Ибод*), *Зойит* (*Зойид*//*Зоҳид*), *Зиёт* (*Зиёд*), *Матризо* (*Мадризо*), *Матали* (*Мадали*//*Муҳаммадали*), *Озот* (*Озод*), *Аҳатбек* (*Аҳадбек*), *Асқат* (*Асқад*), *Асатбек* (*Асадбек*), *Беҳбут* (*Беҳбуд*), *Войит*//*Воҳит* (*Воҳид*), *Мурот* (*Мурод*), *Зумрат* (*Зумрад*), *Иқболитдин* (*Иқболиддин*) *Кароматдин* (*Каромиддин*), *Қамаратдин* (*Қомариддин*), *Рашит* (*Рашид*) ва бошқалар.

Ж>Ч ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Боситчон* (*Боситжон*), *Дўсчон* (*Дўстжон*), *Матчон* (*Матжон*), *Эччан*//*Эшчан*//*Эшчанбой* (*Эшжон*//*Эшжонбой*), *Йўлчура* (*Йўлжўра*), *Бекчонбой* (*Бекжонбой*), *Кўччон*//*Кўшчон* (*Кўшжон*), *Гулчон* (*Гулжон*), *Сетчон*//*Сейтчан* (*Саиджон*) ва бошқалар.

З>С ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Наргис* (*Наргиз*), *Рўсика* (*Рўзика*), *Рисқ* (*Ризқ*), *Авас*//*Авасой* (*Аваз*//*Авазой*), *Лазис*

(Лазиз), Афсал (Афзал), Марсия (Марзия), Махфуса (Маҳфуза), Мусрон (Музроб), Сойит (Зойид//Зоҳид) ва бошқалар.

З>Д ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Хидир//Хидирали (Хизир//Хизирали), Хидирбой (Хизирбой) ва бошқалар. Мазкур ундошлар билан кам учраши аниқланди.

Й>И ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Жунаид (Жудайд), Зубаид (Зубайд), Раимбой (Райимбой), Соиб (Сойиб), Илқибой (Йилқибой) ва бошқалар.

Й>Н ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Зиннат (Зийнат), Бонназар (Бойназар), Зиннатулло (Зийнатулла), Занниддин (Зайниддин) Заннобиддин (Зайнобиддин) ва бошқалар. Кам учрайди.

Й>Ж ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Бойжигит (Боййигит), Жўлчи (Йўлчи), Жўлли (Йўлли), Жўлбек (Йўлбек), Жонжигит (Жонйигит), Жилқибой (Йилқибой), Норжигит (Норйигит), Оқжигит (Оқйигит), Эржигит (Эрйигит), Жўлдас (Йўлдош) Жўлмат (Йўлмат) Жўлбарс (Йўлбарс) ва бошқалар.

К>Г ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Гўчгалди (Кўчкелди), Галдибой (Келдибой), Ганжа//Ганжахон (Кенжа//Кенжахон), Ганжавой (Кенжабой) Жумагалди, (Жумакелди), Хўжагалди (Хўжакелди), Бегали (Бекали), Бегбўта (Бекбўта), Бегмат//Бегмамат (Бекмат//Бекмамат //Бекмуҳаммад) ва бошқалар.

К>Х ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Ихром (Икром), Ихмат, Икмат//Ҳикмат, Ихромиддин (Икромиддин), Зоҳир//Зоҳирбой (Зоқир//Зоқирбой) ва бошқалар.

К>Ҳ ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Назоҳат (Назокат), Ихром (Икром), Аҳмал (Акмал), Бехзод (Бекзод), Кўҳламой (Кўкламой) Мамазоҳир (Муҳаммадзоқир), Зоҳир//Зоҳирхўжа (Зоқир//Зоқирхўжа) ва бошқалар.

К>Қ ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Қозим//Қозимбой (Козим//Козимбой), Қумушбиби (Кумушбиби),

Қамолжон (Камолжон), Қомилжон (Комилжон), Қўқлам (Кўклам), Қаромат (Каромат), Оқбар (Акбар) ва бошқалар.

Ҳ>Л ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Малламжон (Малҳамжон), Зўлиддин (Зухриддин), Зўла (Зухра) ва бошқалар. Кам учрайди.

Л>Р ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Иқбор (Иқбол), Мусирмон//Мусирмонқул (Мусулмон//Мусулмонқул), Асқал//Асқалтой, (Асқар//Асқартой), Меҳлибон (Меҳрибон), Меҳлиой (Меҳриой), Норсурув (Норсулув), Гулсурув (Гулсулув), Ойлархон (Ойлархон), Қизлалхон (Қизлархон) ва бошқалар.

Л>Б ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Обло (Олло), Облаёр (Оллоёр), Облақул (Оллоқул), Ҳалибулло (Ҳабибулла), Облошариф (Оллошариф) ва бошқалар.

Л>В ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Овла (Олло), Ҳавивулла (Ҳабибулла), Ҳаливулло (Ҳалилулла), Савтанат (Салтанат), Йўвмирза (Йўлмирза) ва бошқалар.

Л>Й ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Мирсаймон (Мирсалмон), Жарийхон (Жарилхон), Шодийхон (Шодилхон), Абуйсайд (Аблусайд) ва бошқалар.

М>Н ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Нозин//Нозинбой (Нозим//Нозимбой), Оллон//Оллонбой (Оллам//Олламбой), Сотин (Сотим), Инонжон (Иномжон), Муслин (Муслим), Нарин (Нарим// Наримон) ва бошқалар.

М>В ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Асовуддин (Асомиддин), Абдусавад (Абдусамад), Исовуддин (Исомиддин), Бемават (Беймамат// Бекмуҳаммад) ва бошқалар.

М>Ғ ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Ёғмур (Ёмғир). Кам учрайди.

М>Б ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Банноп//Абдубанноп (Манноф//Абдуманноф), Баккам (Маҳкам), Асобиддин (Асмиддин), Шодбонжон (Шодмонжон) ва бошқалар.

Н>Д ҳодисаси билан алоқадор вариантлар: *Зайди//Зайдиддин (Зайни//Зайниддин), Самаддар (Самандар), Маждун (Мажнун)* ва бошқалар.

Н>Л ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Лазокат (Назокат), Зайлаб (Зайнаб), Зайлобиддин (Зайниддин), Дўлон//Дўлонбой (Дўнон//Дўнонбой), Илтизор (Интизор), Зулум//Зулумбой (Зуннун)* ва бошқалар.

Н>М ҳодисаси билан алоқадор вариантлар: *Сумбул (Сунбул), Муҳсим (Муҳсин), Симдор (Синдор), Қанбар (Қамбар), Аймиддин (Аймиддин), Аймура (Айнура), Соғим//Соғимбой (Соғин//Соғинбой), Шамбагул (Шанбагул) Эсамқул (Эсонқул), Қуромбой (Қуранбой), Бўромбек (Бўронбек)* ва бошқалар.

П>Б ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Кубай//Кўбай (Кўпай), Қоблон (Қоплон), Бекбўлат (Бекпўлат), Матбано (Матпано), Эшбулат (Эшпўлат), Чабан//Чўбон (Чўпон)* ва бошқалар.

Р>Л ҳодисаси билан алоқадор вариантлар: *Аброл (Аброр), Абролқул (Аброрқул), Аҳролбой (Аҳрорбой), Асрол// Асролбек (Асрор// Асрорбек), Дониёл (Дониёр), Давлон (Даврон), Салдорбек (Сардорбек)* ва бошқалар.

С>З ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Изомаддин (Исомиддин), Зайфилла (Сайфулла), Зайфиддин (Сайфиддин), Зобиржон (Собиржон), Зодиқ (Содиқ), Итолмаз (Итолмас), Измоил (Исмоил), Маҳзума (Маҳсума)* ва бошқалар.

Т>Д ҳодисаси билан алоқадор вариантлар: *Дурди//Дурдивой (Турди//Турдибой), Дурдимурот (Турдимурот), Жумадурди (Жуматурди), Собид//Собидахон (Собит), Тордиқвой (Тордиқбой), Бакдурди (Бектурди), Мурот (Мурод), Дурдипошша (Турдипошша), Дурдигул (Турдигул) Пархот (Фарход)* ва бошқалар.

Т>Л ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Толли//Толлибой (Тотли//Тотлибой), Толлимурот (Тотлимурод), Толлинисо (Тотлинисо)* ва бошқалар.

Ф>Б ҳодисаси билан алоқадор вариантлар:

Латиб//Латибжон (Латиф//Латифжон), Лутбулла (Лутфулла), Зулби//Зулпи//Зулпизар (Зулфи//Зулфизар), Мушаррап (Мушарраф), Эрнабас (Эрнафас), Зариббой//Зарифбой ва бошқалар.

Ф>П ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар:

Сапар//Сапаргул (Сафар//Сафаргул), Сапарбай (Сафарбой), Напас (Нафас), Матсапо (Матсафо), Шапоат (Шафоат), Сайпулла (Сайфулла), Зарипбой (Зарифбой), Абдунатто (Абдуфаттоҳ), Оптопой (Офтобой), Орип (Ориф), Юсунбой (Юсуфбой), Зулпинисо (Зулфинисо), Зулпия (Зулфия), Потма//Потима (Фотима), Парағат (Фароғат), Пахриттин (Фахриддин), Пайзулла (Файзулло), Пархат (Фарҳод), Парида (Фарида), Пазлиддин (Фазлиддин) ва бошқалар.

Ф>Т ҳодисаси билан алоқадор вариантлар:

Оттоб//Оттобой (Офтоб//Офтобой), Оттобхон (Офтобхон), Иттихор (Ифтихор) Лутти (Лутфи//Лутфулло) ва бошқалар.

Х>Қ ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар:

Мақсумқул (Махсумқул), Мақсум (Махсум), Қолбой (Холбой), Руқсора//Руҳсора (Рухсора), Қўшбоқ (Хушвақт), Қўшназар (Хушназар), Қолтой (Холтой), Қўшмон//Қушман (Хушман//Хушмуҳаммад), Қудоёр (Худоёр), Қудайқул (Худойқул), Қолбек (Холбек) ва бошқалар.

Х>Ҳ ҳодисаси билан алоқадор вариантлар:

Ҳалилулла (Халилулла), Ҳолтўра (Холтўра), Ҳолли (Холли), Ҳолбой (Холбой), Нусҳа (Нусха), Муҳлиса (Мухлиса), Хуршида (Хуршида), Ҳолиса (Холиса), Фаҳритдин (Фахриддин), Тўхтагул (Тўхтагул), Рухсатой (Рухсатой), Хурсанд (Хурсанд), Зулҳумор (Зулҳумор), Баҳтигул (Бахтигул), Баҳтиёр (Бахтиёр), Баҳмулла (Бахмулла) ва бошқалар.

Ш>Ч ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар:

Кумич (Кумуш), Қучмон (Қўшмон//Хўшмон), Қўчон (Қўшжон), Эччан//Эччонбой (Эшжон// Эшжонбой), Точхон (Тожихон) ва бошқалар.

Ш>С ҳодисаси билан алоқадор вариантлар: Сафоат (Шафоат), Серикбай (Шерикбой), Сижоат (Шижоат), Жахсибой (Яхшибой), Жетмисбай (Етмишбой) ва бошқалар.

Қ>Х ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Садохат (Садоқат), Ахчабой (Ақчабой), Ихвол//Ихволиддин (Иқбол//Иқболиддин), Ихвалой (Иқболой), Мисхол (Мисқол), Тўхли//Тўхлибай (Тўқли//Тўқлибой), Хозихон (Қозихон), Хадимбай (Қадимбой) ва бошқалар.

Қ>Ғ ҳодисаси билан алоқадор вариантлар: Луғмон (Муқмон), Саригбош (Сариқбош), Тўғиз (Тўққиз), Иномғул (Иномқул), Тағдир, (Тақдир), Раззоғ//Раззоғварган (Раззоқ//Раззоқберган), Ортиғ (Ортиқ), Сиддиғжон (Сиддиқжон) ва бошқалар.

Қ>Ҳ ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Асҳад//Асҳадбек (Асқад//Асқадбек), Махсуд//Махсудали (Мақсуд//Мақсудали), Олҳор (Олқар), Абдулхосим (Абдулқосим), Муҳим//Муҳимбек (Муқим//Муқимбек), Хурсия//Қурсия ва бошқалар.

Қ>К ҳодисаси билан алоқадор вариантлар: Акбой (Оқбой), Зулкарной (Зулқарной), Камбар//Камбарали (Қамбар//Қамбарали), Култой (Қултой), Кулбек (Қулбек), Аскар (Асқар), Киличбой (Қиличбой), Кучкар (Қўчқор), Курбан (Қурбон), Куряз-Курязвой (Қурёз//Қурёзбой), Матқурбан (Матқурбон), Матякуб (Матякуб), Артик (Ортиқ), Разак (Раззоқ), Содикжан (Содикжон), Сиддика (Сидиқа), Худойкули(ев) (Худойкули(ев) ва бошқалар.

Ҳ>Й ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: Абдувойид (Абдувоҳид), Абдурайим (Абдураҳим), Райимбой (Раҳимбой), Войид//Войиджон (Воҳид//Воҳиджон), Зойидбой (Зоҳидбой), Тойир//Тойирбек, (Тоҳир//Тоҳирбек), Шойиста//Шохиста (Шоҳиста), Мадрайим (Мадраҳим), Мирзарайим (Мирзараҳим) ва бошқалар.

Ҳ>К ҳодисаси билан алоқадор вариантлар: *Маккам (Маҳкам), Адкам (Адҳам), Буркон (Бурҳон), Бекбуд (Беҳбуд), Макатбек (Маҳадбек), Абдукай (Абдулҳай), Макбуза (Маҳбуза)* ва бошқалар.

Ҳ>В ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Завра//Зўвра (Зухро) Абдузувур (Абдузухур), Маловат (Малоҳат), Мовижамол (Моҳижамол)* ва бошқалар.

Ҳ>Х ҳодисаси билан алоқадор вариантлар: *Абдурахим (Абдурахим), Воҳид//Воҳида (Воҳид//Воҳида), Жавхар (Жавҳар//Гавҳар), Мадрахим(ов) (Мадрахим(ов), Зухра (Зухра), Махан (Маҳан), Мухаррам (Муҳаррам), Раҳминисо (Раҳминисо), Раҳматжон (Раҳматжон), Субхон (Субҳон), Тухна//Тухпанисо (Тухфа//Тухфанисо), Раҳимбой (Раҳимбой), Хайитбой (Ҳайитбой), Хожарбийи (Ҳожарбиби), Хақназар (Ҳақназар), Хамдам (Ҳамдам), Хамид (Ҳамид), Маҳкам (Маҳкам), Маҳфуза (Маҳфуза), Пархот (Фарҳод)* ва бошқалар.

Ғ>Қ ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Улуқбек (Улуғбек), Улуқ(ов) (Улуғ(ов), Қайрат (Ғайрат), Турқай (Тўрғай), Тўлқоной (Тўлғоной)* ва бошқалар.

Ғ>Х ҳодисаси билан алоқадор вариантлар: *Парахат (Фароғат), Ханишер (Ғанишер), Қутлуқмурот (Қутлуғмурот), Турхонали (Турғонали), Норхоси (Норғози)* ва бошқалар.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, ўзбек антропонимларининг имлоси юзасидан амалдаги имло қоидаларига кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласи бугунги кундаги долзарб масалалардан бири саналади.

Шунингдек, исмлар таркибида келган бирор унли ёки ундош товушларнинг бошқа бир товушларга айланиши товушларнинг комбинатор ўзгаришлари деб юритилади ҳамда улар юз бераётган ҳодисанинг моҳияти, шаклига кўра ассимиляция, диссимиляция, аккомодация, сингармонизм, унлиларнинг лабиал

гармонияси деб қайд этилади²⁰⁵. Келтирилган ҳодисаларнинг юз бериши оддий лексика сатҳида, шу билан бирга, атоқли отлар тизимида ҳам учрайди. Чунки атоқли от ҳосил қилиш учун асос бўлган сўз (апеллятив) бирор шева ёки халқ оғзаки нутқида қандай талаффуз қилинса, бу хусусият у исм вазифасида келганида ҳам амал қилади. Юқорида келтирилган унли товушлар ҳамда ундош товушларнинг бири иккинчисига ўтиши билан боғлиқ ҳодисалар заминида ўзбек тилининг оғзаки нутқи ва шевалари фонетикасига хос хусусиятлар ётади. Булар қуйидагилар:

бир товуш талаффузининг иккинчи товуш талаффузига мослашиши (аккомодация) ҳодисаси ҳисобланади, масалан: *Тойир* (<Тоҳир), *Санамбийи* (<Санамбиби), *Зойид* (<Зоҳид), *Сойип* (<Соҳиб) ва бошқалар;

қатор келган ундош товушларнинг бир-бирига таъсири натижасида бирининг иккинчисига мослашуви (ассимиляция) ҳодисаси саналади. Бунда исм таркибида кейинги товушнинг олдинги товушга мослашуви (регрессив ассимиляция) ҳисобланади, масалан: *Эши* (<Эшжон), *Оййиса* (<Ойнисо), *Шенна* (<Шерназар), *Кувват* (<Қурбон) ва бошқалар;

олдинги товушнинг кейингисига мослашуви (прогрессив ассимиляция) ҳисобланади, масалан: *Паддақул* (<Пардақул), *Гунноз* (<Гулноз), *Танггиберган* (<Тангриберган), *Туссун* (<Турсун), *Туғғун* (<Турғун), *Таллон* (<Тарлон), *Миззизон* (Мирзахон), *Зиннат* (<Зиёнат), *Дўрон* (Даврон), *Юссун* (<Юрсин), *Қўссин* (<Қўшсин) ва бошқалар.

Сўз таркибидаги ёнма-ён келган ўхшаш товушлардан бири талаффузда ноўхшаш ҳолатга келиб қолади. Бу ҳолат эса тилшуносликда диссимиляция деб юритилади, масалан: *Зарилбой* (<Зарурбой), *Мўлда* (<Мулла) каби. Диссимиляция

²⁰⁵ Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1992. – Б. 183-190.

ҳодисаси ҳам ассимиляция каби прогрессив ва регрессив типларга бўлинади. Бу хусусият исмлар таркибида кам учрагани учун унчалик характерли эмас.

5.Товушнинг тушиши ёки аксинча ортиши билан боғлиқ ҳодисаларга доир вариантлар

Маълумки, тилдаги ҳар қандай ўзгариш ўша тил ички қонуниятлари йўл қўювчи муайян қонуниятлар асосидан вужудга келади. Мана шундай ҳол ўзбек исмлари таркибидаги баъзи ўзгаришларда ҳам амал қилади. Қуйида фактик материаллар асосида таҳлилга тортилган ҳодисаларга тўхталамиз:

-исм бошидаги бирор товушнинг талаффузда тушиш ҳодисаси (**прокопа**): *Абибулла* (<Ҳабибулла), *Рисқул* (<Ирисқул), *Айтжон* (<Ҳайитжон), *Икмат* (<Ҳикмат), *Айдарбек* (<Ҳайдарбек), *Асанбой* (<Ҳасанбой) ва бошқалар;

-сўзнинг ўрта бўғини (ичи)даги товушнинг туширилиши ҳодисаси (**синкопа**): *Ромон* (<Раҳмон), *Рўшон* (<Равшан), *Гўваржон* (<Гавҳаржон), *Гулчера* (<Гулчехра), *Мамут* (<Маҳмуд), *Раматулла* (*Раҳматулла*), *Зўриддин* (<Зухриддин), *Соиб* (<Сойиб//Соҳиб), *Шоиста* (<Шоҳиста), *Байзоқ* (<Бойузоқ) каби;

исм охиридаги бирор товушнинг тушиши ҳодисаси (**апокопа**): *Дилфуз* (<Дилфуза), *Дўс* (<Дўст), *Убдупатто* (<Абдуфаттоҳ), *Воси* (<Восит), *Амиршо* (<Амиршоҳ), *Жумал* (<Жумаали), *Жонғоз* (<Жонғози), *Мадал* (<Мадали), *Мажи* (<Мажид) каби.

Исмлар қисқаришининг яна бошқача кўринишларидан бири ном таркибидаги бирор товушнинг талаффузда тушишидир. Мазкур жараён (ҳолат) кўп бор такрорланиши туфайли исмнинг ўша шаклдаги талаффуз варианты юзага келади ҳамда у *имлога*

(ёзма манбаларга) кириб келади. Исмларнинг таркибидан бирор товуш туширилган шакллари, одатда, лаҳжавий ҳодиса ҳисобланиб, номнинг тўлиқ шаклига нисбатан имловий жиҳатдан нуқсонли ҳолат деб баҳоланади. Қуйида исм таркибидаги бирор товуш тушиши туфайли юзага келувчи имловий вариантларни келтирамыз:

Исмнинг тўлиқ (тўғри) шакли	Товуш тушгач, ҳосил бўлган шакл	Туширилган товуш
Хўжаберди	Хўжварди	А
Машариф	Машрип	А
Жуманиёз	Жумёз	А
Мавжуда	Мавжуд	А
Дилфуза	Дилфуз	А
Бойали	Бойли	А
Абулхайр	Булхайр	А
Матниёз	Матёз	И
Абдирим	Абдрим	И
Бувинисо	Бувнисо	И
Амирилла	Амрилла	И
Алима	Алмат	И
Рўзиқул	Рўзқул	И
Ҳайитжон	Ҳайтжон	И
Ҳайитмат	Ҳайтмат	И
Рўзика	Рўзка	И
Бобоғани	Бовғон	И
Рўзимат	Рўзмат	И
Бўрихон	Бўрхон	И
Бўритой	Бўртой	И
Жумали	Жумал	И
Жонғози	Жонғоз	И
Мадали	Мадал	И
Худоёр	Худёр	О
Исохон	Сохон	И

Масоат	Масат	О
Умарали	Марали	У
Абдуазим	Абдазим	У
Убайдулла	Байдулла	У
Бекузоқ	Бекзоқ	У
Бойузоқ	Бойзоқ	У
Бобониёз	Бонниёз	Б
Субҳонқул	Сухонқул	Б
Қурбон	Қурон	Б
Довуд	Даут	В
Жавлон	Жўлон	В
Жовмард	Жомард	В
Мажид	Мажи	Д
Абдирим	Абирим	Д
Бадриддин	Бариддин	Д
Зайниддин	Зайнидин	Д
Саъдиддин	Саиддин	Д
Мажидиддин	Мажиддин	Д
Сиддиқа	Сидиқа	Д
Иззат	Изат	З
Азизхон	Азихон	З
Азизбой	Азибой	З
Раззоқ	Разақ	З
Иззатулла	Изатулла	З
Раззоқберди	Разоқберди	З
Абдулхай	Абдухай	Л
Абдужалил	Абдужали	Л
Дилберди	Диберди	Л
Гулмаҳат	Гумаҳат	Л
Галди	Гади	Л
Жўлли	Жўли	Л
Жамбил	Жамби	Л
Баллиқул	Балиқул	Л
Холберди	Хаварди	Л
Акимниёз	Акиниёз	М

Абдусалим	Абдусали	М
Муҳаммад	Мухамат	М
Мукамал	Мукамал	М
Муҳаммадали	Муҳамадали	М
Пирмамнат	Пирмамат	М
Умматали	Уматали	М
Душанбой	Душабой	Н
Зиннур	Зинур	Н
Мандин	Манди	Н
Мардон	Марда	Н
Матназар	Матазир	Н
Жаннат	Жанат	Н
Йўлбарс	Йўварс	Р
Асроркул	Асракул	Р
Бузрукхон	Бузурхон	Р
Жобборали	Жабарали	Б
Бадрижамол	Бадижамол	Р
Шарқия	Шақия	Р
Кашшоф	Кашоп	Ш
Ойпошша	Ойпоша	Ш
Пошшахон	Пошахон	Ш
Дарвеш	Дарви	Ш
Дўстбек	Дўсбек	Т
Дўстали	Дўсали	Т
Дўстёр	Дўсёр	Т
Оллодўст	Алладўс	Т
Савлат	Савла	Т
Восит	Воси	Т
Еттовқул	Етовқул	Т
Дўстбой	Дўсбой	Т
Эҳсон	Исон	Ҳ
Исҳоқали	Исоқали	Ҳ
Исҳоқжон	Исоқжон	Ҳ
Муҳаммадраҳим	Мамарайим	Ҳ
Гулчехра	Гулчера	Ҳ

Раҳимбой	Раимбой	Ҳ
Абдурахим	Абдураим	Ҳ
Захро	Зўро	Ҳ
Зухра	Зўра	Ҳ
Амиршоҳ	Амиршо	Ҳ
Ҳақбой	Ақбой	Ҳ
Ҳайитқул	Айитқул	Ҳ
Ҳайитжон	Айтжон	Ҳ
Ҳайитвой	Айтвой	Ҳ
Ҳикмат	Икмат	Ҳ
Ҳайдарбек	Айдарбек	Ҳ
Абдурахмат	Убдурамат	Ҳ
Раҳматжон	Раматжон	Ҳ
Ҳасанбой	Асанбой	Ҳ
Воҳид	Воид	Ҳ
Раҳмон	Ромон	Ҳ
Тоҳир	Тоир	Ҳ

Шунингдек, исмларда вариантдорликни юзага келтирувчи яна битта хусусият талаффуз жараёнида баъзи исмлар таркибида **бирор товушнинг орттириб (қўшиб)** айтилишидир. Ушбу фонетик-орфоэпик ҳодиса илмий адабиётларда муайян терминлар остида юритилади²⁰⁶ ва улар ўзига хос қонуниятга эга ҳамда бунинг уч типни кузатилади. Булар қуйидагилар:

1) бирор бир исм бошида товуш орттирилиши ҳодисаси (**протеза**), масалан: *Жакбар* (<Ақбар), *Гилёс* (<Илёс), *Гали* (<Али) каби;

2) бирор бир исм охирида товуш орттирилиши ҳодисаси (**эпитеза**), масалан: *Ҳумой* (<Ҳумо) каби;

3) бирор бир исмнинг ўрта бўғини (ичи)да товуш орттирилиши ҳодисаси (**эпентеза**), масалан: *Қуриёз* (<Қурёз), *Исмоғил* (<Исмоил), *Шафоҳат//Шафоғат* (<Шафоат), *Абдусоҳат*

²⁰⁶ Шоабдурахмонов Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 74-76.

(<Убдусоат), Жуммон (<Жумон) каби. Келтирилган мазкур ҳодисалар ҳам антропонимик вариантларни вужудга келтиради.

Қуйида исмлар таркибида товуш орттирилиши ҳодисасига мисоллар келтиришда давом этамиз. Бу хусусият, асосан, ундош товушларда кузатилади:

-й товушининг орттирилиши: *Гулзийра (Гулзира), Исройил (Исроил)* ва бошқалар;

-н товушининг орттирилиши: *Аннигул (Анагул//Энагул), Анниёз (Анёз), Бонниёз (Бобониёз), Ганнибол (Ганибол), Жуннайд (Жунайд), Санновар (Санобар)* ва бошқалар;

-з товушининг орттирилиши: *Аззамқул (Аъзамқул), Аззам (Аъзам), Аззи (Азиз)* ва бошқалар;

-ж товушининг орттирилиши: *Жакбарали (Акбарали), Жакбар, (Акбар)* ва бошқалар;

-в товушининг орттирилиши: *Валивулла (Валиулла), Аловуддин (Алоуддин)* ва бошқалар;

-г товушининг орттирилиши: *Гильёс (Илёс), Гинойт (Инойт), Гали (Али), Галлам (Олло),* ва бошқалар;

-м товушининг орттирилиши: *Жуммон (Жумон), Жоммиқул (Жониқул), Жумми (Жуманиёз), Қумми (Қуромбой//Қуронбой//Қурбонбой)* ва бошқалар;

-ҳ товушининг орттирилиши: *Шафоҳат (Шафоат), Исроҳил (Исроил), Абдусоҳат (Абдусаот)* ва бошқалар. Бундай ҳодиса кам учраши аниқланди.

-ғ товушининг орттирилиши: *Исмоғил (Исмоил), Исроғил (Исроил)* ва бошқалар. Бундай ҳодиса кам учраши аниқланди.

Имловий вариантлар ҳақидаги таҳлилни тугатар эканмиз, бир масалага қисқача тўхтаб ўтиш лозим бўлади, бу ҳам бўлса, ўзбек исмларининг русча ёзиш (талаффуз қилиш) туфайли юзага келган имловий вариантлардир.

Шўролар даврида миллий-маҳаллий тиллар антропонимиясига бўлган онгли ҳамда бир ёқлама муносабат

миллий исмлар имлосига улкан зарар келтирди, исмларнинг сунъий имловий вариантларини юзага келтирди. Чунки шахснинг туғилганлик гувоҳномасидан тортиб, барча расмий ҳужжатлари (паспорт, турли гувоҳномалар, дипломлар, қайдномалар ва бошқалар)даги ўзбекча исмлар русча шаклда, рус тили имлосига мос равишда ёзиб келинди. Мазкур масалаларга Э.Бегматов ҳам ўзининг ишларида қисқача тўхталиб ўтган. Баъзи исмлар икки ва ундан ортиқ имловий шаклларда ёзилиб келинди: масалан, *Гюльнар, Гульнар, Гюльнор*²⁰⁷. Биз ушбу масалага кенгроқ тўхталишни лозим деб билдик. Чунки, бу ҳол ўзбекча исмларнинг ўзбекча ва русча ёзилиш шаклларида имловий вариантларни юзага келтирди. Булар қуйидаги ҳолатларда яққол кўзга ташланди:

«**о**» товушининг «**а**» тарзида ёзилиши натижасида: *Олим > Алим, Олом > Аллам, Олтин > Алтин, Одил > Адил, Озод > Азад, Озода > Азада, Ойгул > Айгул, Ойнур > Айнур, Ойша > Айша, Омонбой > Аманбай, Остон > Астан, Отабой > Атабай, Отажон > Атаджан, Отагалди > Атагелди, Отамурод > Атамурод, Отаниёз > Атанияз, Ориф > Арип, Ортиқ > Артик, Осие > Азия, Охун > Ахун, Офтоб > Аптап, Очилбой > Ачилбай, Оқбой > Акбой, Оқмон > Акман, Оқилжон > Ақлджан, Оғабек > Агабек, Оғабой > Агабай* ва бошқалар (Биз мазкур ўринда фақат сўз бошида шундай ҳолат юз бериши юзасидан фактик материалларни келтирдик, аслида эса бундай ҳолатлар исмнинг исталган қисмида мавжудлигини ҳам қайд этиш зарур);

«**ё**»товушининг «**я**» тарзида ёзилиши натижасида: *Ёқуб > Якуб, Ёвбосар > Явбасар, Ёдгор > Ядгор, Ёлқин > Ялқин, Ёмонбой > Яманбай, Ёрмат(ов) > Ярмет(ов), Ёрбек > Ярбек, Ёрқул > Ярқул, Ёқутжон > Якутжан, Жуманиёз > Жиманияз, Зиёвиддин > Зиявиддин, Зиёқул > Зияқул, Зикриё > Зикрия, Зиёхон > Зияхан,*

²⁰⁷ Ўзбек исмларининг русча ёзилишидаги нуқсонлар Э.Бегматовнинг «Ўзбек исмлари имлоси» (-Тошкент: Фан, 1972) ишида таҳлил қилинган.

Илѐсбек > Илясбек, Ихтиѐр > Ихтияр, Келдиѐр > Келдияр, Мадиѐр > Мадияр, Мамазиѐ > Мамазия, Маматѐр > Мамадьяр, Матѐкуб > Матякуб, Мехриѐр > Мехрияр, Мирѐхѐ > Миряхя, Ниѐзжон > Ниязжан, Холфаѐз > Халфаяз, Отаниѐз > Атанияз, Фиѐс > Гияс, Хўжаниѐз > Ходжанияз ва бошқалар;

«Ў» товушининг «у» тарзида ѐзилиши натижасида: Ўлмас > Ульмас, Ўктам > Уктам, Ўзбек > Узбек, Ўринбой > Уринбай, Ўрозбо(ев) > Уразбо(ев), Ўроз > Ураз, Ўсарали > Усарали, Ўткир > Уткир, Ўтамурод > Утамурад, Афрўза > Афруза, Бойбўта > Бойбута, Бўри(ев) > Бури(ев), Хўжа > Хужа, Дилафрўз > Дилафруз, Мўмин > Мумин, Рўзибой > Рузибай, Рўзика > Рузика, Сўлимбой > Сулимбай, Пўлат > Пулат, Тўхтасин > Тухтасин, Тўра > Тура, Тўлқин > Тулқин, Тўқсон(ов) > Туксан(ов), Чўпон(ов) > Чупан(ов), Чўри > Чури, Шўра > Шура, Кўпалбой > Кубалбай ва бошқалар;

«ў» товушининг «о» тарзида ѐзилиши натижасида Ўмар > Омар, Ўразмат > Оразмат, Ўроздурди > Оразтурди, Ўринбой > Оринбай, Ўғилой > Огилай, Бўстон > Бостан, Дўсим(ов) > Досим(ов), Зафархўжа > Зафархожа, Исломхўжа > Исломходжа, Моҳрўй > Моҳрой, Пўлат > Полад, Рўзим(ов) > Розим(ов), Тўхтахўжа > Тохтаходжа, Хўжамқул > Хожамқул, Хўжаѐз > Ходжанияз, Хўжамурод > Ходжамурот, Чўпон(ов) > Чопан(ов), Чўри(ев) > Чори(ев) ва бошқалар;

«қ» товушининг «к» тарзида ѐзилиши натижасида: Қадамбой > Кадамбай, Қамариддин > Камариддин, Қаҳрамон > Кахраман, Қизлархон > Кизлархан, Қобул > Кобил, Қодирхўжа > Кадирходжа, Қорияқуб > Корияқуб, Қулмамат > Кулмамат, Қуронбой > Куранбай, Қурон(ов) > Куран(ов), Қўшмон > Кушман, Мақсад > Максад, Нурқосим > Нуркосим, Оқберди > Окберди, Пиримқул > Пиримқул, Саидқосим > Саидкосим, Қўнғур(ов) > Конғур(ов) ва бошқалар;

«ғ» ҳарфининг «г» тарзида ѐзилиши натижасида: Ғайбулла > Гайбулла, Ғани(ев) > Гани(ев), Ғофур > Гафур, Ғаффор > Гаффар,

Ғойип(ов) > Гаип(ов), Ғози(ев) > Гази(ев), Ғулом > Гулям, Бойғози > Байгази, Манғитбой > Мангитбай, Олғир(ов) > Алгир(ов), Ғариф > Гариб, Тоғаймурот > Тагаймурат, Тўлғоной > Тулганай, Чағабой > Чагабай, Ўғилой > Огилай ва бошқалар;

«**о**» ҳарфининг «**я**» тарзида ёзилиши натижасида: *Ғулом > Гулям, Дилора > Диляра, Мавлон > Мавлян, Олломи > Аглям, Облоқул(ов) > Абляқул(ов), Тилоб(ов) > Тиляб(ов), Хушнор(ов) > Хушняр(ов) Эрлон > Эрлян* ва бошқалар;

«**у**» товушининг «**ю**» тарзида ёзилиши натижасида: *Айнуро > Айнюра, Гулнора > Гюльнора, Дилнуро > Дильнюра, Лолагул > Лолагюль, Мавлуда > Мавлюда, Ойгул > Айгюль, Ҳайитгул > Айтгюль, Элнур > Эльнюр* ва бошқалар;

«**и**» товушининг «**ы**» тарзида ёзилиши натижасида: *Мингбой > Мынгбай, Одила > Адыла, Ширмоной > Шырманай, Қизил > Кызыл, Ўғилой > Огыльой* ва бошқалар;

исм таркибидаги «**ь**» белгисининг ёзилишида *Ўлмас > Ольмас, Ульмас, Гулнора > Гюльнора, Гулнавоз > Гюльнаваз, Гулсанам > Гульсанам, Дилнигор > Дильнигар, Зайнигул > Зайнигуль, Исматёр > Исматъяр, Келди(ев) > Кельди(ев), Мирзараҳим(ов) > Миръзараҳим(ов), Роҳатгул > Рахатъягул* ва бошқалар;

«**ъ**» белгисининг ўрнида «**г**» ёзилишида *Аъзам > Агзам, Аълам > Аглям, Маъруф(ов) > Магруф(ов), Махфират// Мағфират > Маърифат, Маъфира > Мағфира, Неъматулла(ев) > Нигматулла(ев), Неъмат > Нигмат, Саъдулла > Сагдулла, Саъди(ев) > Сагди(ев), Талъат > Талгат* ва бошқаларда ёрқин намоён бўлди.

Юқорида келтирилган тип имловий вариантларнинг юзага келишининг боиси, бир томондан, рус тили имлосининг талаблари бўлса, иккинчи томондан, исмларни русча транскрипция қилувчиларнинг саводхонлик даражасидир.

Шунингдек, келтирилган имловий вариантлар айрим ҳолларда ўзбекча талаффуз ҳамда матнларга ҳам сингиб кетганини кўрамиз, масалан: *Арипов (Орипов), Гулямов (Фуломов) Кельдияров (Келдиёров), Тохтаходжа (Тўхтахўжа), Ходжаниязов (Хўжаниёзов), Ёрматов (Ярметов)* ва бошқалар.

Афсуски, қайд қилинган тип вариант ва нуқсонли ёзилишларнинг қолдиқлари ҳозирда ҳам турли хилдаги расмий ҳужжатларда сақланиб қолмоқда ёки мана шундай ёзилишлар ФХДЁҚ ходимларининг айби ёхуд ҳужжат эгасининг лоқайдсизлиги туфайли ҳозирда ҳам учраб туриши ажабланарлидир.

Ушбу нуқсонларни тугатиш ўзбек исмлари имлосини меъёрлаш ишининг таркибий қисмидир. Мазкур муаммо алоҳида махсус тадқиқ этишни талаб қилади.

Қисқа хулосалар:

1. Ўзбек тилининг жорий имло қоидалари (1956 ва 1995 йиллар)да атоқли отлар имлоси, жумладан, антропонимлар имлоси четлаб ўтилган ва қоидалаштирилмаган. Ҳолбуки, антропонимларнинг ўзига хос имловий хусусиятлари мавжуд.

2. Антропонимларни имловий меъёрлашга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг имловий вариантларига ҳам эътиборсизликни туғдириб келди ва натижада ўзбек тилшунослигида киши атоқли отларининг имловий вариантлари ҳозирга қадар махсус тадқиқ қилинган эмас.

3. Антропонимларнинг имловий вариантларини ўрганиш ушбу вариантларни, асосан, уч гуруҳга бўлиш мумкинлигини кўрсатди:

а) исм таркибидаги унли товушларнинг ёзилиши билан боғлиқ вариантлар;

б) исм таркибидаги ундош товушларнинг ёзилиши билан алоқадор имловий вариантлар;

в) исм таркибидаги товушларнинг туширилиши ёки, аксинча, орттирилиши билан боғлиқ имловий вариантлар.

4. Исмларнинг имловий вариантлари адабий тилнинг имловий меъёрлари нуқтаи назаридан анормал ҳодиса ҳисобланади ва имконият доирасида меъёрлашни талаб қилади.

5. Ўзбек тилининг имло қоидалари келгусида такомиллаштирилганда антропонимик тизимдаги имловий вариантларни ҳам кўзда тутиш ҳамда улар имлоси учун махсус моддалар ажратиш мақсадга мувофиқдир.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўзбек антропонимияси тизимидаги вариантдорлик ҳодисасини ўрганиш ҳамда бунинг юзага келиш сабаблари, вариантларнинг ҳосил бўлиш усулларини тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Ўзбек тилшунослигида, унинг таркибий қисмлари бўлмиш ўзбек ономастикасида антропонимларнинг маънолари, уларнинг талқини, исм, фамилия ва отаисмларнинг грамматик тузилиши, ҳосил бўлиши, болани номлашнинг асосий мотивлари, бунинг этнографик негизлари юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Аммо ўзбек антропонимияси тизимидаги характерли хусусиятларидан бири бўлган антропонимик вариантлар масаласи махсус тадқиқ қилинган эмас.

2. Антропонимик вариантларга доир айрим фикрлар исм ҳамда фамилияларнинг имлосига оид ишларда қисман учрайди. Аммо уларда, асосан, номларнинг имловий вариантлари, уларни адабий меъёр нуқтаи назаридан баҳолаш ҳамда бартараф қилиш ҳақида фикр юритилади, холос.

3. Тил тизимидаги вариантдорлик масаласи тилшуносликнинг мунозарали ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммоларидан бири бўлиб, вариантларнинг моҳиятини юзага келиш сабаблари ҳақида тилшуносликда турли мулоҳазалар мавжуд. Вариантдорликни тор ва кенг маънода тушуниш мазкур муаммонинг ҳал этилмаган томонларидан биридир. Биз ушбу масалани баҳолашда тилшуносликда кейинги пайтларда назарий жиҳатдан асосланган инвариант ҳамда вариант ҳақидаги қарашларга таяндик.

4. Умуман, тил тизимида, жумладан, **антропонимияда, вариант, вариантдорликка ёндош** бўлган ҳодисалар мавжуд. Булар **синонимлар, луғавий параллеллар, қўшномлилик, кўпномлилик** ва бошқалар. Вариантлик ҳодисаси қайд

қилинган лисоний ҳодисалардан фарқланади. **Вариант, вариантдорлик, инвариант**, яъни бир асосий (асос) антропонимдан номнинг қўлланиши, функционал ҳолатларида юзага келган **турли фарқли шакллардир**.

5. Бизнинг ўзбек антропонимияси материаллари бўйича олиб борган таҳлилларимиз киши номларининг вариантдорлиги қуйидаги ҳолларда учрашини кўрсатди:

а) номни икки хил талаффуз қилиш ҳамда икки хил ёзиш;

б) номнинг ҳам адабий, ҳам лаҳжавий варианты мавжуд бўлишлиги;

в) шахс номининг эркалаш, суйиш омиллари туфайли турли шаклларга кириши;

г) номнинг талаффуз жараёнида нутқий иқтисод талабига кўра қисқартириб айтишга интилиш;

д) номнинг тарихий ҳамда замонавий шаклга эга бўлиши;

е) бир тушунча, маъно англатувчи номнинг икки хил ҳосил бўлиш шаклига эга бўлиши ва б.

6. Антропонимларнинг имловий вариантлари ном таркибида унли ёки ундош товушларнинг икки хил айтилиши ҳамда ёзилиши туфайли ном таркибида ёндош унли ва ундош товушларнинг, (**ъ**) белгисининг туширилиши сабабли юзага келади.

7. Антропонимларнинг лаҳжавий вариантларини юзага келтирувчи омил ва бунинг ҳосиласи бўлмиш вариантлар икки хил бўлади:

а) номнинг адабий имловий шакли ҳамда лаҳжавий шакли вариантлиги, масалан: **Ёрқин//Жарқин, Холбуви//Қолбиби, Толлой// Тотлиой** ва бошқалар;

б) номнинг лаҳжа (шева)лараро фарқли шаклларининг вариантдорлиги, масалан: **Аглам//Аълом, Агзам//А:зам, Нугмон// Нўмон //Ниғмон, Зерип//Зарип//Зариф, Режжси// Режап//Ражаб** ва бошқалар.

8. Антропонимларнинг эркалалаш-суйиш омили ҳамда жараёни билан боғлиқ вариантлар битта исмнинг болани эркалалаш, суйиш жараёнида бир неча шаклий вариантларга кириши туфайли юз беради, масалан: **Дилбар (Дилаш//Дилиш//Дилим), Нурмуҳаммад (Нураш//Нуриш //Нурим //Нурчаш), Боққи//Бахти//Бахтиёр, Зеббу//Зебуш //Зебо// Зебинисо** каби.

9. Умуман, антропонимик вариантларни юзага келтирувчи етакчи усуллардан бири – бу исмларнинг қисқариши (торайиши) ҳодисасидир. Бу ҳолат тил (нутқ)нинг иқтисод қонуни, яъни талаффузда енгиллик, ихчамлик туғдириш билан алоқадор. Бизнинг таҳлилларимиз бўйича исмларнинг қисқариш вариантлари ўзбек антропонимиясида қуйидаги усулларда юз беради:

а) қўшма исмнинг биринчи қисми туширилади, масалан: **Ваҳоб (Абдуваҳоб), Толиб (Абутолиб);**

б) қўшма исмнинг иккинчи қисми туширилади, масалан: **Берди (Бердирасул), Эш (Эшбўлсин);**

в) исм таркибидаги бирор бўғин ёки товуш туширилади, масалан: **Заро (Заҳро), Зўра//Завра (Зухра), Убдураим (Абдурахим), Исоқали (Исҳоқали), Дилфуз (Дилфуза)** ва бошқалар.

10. Антропонимик тизимнинг вариантдорлиги, ушбу ҳодисанинг юзага келиш омиллари, усулларида ўзбек тилининг фонетик, орфоэпик, морфологик, синтактик, айниқса, луғавий қонуниятлари, бир қатор нолисоний омиллар амал қилади. Шу сабабли антропонимик вариантларнинг тадқиқ қилиниши тилга олинган лисоний сатҳларни баъзи илмий тушунчалар билан бойитиши шубҳасиз.

11. Мазкур тадқиқотнинг илмий хулосалари ўзбек антропонимияси тизимининг, жумаладан, луғавий фондининг ривожланиши ва бойиш қонуниятларини очишга имкон беради.

Шунингдек, ишнинг илмий таҳлиллари, назарий хулосалари **ўзбек номшунослиги, ўзбек тили лексикологияси ва семасиологиясининг** атоқли отларга доир баъзи ҳал қилинмаган муаммоларини ечишга, бу борадаги (имловий) камчиликларни бартараф етишга, келгусида атоқли отларнинг бошқа типларини ҳам вариантдорлик назарияси асосида тадқиқ қилишга йўл очади. Ишнинг назарий хулосалари ва таҳлиллари олий ўқув юртларида ўзбек номшунослиги бўйича махсус курслар ўқишда, тилга оид амалий машғулотлар ўтказишда қўл келади.

12. Мазкур ишнинг методологик асосини диалектик материализмнинг нарса ва унинг номи, маъно ва шакл орасидаги муносабатга оид қарашлари ташкил қилади. Шунингдек, **жаҳон тилшунослигида, жумладан, туркий номшунослик, ўзбек ономастикасида** кейинги йилларда бажарилган фундаментал тадқиқотлар, улардаги назарий-илмий методологик хулосалар ҳамда тадқиқот усулларидадан ушбу ишда назарий йўлланма сифатида фойдаланилади.

Тадқиқотда лингвистик **тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш** усулларидадан фойдаланилди. Материаллар, асосан, синхрон усулда таҳлил қилинди.

13. Ушбу ишнинг тадқиқот объектини ҳозирга давр ўзбек антропонимияси тизимидаги исмларнинг **адабий, лаҳжавий, имловий вариантлари** ташкил қилади. Булар **умумўзбек антропонимияси ва маҳаллий-минтақавий (регионал) антропонимия тизимини** кузатиш орқали тўпланган вариантлардир. Шунингдек, диссертацияда ўзбек исмлари бўйича ҳозирга қадар нашр қилинган ишлардаги фактик материаллардан ЎзРФ Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳозирги ўзбек тили бўлимидаги **ўзбек исмлари картотекасида**н ҳам фойдаланилди. Муаллиф белгилашга муваффақ бўлган вариант исмларнинг умумий миқдори 3000 дан ошди.

14. Антропонимик вариантларнинг тадқиқ қилиниши нафақат назарий, балки илмий-амалий аҳамиятга ҳам эга. Бунинг тадқиқ натижалари **ўзбек исмларининг имловий ҳамда талаффуз меъёрларини белгилашда, исмларнинг имловий, изоҳли луғатларини тузишда, ўзбек антропонимларини ўзга тилларга транскрипция ва транслитерация қилишда** назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент: Фан, 1961. – 346 б.
2. Абдуллаев Ф. Фонетика Хорезмских говоров. – Ташкент: Фан, 1967. – 148 б.
3. Абдуллаев Ф. Киши отларининг қисқартиш усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. - 1960. 3-сон, – Б. 33-39.
4. Абдуллаев Ф., Маматов Н. Тилшуносликнинг сўнгги ютуқлари асосида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1984. – 1 окт.
5. Абдуллажонова Ж., Охунов Н. Қоидалар янада пухта бўлсин// Ўқитувчилар газетаси. – 1982. – 12 март.
6. Абдурахманов А. Этимологическое последование некоторых этнонимов общих для узбекских и казахских народов // Матер. конф. Ономастики Узбекистана. – Джизак, 1985. – С. 26-27.
7. Абдурахмонов А. Санфаржигон ёки Занжибоғ // Фан ва турмуш. 1974. 3-сон. – Б. 32.
8. Айплатов Г.Н. О марийских собственных именах XVII века // Советское финногороведение. 1965. № 2. – С. 89-93.
9. Акабирова Х., Мирзаев Ш. Отойи эмас, Атойи// Ўзбекистон маданияти. 1959. – 14 янв.
10. Алиев С. Қоидалар мукамал ва изчил бўлсин // Ўқитувчилар газетаси. 1981. – 5 дек.
11. Атаниязов С. Туркмен адам атларынын душундиришли созлиги. –Ашхабат: Ылим, 1992. – 179 б.
12. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов.энцикл., 1969. – 309 с.
13. Ахметьянов Р.Г. Некоторые чувашско-татарские диалектные лексические параллели и их этимологии // Диалекты и топонимия Поволжья. – Чебоксары, 1979. – С. 79-89.
14. Аъламова М., Жўрабекова М. Бугунги ва эртанги кун талабларини кўзлаб // Ўқитувчилар газетаси. – 1981. – 20 янв.
15. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. 158 б.
16. Бегматов Э.А. Узбекская антропонимика (состояние и проблемы) // Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1987. – С. 59-64.
17. Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари имлоси (Русча ёзилиш масалалари). – Тошкент: Фан, 1972. – 384 б.

18. Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 64 б.
19. Бегматов Э. Исм-шариф қандай ёзилади? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990. – 20 апр.
20. Бегматов Э. Киши номлари имлоси. – Тошкент: Фан, 1970. – 116 б.
21. Бегматов Э. Холисахон ҳақми? // Тошкент оқшоми. 1990. 17 авг.
22. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси: филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1965.- 484 б.
23. Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965. – 21 с.
24. Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. – 208 б.
25. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 200 б.
26. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент, 1988. – 204 б.
27. Бегматов Э., Нуриддинова Р., Рахимов С. Проблемы узбекской региональной антропонимии // Актуальные проблемы языкознания. – Шымкент, 1998. – С. 37-45.
28. Бегматов Э.А., Сатторов Г. Диалектные элементы узбекской региональной антропонимии // Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1989. – С. 111-114.
29. Бегматов Э., Хусанов Н., Ёқубов Ш., Боқиев Б. Ўзбек тарихий номшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1992. 5-сон. – Б. 26-27.
30. Бегматов Э., Худойберганов Р.Ю. Вариантдорлик тушунчасига доир//Филологик тадқиқотлар. 2006. – Б. 10-15.
31. Бегматов Э., Худойберганов Р.Ю. Топонимик индикаторларнинг кашшоф тадқиқотчиси//Профессор З.Дўсимовнинг 60 йиллик юбилейига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари. 2006.
32. Бейтуллаев М. Уменьшительные формы личных имён в турецких диалектах Болгарии // Советская тюркология. – 1972. - №2. – С. 93-94.
33. Бобомуродов А. Шахрисабз район жой номларининг ўзбекча ва русча имлоси// Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1989. – С. 20-21.

34. Бондалетов В.Д. Русская ономастика. - Рязань: Ряз.ГПИ, 1977. 197 с.
35. Бондалетов В.Д., Долина Е.Р. Средство выражения эмоционально-экспрессивных оттенков в русских личных именах // Антропонимика. - М.: Наука, 1970. - С. 196-199.
36. Бромлей С.В. Ещё раз о русских вариантах греческой имени GEORGIOS// Общеславянский лингвистический атлас. - М., 1975. - С. 142- 151.
37. Воробьева В.И. К проблеме вариантов и синонимов в топонимике // Межвуз. науч. конф. - Томск, 1972. - Вып. 5. - С. 54-63.
38. Выборов В.П. Личные собственные имена и их стилевые и экспрессивно-оценочные формы в нижненовгородских говорах коми языка // Учёные записки Коми пединститута. - Сыктывкар, 1962. - С. 110-111.
39. Гарипова Ф.Г. Некоторые параллели в топонимии Поволжья //Шестая конференция по ономастике Поволжья. - Волгоград, 1989. - С. 74-75.
40. Гордеев Ф.И. Балтийские параллели некоторых топонимов Марийской АССР // Тезисы докладов конф. аспирантов и молодых сотрудников ин-та Востоковедения. - М., 1975. - С. 102-103.
41. Гордеев Ф.И. Несколько слово Марийско-Балтийских топонимических параллелей // Тезисы докл. конф. аспирантов и молодых сотрудников ин-та Востоковедения. - М., 1976. - С. 81-82.
42. Гулијева М.М. Синоним антропонимлар // Азэрбајжан ономастикасы проблемлэри. III. - Бақы, 1990. - Б. 29-30.
43. Дадаева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида вариантдорлик. - 1976. 6-сон.
44. Данилина Е.Ф. Категория ласкательности в личных именах и вопрос о так называемых "Сокращенных" формах имен в русском языке // Ономастика. - М.: Наука, 1969. - С. 150-151.
45. Данияров Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекском литературным языком. - Ташкент: Фан, 1975. - 239 с.
46. Дарбеева А.А. Параллельные формы личных имен бурят // Антропонимика. - М.: Наука, 1970. - С. 205-206.
47. Джанузаков Т.Дж. Основные проблемы ономастики казахского языка: автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. - Алма-Ата, 1976. - 46 с.

48. Добряк А.А. Варианты полных личных имён в составе фамилии // Вопросы ономастики. 1974. - № 8-9. – С. 57-76.
49. Дониёров Х. Желашган диалектнинг характери морфологик хусусиятлари // СамДУ асарлари. Янги серия. – Самарқанд, 1960. 112-сон. – Б. 34-35.
50. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент: Фан, 1979. – 158 б.
51. Думбрэвяну А.Н. Молдовская диалектика антропонимия. – Кишинев: Истинца, 1982. – 181 с.
52. Дўстов И.Р., Аҳмедова Р.Ж. Топонимлар имлоси ва талаффузининг айрим масалалари // Илмий-амалий конф. тезислари. – Навоий, 1993. – Б. 30.
53. Жамолхонов Ҳ. Имло қоидаларимиз такомиллашсин // Ўқитувчилар газетаси. – 1981. – 28 окт.
54. Жаненова З.Р. Уменьшительно-ласкательные формы казахских личных имен как национально-уважительная форма обращения к личности // Илмий-амалий конф. тезислари. – Навоий, 1993. – С. 34-35.
55. Жапаров Ш. Қырғыз одам отларынын созлугу. – Фрунзе: Мектеп, 1979. – 172 б.
56. Жапаров Ш. Қырғыз адам аттары. – Фрунзе: Илим, 1989. – 207 б.
57. Жонузоқов Т. Қазақ есімдерінің тарихы. – Алматы: Наука, 1971. 261 б.
58. Жанузақов Т., Исабаева К. Қазақ есімдері. – Алматы: Ғылым, 1988. 279 б.
59. Зуфаров С. Сарём ёки Сайрам ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1963. 6-сон. – Б. 24-76.
60. Икромова Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функционал формалари. – Тошкент: Фан, 1985. – 120 б.
61. Исрафилова Р.Д., Мэшәдијев Г.И., Чәфәров Г.Н. Азербайжан дилинин ономастикасы. – Бақы: Елм, 1987. – 54 с.
62. Ишаев А. Манғит шеvasида сўзларнинг торайиш формалари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1962. 3-сон. – Б. 24-28.
63. Ишаев А. Манғит шеvasига оид кузатишлар // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. – Тошкент: Фан, 1961. 2-сон. – Б. 229-234.

64. Камолов Ф., Жуманиёзов Р., Пинхасов Я., Мирзаев Т., Бегматов Э. Исм ва фамилиялар имлосига доир // Ўқитувчилар газетаси. 1962. – 20 сент.
65. Кляшторный С.Г. Якасарт – Сыр-Дарья // Советская этнография. 1953. - № 3. – С. 189-190.
66. Керимов С.К. Этноним минг в топонимии Азербайджана // Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1989. – С. 45-46.
67. Кнопкова М. Языковые аспекты общественного функционирования личных имен // Ономастика и грамматика. – М.: Наука, 1981. – С. 67.
68. Комков А.М. Проблемы нормализации географической названий // Труды центральной НИИ геодезии, аэрофотосъемки и картографии. – М., 1977. Вып. 219. – С. 5-11.
69. Комков А.М. Проблемы стандартизации (нормализации) географической названий в нац. ном-и международном аспектах// Ономастика и норма. – М.: Наука, 1976. – С. 6-16.
70. Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Т.1. – Тошкент: Фан, 1960. – 499 б.
71. Крыжановская С.Г. Словообразовательные варианты антропонимов в русских народных исторических песнях XVII-XIX вв. // Науч. труды Куйбишевского ПИ. - Куйбишев, 1979. Т. 228. - С. 38-42.
72. Крыжановская С.Г. Словообразовательные варианты топонимов // Науч. труды Куйбишевского ПИ, 1976. Т. 180. – С. 30-37.
73. Лемтюгова В.П. Идти от истоков // Всесоюзная научно-практическая конф. “Исторические названия памятники культуры”. – М., 1989. – С. 47-48.
74. Литвин И.П. О некоторых особенностях функционирование топонимов в обществе // Топонимия и общество. – М., 1989. – С. 6-7.
75. Мамадалиев Б. Ўзбек тилида таркибли сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1966. 4-сон. – Б. 47-48.
76. Мамадалиев Б. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент: Фан, 1966. – 108 б.
77. Маматов Н. Образования собственно сложных слов в узбекском языке // Советская тюркология. 1982. - № 1. – Б. 12-13.
78. Маматов Н. Яна қўшма сўзлар имлоси ҳақида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1982. – 30 июнь.

79. Маматов Н. Қўшма сўзлар билан содда сўзларнинг ўзаро муносабати масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1982. 2-сон. – Б. 7- 13.
80. Маматов Н. Қўшма сўзлар қўшиб ёзилади // Ўқитувчилар газетаси. 1981. – 23 сент.
81. Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент: Фан, 1982. – 227 б.
82. Мамедов М.А. Среднеазиатские этнонимы в Азербайджане // Материалы конф. по ономастике Узбекистана. – Джизак, 1955. – С. 23-24.
83. Мартынова М.Н. Фонетические варианты заимствованных топонимов в английском языке: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1971. – 21 с.
84. Мартынова М.Н. О вариантности фонетических структур заимствованных топонимов в английском языке // Синхронно-сопоставительный анализ языка разных систем. – М., 1971. – С. 7-15.
85. Маҳкамов Н., Умурқулов Б. Жамоатчиликка ҳавола // Ўқитувчилар газетаси. 1982. – 14 апр.
86. Маъруфов З. Шарипбоев эмас, Шарифбоев // Тошкент оқшоми. 1970. – 17 авг.
87. Маҳмудов Н. Тил тараққиёти ва саводхонлик // Ўзбекистон маданияти. 1982. – 8 янв.
88. Мешадиёв Г.И. Лексические параллели в топонимической системе азербайджанского, узбекского и киргизского языков // Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1989. – С. 57-58.
89. Мирзаев М., Ғуломов А. Қоидалар мукамал ва барқарор бўлсин // Ўқитувчилар газетаси. 1981. – 2 дек.
90. Митрошина А.Г. Бурятская антропонимия. – Новосибирск: Наука, Сибирское отделение, 1971.–169 с.
91. Мокшин Н. Старинные Мордовские имена // Литературная Мордовия. 1961. № 25. – С. 113.
92. Мурзаев Э.М. Топонимические параллели // Изв. ВГО. 1946. Т. 28. Вып. 5-6. – С. 525-530.
93. Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. -Тошкент: Шарқ, 2005. -234 б.
94. Набиева Д. Ўзбек тили сатҳларида диалектик категорияларнинг намоён бўлиши: филол. фанлари д-ри дисс. автореф. -Тошкент, 2006. - 46 б.

95. Наврузов Р. Азэрбајчан топонимлэрининг параллеллари һаггында // Азэрбајчан ономастикасы проблэмэлари. III. – Боку, 1990. – С. 294-297.
96. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 288 б.
97. Нафасов Т. Узбекско-азербайджанские параллели гидрогеографических терминов и их реалии в региональной гидронимии // Материалы конференции по проблемам азербайджанской ономастики. – Баку, 1987. – С. 214-217.
98. Никонов В.А. Пути топонимического исследования // Принципы топонимики. – М.: Наука, 1984. – С. 58-86.
99. Нормализация географических названий и их отражение в топонимии. – М.: ЦНИИГАИК, 1977. – 144 с.
100. Нуриддинов Ф. Исмбузарлар // Тошкент оқшоми. 1967. 28 июнь.
101. Нуриев Э.Б. Азарбайжанские географические термины и их параллели в Средней Азии // Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1987. – С. 16-17.
102. Ономастика Узбекистана (библиографический указатель). – Ташкент, 1989. – 207 с.
103. Палагина В.В. Варвирование антропонимических структур в томских деловых документах XVII в. // Вопросы ономастики. – 1980. - Вып. 14. – С. 87-88.
104. Петровский Н.А. Словарь русских личных имен. – М.: Сов.энцикл., 1966.- 384 с.
105. Полякова Е.Н. Источники изучения русских непольных и оценочных имён прошлого // Сб.: Русская ономастика. – Рязань, 1977. – С. 65-69.
106. Поротников П.Т. Материалы для словаря вариантов русских личных имён // Вопросы ономастики. – Свердловск, 1979. Вып. 13. – С. 5-28.
107. Расулов М.Я., Ахмедова М.Я. О разное написании имён Абу Али ибн Сино // Здравоохранение Таджикистана. 1958. - № 5. – С. 49-51.
108. Раҳимов С.М. Хоразм минтақавий антропонимияси: филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. – Тошкент, 1998. – 28 б.
109. Раҳимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси: филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1999. – 143 б.

110. Раҳматуллаев Ш. Орфография қоидалари – саводхонлигимиз асоси. – Тошкент: Фан, 1980. – 55 б.
111. Раҳматуллаев Ш. Бизнинг конкрет таклифларимиз // Ўқитувчилар газетаси. 1982. – 13 янв.
112. Раҳматуллаев Ш. Қайта яратишми ёки тузатиш // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1982. – 5 март.
113. Раҳматуллаев Ш., Ҳожиев А. Қўшма сўзларнинг имло қоидалари ва луғати. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1961. – 52 б.
114. Реформатский А.А. Топонимика лингвистический факт // Топонимика и транскрипция. – М.: Наука, 1989. – С. 25-29.
115. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1962. – 89 б.
116. Роспанд С. Структура и стратиграфия древнерусских топонимов // Восточно-славянская ономастика. - М.: Наука, 1972. – С. 20-35.
117. Рустамов Ҳ. Саодат, Соадат, Содат, Садат // Фан ва турмуш. 1968. 3-сон. – Б. 24-25.
118. Садыгов З. Азербайжан дилиндэ шэхс адлары: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Баку, 1975. – 19 с.
119. Садыков З.А. Азербайжан антропонимикасында фонетик вариантлар // Уч. зап. Азерб. ун-та. Сер. языка и литературы. – Баку, 1976. - № 3. – С. 10-12.
120. Сайымбетов О.Т. Состав и структура каракалпакских личных имён: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Нукус, 1998. – 20 с.
121. Саттаров Г.Ф. Татар антропонимикаси. – Казань: Казанск. ун-т, 1990. – 241 с.
122. Саттаров Г.Ф. Татар исемнэре сузлеге. – Казань: КазАН ССР, 1981. – 271 с.
123. Саттаров Ғ.Ҳ. Ўзбек антропонимиясининг туркий қатлами: филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. – Тошкент, 1990. – 21 б.
124. Сафаров М. Хонқами ёки Хонақоҳ // Фан ва турмуш. 1974. 3-сон. – Б. 10-12.
125. Сверланов В. К вопросу о происхождении коми-пермяцких фамилий // Наш край. 1964. Вып 1. – С. 61-62.
126. Силаева Г.А. Из наблюдений над стилистическими функциями полных и неполных имён в романе А.Н.Толстого “Война и мир” // Препоод. русс. яз. в высшей и ср. школе. – Рязань, 1973. – С. 140-144.

127. Сими́на Г.Я. Бытовые варианты личных имен. – М.: Сов.энцикл., 1966. – 194 с.
128. Скрозникова В.А. Варианты топонимов и этнонимов в США // Этнография имён. – М.: Наука, 1971. – С. 140-144.
129. Словарь иностранных слов. – М.: Сов. энцикл., 1964. - 784 с.
130. Собственные имена в системе языка. – Свердловск. ун-т, 1980. – 187 с.
131. Справочник личных имён народов РСФСР. – М.: Сов.энцикл., 1965. – 254 с.
132. Сталтмане. Латышская антропонимия, фамилии. – М.: Наука, 1981. – 228 с.
133. Сулаймонов Х. Алишер Навоий номининг ёзилиш шакллари ва имлоси ҳақида // Адабий мерос. – Тошкент, 1977. Жилд. 8. – Б. 43-47.
134. Суперанская А.В. Личные имена в официальном и неофициальном употреблении // Антропонимика. – М.: Наука, 1970. – С. 159- 182.
135. Суперанская А.В. Ономастическая стандартизация. Допустимость. Возможность. Ограничения // Восточнославянская ономастика. Исследование и материалы. – М.: Наука, 1979. – С. 84-112.
136. Суперанская А.В. Параллельные мужские и женские имена, включавшиеся в старые церковные календари // Ономастика и грамматика. – М.: Наука, 1981. – С. 171-180.
137. Суперанская А.В. Структура имени собственного // Фонология и морфология. - М.: Наука, 1969. – С. 171-180.
138. Суперанская А.В. Теоретические проблемы региональных топонимических исследований // Материалы конф. по ономастике Узбекистана. – Джизак, 1985.
139. Тепляшина Т.И. Двойные имена удмуртов // Личные имена в прошлом, настоящем и будущем. – М.: Наука, 1970. – С. 163-164.
140. Тугунова В.И. Категория уменьшительности ласкательности в диалектной антропонимии // Ономастика Поволжья. – Горький, 1971. – С. 81- 85.
141. Турсунпулатов М., Жураев Х. Уменьшительно-ласкательные аффиксы, связанные с женскими и мужскими именами // Материалы по ономастике Узбекистана. – Ташкент, 1985. –Б. 51-52.
142. Уразбаева З.Г. Словообразовательная вариантность башкирских местных географических терминов // Диалекты и топонимия Поволжья. Вып. 3. – Чебоксары, 1975. – С.102-107.

143. Усмонов О. Мукаммал қоидалар керак // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1982. – 12 янв.

144. Усмонова Ў. Дублетлар ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. - № 1. – Б. 45-47.

145. Хапаев С.А. Башкирско-карачаево-балкарские параллели географических терминов, отражающих традиционные природопользования // Шестая конф. по ономастике Поволжья. – Волгоград, 1989. – С. 58-85.

147. Хапаев С.А. Узбекско-карачаево-болкарские параллели гидронимов Средней Азии и Северного Кавказа // Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1989. – С. 85-86.

148. Худойберганов Р.Ю. Ономастикада вариантдорликка хос исмлар синонимияси ҳақида//Филологик тадқиқотлар. Тўплам. – Тошкент. 2006. –Б. 70-72.

149. Худойберганов Р.Ю. Ўзбек исмларида вариантдорлик кўринишлари// Тил ва адабиёт таълими. 2006. 1-сон.

150. Худойберганов Р.Ю. Исмларнинг эркалаш-кичрайтиш вариантлари// Илм сарчашмалари. 2006. 1-сон.

151. Худойберганов Р. Антропонимияда вариантдорликка хос палиндромлар хусусида//Филологик тадқиқотлар. – Тошкент, 2007. – Б. 60-62.

152. Худойберганов Р.Ю. Ономастик параллеллар хусусида// Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. 5-сон.

153. Худойберганов Р.Ю. Антропонимларнинг имлосига доир (1-мақола)// Республика илмий-амалий конференция материаллари. НДПИ. – Тошкент, 2008. –Б. 80-81.

154. Худойберганов Р.Ю. Ўзбек исмларининг имлосига доир (2-мақола)//Филологик тадқиқотлар, тўплам. 2008.

155. Худойберганов Р.Ю. Ўзбек исмларининг имлосига доир (3-мақола)//Филологик тадқиқотлар, тўплам. 2009.

156. Худойберганов Р.Ю. Ўзбек топонимикасининг илк тадқиқотчиларидан бири//Профессор З.Д.Дўсимовнинг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари. – Хоразм, 2016. – Б. 25-27.

157. Худойберганов Р.Ю. Исмларнинг қисқарган вариантлари// Фахрий профессор А.Жуманиязовнинг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2017. – Б. 36-40.

158. Худойбергганов Р.Ю. Двойные имена, полиномы и ономастическая вариантность // Молодой учёный. Международный научный журнал. – Казань, 2017. – С. 663-664.

159. Худойбергганов Р.Ю. Ўзбек антропонимларини ўқитишнинг назарий ва амалий асослари. Ўқув-услугий қўлланма. – Тошкент, 2018. – Б. 38.

160. Xudoyberganov R.Y. Mavjud imlo qoidalari va ilmiy ishlarda antroponimlar imlosiga munosabat // Polish sciehce journal. – Varshava, 2019.

161. Xudoyberganov R.Y. The orthography of antrophonyms and the issues of using antrophonyms in teaching progress. – Spein, 2019.

162. Хушвақтов Э. Исмбўзар // Муштум. 1965. 19-сон. – Б. 27.

163. Чобанов М.Н. Азарбајчан антропонимиясынын эаслэри. – Тбилиси: Гаматлеба, 1983. – 100 с.

164. Чумакова Ю.П. К вопросу о формах личного имени в русский диалектной речи // Антропонимика. – М.: Наука, 1970. – С. 200-225.

165. Шатинова Н.И. Детские уменьшительно-ласкательные имена у алтайцев // Шестая конф. по ономастике Поволжья. – Волгоград, 1989. – С. 53-54.

166. Шоабдурахмонов Ш. Лексик дублетлар ва уларнинг нормасини белгилаш // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1966. 6-сон. – Б. 20-23.

167. Шукуров Р.М. Параллел синтактик бутунликлар: филол. фанлари номзоди ... дисс. – Фарғона, 2004. – 23 б.

168. Шукуров Р. Сўзнинг морфологик вариантлари. – Тошкент: Фан, 1990. – 93 б.

169. Шукуров Р. Сўз вариантлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1982. 6-сон. – Б. 38-42.

170. Юсупов Б. Ҳаёт тақозоси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1984. – 13 нояб.

171. Юсупов Ю.Б., Каримов С.К. Азербайжанские и узбекские топонимические параллели // Материалы конф. по ономастике Узбекистана. – Джизак, 1985. – С. 11-112.

172. Ўзбек миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Тошкент: Ўз-н мил. энцикл., 2003. – 679 б.

173. Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари // Ўқитувчилар газетаси. – 1981. – 8 авг.

174. Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986. – 150 б.

175. Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари // Ўқитувчилар газетаси. – 1981. – 30 янв.
176. Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳли луғати. – Самарқанд, 1977. – 202 б.
177. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972. – 144 б.
178. Ўрозов Э.Ю. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1978. – 135 б.
179. Қораев С. Номи кўп-у асли бир // Фан ва турмуш. 1983. 9-сон. – Б. 10-11.
180. Қўнғуров Р.Қ., Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти (библиографик кўрсаткич). – Самарқанд: СамДУ, 1974. – 100 б.
181. Гафур Гулом. Атойи эмас, Отойи // Ўзбекистон маданияти. 1959. – 21 янв.
182. Ҳасанов Ҳ. Ер тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 88 б.
183. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – 81 б.
184. Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1963. – 145 б.
185. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1 қисм. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 390.
186. Ҳусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-маъновий ва услубий хусусиятлари. 1-китоб. – Тошкент, 1996. – 126 б., 2-китоб. – 1997. – 134 б.

МУНДАРИЖА:

Сўз боши.....	3 -10
Кириш.....	11 -39
I БОБ. АНТРОПОНИМИК ВАРИАНТЛАР ТУШУНЧАСИ.....	40 -87
1.Вариантдорликнинг синонимияга муносабати.....	40 -44
2.Вариантдорлик ва ономастик параллеллар.....	44 -54
3.Қўшномлилик ва кўпномлилик ҳамда ономастик параллеллар.....	54 -62
4.Палиндромик номлар ва вариантдорлик.....	63 -65
5. Ономастик вариантдорлик тушунчаси.....	65 -85
Қисқа хулосалар.....	85 -87
II БОБ. ИСМЛАРНИНГ ЛАҲЖАВИЙ ВА ЭРКАЛАШ-КИЧРАЙТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАРИАНТЛАР.....	88 -119
1.Исмларнинг лаҳжавий ва эркалаш-кичрайтириш шакллари ҳамда уларнинг ўрганилиши.....	88 -92
2.Исмларнинг қисқариш ҳамда эркалаш-кичрайтириш вариантлари.....	93
3.Исмларнинг луғавий-лаҳжавий вариантлари.....	94 -96
4.Исмларнинг қисқарган вариантлари.....	96 -103
5. Исмларнинг эркалаш-кичрайтириш вариантлари.....	103 -112
6. Антропонимик вариантлар ҳосил бўлишининг бошқа типлари.....	112 -118
Қисқа хулосалар.....	118 -119
III БОБ. АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ИМЛОВИЙ ВАРИАНТЛАРИ.....	120 -161
1.Антропонимлар имлосининг ўзига хос хусусиятлари.....	120 -123
2. Мавжуд имло қоидалари ва илмий ишларда антропонимлар имлосига муносабат масаласи.....	124 -134
3. Унлилар имлоси билан боғлиқ вариантлар.....	134 -141
4. Ундошлар имлоси билан алоқадор имловий вариантлар.....	141 -151
5. Товушнинг тушиши ёки аксинча ортиши билан боғлиқ ҳодисаларга оид вариантлар.....	151 -160
Қисқа хулосалар.....	161
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	162 -166
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	167 -178

ХУДОЙБЕРГАНОВ РАВШАН ЮСУПОВИЧ

**ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИЯСИ ТИЗИМИНИНГ
ВАРИАНТДОРЛИГИ**

(Монография)

Муҳаррир:

Ш. Қаландарова

Техник муҳаррир:

А. Бобожонов

Мусахҳиҳ:

З. Бурунов



Нашриёт
ТАСДИҚНОМА
рақами:
№152441

Босишга 2023 йил 14 ноябрда берилди.
Бичими 60x84¹/₁₆. «Cambria» гарнитурасида.
Ҳажми – 11,25 босма табоқ. Адади - 100 дона.
Буюртма № 2. Баҳоси келишилган нархда.

Огаҳий нашриётида тайёрланди.
Манзил: Урганч шаҳри Ал-Хоразмий кўчаси. 23-уй
“Шамс нашр” матбаа корхонасида чоп этилди.
Манзил: Янгиариқ т., “Гулшан диёр” к., 56-уй.
23-уй. Тел: (+99893) 749 72 66